

**САОДАТ ДЖУРАБЕКОВА**



**КОМПОЗИТОР  
МУХАММАД  
ОТАЖОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**Саодат ДЖУРАБЕКОВА**

**МУХАММАД  
ОТАЖОНОВ**

*(Монография)*

«Musiq» нашриёти  
Тошкент  
2021

**85.31г**

**Д 46**

**Джурабекова Саодат.**

Мухаммад Отажонов. /С.Джурабекова. – Тошкент, 2021.  
112 б.

**КБК 85.31г**

**УДК 78.071.1(092)Отажонов**

*Мазкур монография ЎзДК Ўқув-услугий кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган*

***Масъул муҳаррир:***

Отаназар Матякубов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори

***Тақризчилар:***

Африда Хакимова – Ўзбекистон давлат консерваторияси  
профессори

Ирина Галущенко – Ўзбекистон давлат консерваторияси  
профессори

ISBN 978-9943-6246-7-2

© «Musiq» нашриёти, 2021.

© С.Джурабекова, 2021.

---

---

## МУҚАДДИМА

Мустақиллик шарофати ила янги сиёсий-мафкуравий ғоялар барча илм-фан, маданият соҳалари қатори санъатда ҳам жиддий ўзгаришларга юз тута бошлади. Ўзгаришлар натижасида юзага келган қийинчиликларга қарамай мустақиллик энг аввало юртга миллийлик, қадимий қадриятлар, яъни ўзлигимизни англаш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берди.

Ютуқли томони шундаки, янги давр шароити миллий бойликларимиз билан баробар умумжаҳон мусиқа маданияти соҳасида эришилган ютуқларни ҳам қўллаб қувватлади.

Ўзбек профессионал мусиқа санъати кўплаб чегараланишлардан ҳоли равишда эркин ривожлана бошлади. Бу аввало композиторлик санъатида ёрқин кўзга ташланади. Қисқа вақт ичида янги жанр ва услублар, янги ифода этиш воситалари маданий ҳаётимизга кириб борди.

Композиторлик ижодиётида даврнинг сиёсий жараёнлари ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан иложи йўқ. Тарихдан маълумки, уруш йилларига келиб турли дахшатли воқеалар қуршовида мусиқий ижодкорликда ҳам мазкур зиддиятлар ҳаддан зиёд номутаносибликларни келтириб чиқарди. Бу эса атонал системаларда фикр юритишгача олиб келди. Тубдан янги ислоҳот йўлларининг пухта шаклланишига, уни инсонлар онгига сингиб кетишига неча ўн йилликлар сарфланди, десак муболаға бўлмас.

Ҳар қандай ўтиш даври доим мураккабликлар, турли қарама-қаршилиқлар билан кескин вазиятда кечган. Аммо композиторлик соҳасидаги бу ислоҳотлар узоқ давом этмади. Зиддиятлар билан тўлдирилган мусиқа нафақат тингловчиларни, балки композиторларни ҳам ортиқ қизиқтирмай қўйди. Вақт ўтган сайин мазкур нооҳангдошликлар аста ўз ечимини топа бошлади.

Истиқлол йилларига келиб эса ўзбек композиторлик ижоди замондошлар руҳиятидан келиб чиқувчи, мавзу ва мазмун бўйича ранг-баранг халқчил асарлар яратила бошланди. Асосийси мусиқада мафтункорлик, дилкашлик, таъсирчанлик ва куйчанлик каби фазилатлар ҳукм суриши одат тусига кириб борди.

Шубҳасиз композитор бўлиш маъноси жуда кўп унсурлардан тузилади. Уларнинг асосийлари истеъдод, ирода, меҳнат, дид ва қатор бошқа мезонлар билан бирга ижод сифатининг шаклланишида сиёсий шароитлар ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Муҳими ҳар қандай шароитда ҳам ижодкор ўзи учун фақат эзгу йўлни танлаб ижод этишидир.

Мустақиллик даврида кечган туб сиёсий, иқтисодий ва маданий ислоҳотлар мусиқа санъатига, ижодга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан иложи йўқ. Мазкур икки хил давр мевасини тотиб санъат оламига ўзининг шахсий қалами билан кириб келган истеъдодли композиторлар сафидаги Муҳаммад Отажонов ижоди ва унинг ижоди билан боғлиқ давр муҳити хусусида баҳоли қудрат ёритиш мақсад этилди.

У бугунда ўзининг ижодий етуклик даврини бошдан кечирмоқда. Эҳтимол келажакда унинг янги яратилажак янада баркамол дурдона асарлари бунёдга келар. Аммо ушбу монография доирасида бугунга қадар яратилган унинг арзигулик ижод маҳсулини мусиқашунослик нуқтаи назари билан ёритиш мақсад қилиб олинган.

Мазкур китоб устида ишлаш жараёнида ўз ижодига оид ноталар ва ҳужжатларни тақдим этиб, имкон доирасида ёрдам кўрсатгани учун композитор Муҳаммад Отажоновга ҳамда устозларимиз Матёқубов О.Р., Голущенко И.Г., Хакимова А.Х.ларга, шунингдек ҳамкасб дўстимиз Ашуров Б.Ш.га муаллиф самимий миннатдорлигини изҳор этади.

---

---

## ОТАЖОНОВЛАР СУЛОЛАСИ

Муҳаммад Отажонов ижоди хусусида мулоҳазаларни баён этишдан аввал унинг йирик мусиқачи-созандалар, бастакорлар сулоласидан келиб чиққанлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Бу авлоднинг ҳар бир вакили ўз ворисига умри бўйи тўплаган тажрибаси, меҳнат маҳсулини мерос қилиб қолдиргани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Муҳаммад Отажоновдан аввалги тўрт авлод мусиқачилари сулоласи бизгача маълумдир.

Машариф<sup>1</sup> сурнайчи (1840-1910) номи билан танилган моҳир созанда. У Муҳаммад Отажоновнинг бобоси ҳисобланиб, Хиванинг нуфузли хони – Муҳаммад Рахимхон II саройида обрўли мусиқачи-созандалардан саналган. Тарихдан маълумки, Хоразмда Муҳаммад Рахимхон II ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат хусусан мусиқа соҳасига катта эътибор қаратилган бўлиб, хон саройига мусиқачилар алоҳида талаблар ила таклиф этилганлар. Машариф сурнайчи ва унинг кўплаб авлодлари Амин Чорсу воҳасидаги Кичик Ёб шаҳрида яъни Дишан қалъада истиқомат қилганлар.

Кекса устозлар сўзларига қараганда Машариф сурнайчи ўз касбининг моҳир устаси, мураккаб Хоразмча ижро услубларини ўзлаштирган маҳоратли созандалардан бўлган.

Отажон созчи (1896 – 1982) М.Отажоновнинг буваси гармон чолғусида турли қадимги Хоразм мақомларини қойилмақом этиб ижро этган созандалардан бўлган. Отажон созчи турли мақом йўлларини ёддан билган ва ижрочилик маҳоратини келгуси авлодга муносиб етказиб беришга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган.

Авлоддан авлодга ўтиб келган мусиқачи созандалар сулоласи Абдушариф Отажонов даврига (1924-1987) келиб, бу-

---

<sup>1</sup> Асли исми Муҳаммад Шариф бўлиб, унинг исми энг қобилиятли эвараларидан бўлган Муҳаммад Отажоновга ворис исм сифатида қўйилган.

тунлай янги шарт-шароитлар, даврнинг мураккаб синовлари муҳотида шаклланди. ҳаёти давомида дуч келган оғир қийинчиликларга қарамай Абдушариф Отажонов ўзининг метин иродаси, ноёб қобилияти ва ўта меҳнатсеварлиги билан ижодда юксак натижаларга эришди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли мусиқачи, дирижёр ва композитор Абдушариф Отажонов Хоразмда илк профессионал мусиқий таълим тизимининг шаклланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган жамоат арбоби сифатида кўплаб мусиқачиларнинг ардоқли устози ҳам ҳисобланади.

У ўзининг машҳур «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам» деб номланган мусиқали драмаси орқали халқ ардоғига тушди. Ҳатто Тўхтасин Жалиловдек буюк бастакор ҳам ўзидан кейин ижодини давом эттирувчи муносиб издош пайдо бўлганлиги ҳақида спектакльга келган оммага хабар бериб, тан берганлигини очиқ намоиш қилади.

Ҳассос бастакорнинг санъат даргоҳига кириб келиши ҳам ўта машаққат билан кечди. Зеро, унинг таълим олиш даври айни уруш йилларига тўғри келганди. Аммо шунга қарамай Улуғ Ватан урушида қатнашиб, оғир жароҳат туфайли бир оёғидан айрилган ҳолда Абдушариф Отажонов чамаси 30 ёшлардан ошган бўлсада, профессионал мусиқий таълим олишга ҳам улгурди.

Улкан мақсад ва орзулар билан бўлажак бастакор Тошкентга келиб, Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга киради. Мазкур билим юртини имтиёзли якунлагач, Хива шаҳрига қайтиб, ушбу музей шаҳарда биринчи мусиқа мактабини очишга ҳам мушарраф бўлди. Бу орқали Хоразм вилоятида биринчи бўлиб профессионал мусиқий таълим пойдеворига асос солган.

У ушбу мактабга директор бўлиш билан бирга Хива театрининг мусиқа бўлимида раҳбар бўлиб ҳам ишлайди. 1959-1964 йилларда эса мазкур театрда ҳам дирижёр, ҳам директор лавозимида фаолият юргизади.

А.Отажоновнинг ўзига нисбатан талабчанлиги уни янада кўпроқ билим олишига ундайди. Шу йилларда у Тошкент консерваториясининг композиция факультетига Б.И.Зейдман синфининг сиртқи бўлимига ўқишга киради. 1964 йилда консерваторияни якунлаш арафасида диплом иши сифатида республикада биринчи бўлиб чанг ва симфоник оркестри учун 3 қисмли концерт ёзади. Концерт чангчилар репертуаридан мустақкам ўрин олиб, бугунги кунда ҳам севиб ижро этиб келинмоқда.

Олий мусиқий маълумотли мутахассис А.Отажонов Хоразмнинг нуфузли М.Харратов номли мусиқа билим юртига директор лавозимига ишга таклиф этилади. 1967 йилда яна театрга директор ва бош дирижер сифатида ўз ишига қайтади ва нафақага чиқишига қадар театрнинг ривожланишига, ижодий гуллашига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келган.

Шунингдек, қатор композитор ва мусиқашуносларни, ўз касбининг моҳир намоёндаларини Улуғбек Мусаев, Отаназар Матёқубов, Рустам Абдуллаев (композитор), Қадам Палванов, Қадам Раҳимов, София Ибрагимова, Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Қурбонов, Султонпошша Ўдаева каби шогирдларнинг ижод тақдирига, муваффақиятига катта ёрдам берган фидоий инсон бўлганлиги алоҳида таҳсинга сазовордир.

Айтиш жоизки, театр ижодкор учун ўзига хос ижодий лаборатория вазифасини ўтади. У Хоразмдаги Огаҳий номли мусиқали театрда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, эл-юрт ардоғига сазовор бўлди. Яратилган мусиқали драма ва комедия асарлари авваламбор ушбу театрда қўйилиб, театр жамоасининг имтиҳонидан ўтди. А.Отажоновнинг илк мусиқий сахна асарларида мақом йўллари ва халқ куйлари ўзгартирилмай ёки қисқартирилиб олиб фойдаланилган бўлса, кейинчалик ўзи яратган беқиёс куйлари асосий ўрин ола бошлади.

Меҳнат фаолияти жараёнида қатор етук драматурглар Юнус Юсупов Эгам Раҳим, Раҳим Бекниёз, Қурбонбой Матризаев, Омон Матчон, Эркин Самандаровлар билан ижодий мулоқотда бўлди. Бу жанрда 40 дан ортиқ сахна асарлари яратилиб, улар ичида айниқса «Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам», «Маърифат қурбонлари», «Икки ўт орасида», «Маҳтумқули» асарлар нафақат Хоразмда, балки Республиканинг бошқа театрларида ҳам сахна юзини кўрди.

Унинг мусиқасида самимийлик, халққа яқин мавзулар, миллий гармоник бўёқларнинг уфуриб туриши, ўзбек томошабинларининг қалб қўридан мустаҳкам ўрин олгани алоҳида эътиборга лойиқ.

А.Отажонов театр учун кенг кўламдаги меҳнати ила Хоразм театрининг ўзига хос ижодий қиёфаси шаклланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Унинг бу масканда яратган сахна асарлари халқимизнинг маданий ва маънавий бойлигига айланиб, у театр тарихида ва бугунги кунда ҳам мумтоз меросимиз сифатида ардоқланиб келинмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларини ёритишда, халқимизни янги зафарларга чорлашда миллий руҳдаги ёрқин сахна асарларини юзага келишида мусиқали театр жамоа-



си устоз А.Отажоновга кўмак бериб, унинг муваффақиятига улкан ҳисса қўшишга муяссар бўлди.

Композиторнинг ижодий меросида турли мавзуларда ёзилган кўшиқлар, хор ва оркестр учун кўп қисмли мусиқий асарлар, мусиқали драма ва комедиялар муҳим ўрин эгаллайди. У ижодининг дастлабки даврларини кўпроқ овоз учун асарлар ёзишга бағишлади. Замондош шоирларнинг шеърларига юзга яқин меҳнатни, меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи ҳамда ҳазилнамо ва танқидий кўшиқлар, лирик ашулалар, ҳажвий лапарлар яратди.

Абдушариф Отажоновнинг композиторлик фаолиятидаги яна бир таҳсинга сазовор ижод маҳсули сифатида Хоразм нотаси асосида мақом куйларини тиклаш ишларини келтириш мумкин.

«Абдушариф Отажонов тиклаган мақом ижроларининг асосий муваффақиятини тоза ва зилол миллий оҳанглар таровати ва ижро услубига хос салобат ташкил қилган эди. Шу давргача ҳали кўпчиликнинг қулоғига етмаган улғувор Хоразм мақомлари алоҳида бир мусиқий олам эканлиги эътироф этила бошланди»<sup>2</sup> – дея О.Матёкубов алоҳида ҳурмат билан устознинг ижоди ҳақида ёзадилар.

Ўзбек мусиқаси тарихида шундай инсонлар борки, уларнинг бетакрор ҳаётини ва ижодий йўли авлодлар учун битмас-туганмас хазинадир. Бундай истеъдод фақат Аллоҳ назарига тушган инсонлар учун хосдир. Ана шундай истеъдод соҳибаларидан бири Муҳаммад Отажоновнинг волидаи муҳтарамаси Бикажон Раҳимова (1923-1997) эди. У ўзининг бутун умрини театр санъатини ривожлантиришга бахшида этди. 60 йилга яқин давр ичида Хива ва Урганч театрларида 200 дан ортиқ ролларда ўйнади ва ўзбек халқининг эъзозли онахонларидан бирига айланди.

Энг муваффақиятли спектаклларида «Майсаранинг иши»-да Майсара, «Паранжи сирлари»да Дуржон кампир, «Фарҳод ва Ширин»да Ёсуман, «Уйланиш»да Феокла Ивановна, «Бой ила хизматчи»да Ҳожи она, «Аршин мол олон»да Зебо, «Қайнона»да Жаннат ҳола, «Кўнгли ёш қариялар»да Марго, «Олма пишганда галинг»да Ходима ва қатор бошқа спектакллардаги бош ролларни маромига етқазиб, завқ билан ижро этган.

Унинг ижросидаги образлар шунчалик ҳаққоний ва самимий талқин этилганки, томошабинларни актриса тезда ўзига жалб қила олган. Табиатан ҳазилкаш, шуфёъл, ҳаётга оптимистик назар билан боқадиган Бикажон Раҳимова яратган об-

<sup>2</sup> О.Матёкубов, Р.Болтаев, Ҳ.Аминов. Хоразм танбур чизиги. Т., 2010. 85 бет.

разларда ҳам ушбу кайфият ўзининг ёрқин ифодасини топган. Унинг машҳур «Сенсиз яшолмайман» мусиқали комедиясидан «Чол ва кампир» дуэтидаги каби ҳазил-мутойиба кўшиқлар, халқ лапарлари актрисанинг ҳаётий қиёфасини акс эттиради.

Театр саҳнаси орқали Бикажон ая жуда кўп мухлислар орттирди. У саҳнага чиққанининг ўзидаёқ, ҳали бир сўз айтмасидан томошабинлар юзида табассум югурарди. Чунки у саҳнанинг ҳақиқий эгаси, эрка маликаси эди. Бикажон Раҳимованинг бу соҳада ва умуман бошқа соҳаларда ҳам ҳеч бир ҳужжат, дипломи бўлмаган бўлсада, у туғма профессионал актриса ва жозибали хонанда эди. Бикажон ая ижросининг жонли гувоҳлари, ашаддий мухлислари унинг моҳир комик актриса бўлганлиги ва айнан комик образлар унга хос бўлганини таъкидлайдилар.

Беназир актриса фақат биргина «Хива вақти билан соат 7.00 да»ги фильмда кампир ролини ўйнаган. Дарҳақиқат, телевидение қамрови кенг, мавқеи баланд мусиқий тарғибот маркази сифатида катта салоҳиятга эга бўлиб, фильм унга катта муваффақият ва шуҳрат келтирди.

Бикажон Раҳимова нафақат юксак маҳоратли актриса, хонанда ва эпчил раққоса, балки у барча уруш йилларидаги қаҳрамон аёллар сингари оиланинг асосий устуниси, меҳрибон аёл ва она вазифаларини ҳам алоҳида меҳр билан бажарар эди. Умр йўлдоши Абдушариф Отажонов билан турмушнинг қувончларини ташвишларини бирга баҳам кўриб, олти фарзанднинг меҳрибон ота-оналарига айландилар.

Шафқатсиз уруш йилларида оғир жароҳат билан қайтган А.Отажоновга турмуш ўртоғи Бикажон ая ўша йилларда ўта матонат билан тиргак бўлганлигини эътироф этиш лозим. Айнан унинг ташаббуси ва мадади ила Абдушариф Отажонов театрга ишга кирди, сўнг ўқишга кириб, профессионал композитор даражасига етди. Унинг куч-қувватга кириб, янада гайратлироқ бўлишига бевосита Бикажон Раҳимованинг кўмаги беқиёсдир.

Театр санъатида ҳам Бикажон Раҳимова ўз ишига ситқидилдан ёндошган. У атрофидаги сафдошлари ва ёшларга чинакам актёрлик мактабини яратган эди. Ҳеч вақт устозлик фаолияти билан шуғулланмаган бўлсада, барча учун у маънавий устоз, бетакор ибрат бўлиб келган.

1991 йилда Давлат мустақиллигига эришгач, халқ орасида эъзозига сазовор бўлган Бикажон Раҳимова буюк хизматлари учун Ўзбекистон Халқ артисти деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

---

## **МУҲАММАД ОТАЖОНОВНИНГ ҲАЁТИЙ ВА ИЖОДИЙ САҲИФАЛАРИ**

«Мусиқанинг соф дурдоналари ўчмас ва абадий бўлгани каби, унинг келажакда қодир бўлган имкониятлари ҳам чексиздир».

*Д.Шостакович*

Отажонов Муҳаммад Абдушарипович 1959 йил Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида таниқли санъаткорлар оиласида дунёга келди. Меҳрибон ота-онаси 4 та ўғил ва 2 та қизга яхши тарбия бериб, билимли, ҳунарли ҳамда самимий инсоний фазилатларга эга бўлиб етишишлари учун жамиятдаги ибратомуз фаолиятлари билан бир қаторда оилада ҳам интилдилар. Бутун Хоразм аҳли орасида муносиб обрў қозонган устоз Абдушариф ва Бикажон ая номлари билан таниқли бўлган инсонлар ўз фарзандларининг тарбияси билан жиддий шуғулланиб келганлар.

Фарзандлар ичида бешинчиси бўлган Муҳаммаджоннинг мусиқага иштиёқи бошқаларга нисбатан анча эрта сезила бошлаган. Мутлоқ эшитиш қобилиятига эга бўлган Муҳаммаджон жуда ёшлигидан мусиқага интилган, баъзида акаларининг нотўғри чалган пайтларида уларга танбеҳ бериб, тўғрилашга уринган. Ота бу ўғлининг алоҳида қобилиятга эгалигини сезиб, унга кўпроқ эътибор қарата бошлади. Унинг биринчи устози ҳам ўз оталари бўлиб, унга ўзгача меҳр билан қараб, «Макула» дея эркалаб чақирар эканлар.

Ҳали мактаб ёшига етмаган Муҳаммаджонга отаси ноталар ёзишни, уларнинг саналиши, чўзимлари ва умуман айтганда мусиқа назариясидан илк сабоқларни бера бошлаганлар.

Болалар боғчасига борган пайтидаёқ у бошқа гўдакларга нисбатан яхшироқ эшитиши, соф куйлаши билан мусиқа раҳ-

бари ва тарбиячиларнинг алоҳида меҳрини қозонган. Қолаверса, у болалигида ёқимтойлиги, қўнғироқ сочлари, қувноқ табиати ва ёниб турган кўзлари билан атрофдагиларни ўзига жалб этган.

Табиийки, бу хонадонда тез-тез мусиқий кечалар, машҳур хонанда ва созандалар жумладан Комилжон Отаниёзов, Қурбонбой Бобожонов, Ҳожиҳон Болтаев, Ҳайитбой Бобожонов, Матёқуб Раҳимов ва бошқа дўстлар билан йиғинлар кўп бўлган. Бу меҳмонларнинг ижодий мулоқотлари ёш фарзандларнинг таълим-тарбисиди муҳим роль ўйнаган.

Оиланинг ўзидаги катта санъат мактаб тарбиясини олган Муҳаммад Отажонов мусиқа мактабиди учраган жиддий қийинчиликларни ҳам ўта қизиқувчанлиги ва қобилияти билан осон ҳал этишга одатланди. Муҳаммад 7 ёшидан Урганчдаги 1- мусиқа мактаби (ҳозирда К.Отаниёзов номидаги)да фортепиано синфига ўқишга кирди. Мутахассисликдан талабчан муаллим Мостовой Анатолий Ивановичдан сабоқ ола бошлади.

Анатолий Иванович ўз касбининг чуқур билимдони, болаларни жони дилидан севиши, жонкуяр ва саранжом саришталиги билан композитор хотирасиди чуқур из қолдирганди. Ёш Муҳаммадjonнинг зукко мусиқий зеҳнини пайқаган илк ўқитувчиси унинг ҳар томонлама билимли бўлиши учун вақтини ҳам, меҳнатини ҳам аямасдан унга алоҳиди диққат-эътибор бера бошлайди. Фортепианодан дарс беришдан ташқари унга турли ҳил пластинкалар қўйиб моҳир ижрочилар санъати билан таништириб, нафақат амалий ижрочилик, балки мусиқа назарияси ва адабиётидан ҳам дарс берган.

Йил сайин М.Отажонов тенгдошлари орасиди анча ўзиб кетди. Бир йилда икки синфни тугатиб 14 ёшидаёқ Хоразмнинг М.Харратов номидаги билим юртига ўқишга кирди. Ўсиб келаётган ёш мусиқачи бахтига ўша йили Тошкентдан бир нечта ўқитувчи-санъаткорлар ана шу билим юртига маълум битим асосиди бир неча йилга ишга таклиф этиладилар. Улар орасиди Флейман Владимир Давыдович ва унинг турмуш ўртоғи Лычагина Лариса Николаевналар ҳам бор эди.

Флейман В.Д. синфиди ўқиш жараёнида М.Отажонов фортепиано чолғусиди ўзининг санъатини шакллантиришни бошлади. Мустаҳкам хотираси, мутлоқ эшитиш қобилияти ҳамда ўткир зеҳни талабчан устознинг сабоқларини

бир зумда ўзлаштириб, янги-янги асарларни тезда ёд олишга ёрдам берди.

Ёш созанда билим юртда энг илғор етакчи ўқувчилардан бўлиб, тез-тез концертларда иштирок этиб турарди. Таълимнинг янги босқичларида у ижро этаётган дастурлар доираси тобора кенгайиб, Европа классик муסיқаси, замонавий ва миллий ўзбекона муסיқалар ундан мустаҳкам ўрин олган эди.

Миллий дастурда эса Б.Гиенконинг «Рубоий» асари бўлиб, уни Муҳаммаджон алоҳида севиб ижро этар ва композиторнинг чиройли оҳанглирию, бой фантазиясига мафтун бўларди. Ўша пайтлар ёш созанданинг кўнглида илк бор мана шундай жозибали оҳанглари ёзиш орзуси пайдо бўлганди. Композиция деб аталмиш мураккаб аммо завқли ижоднинг сирлари билан танишиш йўлида келажакда айнан Б.Гиенконинг роли улкан бўлиши ҳақида у ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Икки йил мобайнида эгаллаган билимларини Бухорода ўтказиладиган ёш пианиночилар, скипкачилар, дамли чолғулар ҳамда вокал ижрочилари иштирокидаги билимюртлараро танловида синаб кўришга аҳд қилган Муҳаммаджон жиддий тайёргарлик кўра бошлади ва ғайрат билан киришди.

Албатта ёш Муҳаммаджон таълимида Флейман В.Д. ва унинг рафиқаси унинг ижро техникаси ва бадиий савиясининг ўсишига жиддий таъсир кўрсатганлар. Муҳаммаджон Отажоновда табиатан берилган истеъдод, саҳнада эркин ўз имкониятларини кўрсатиб бера олиш қобилияти унинг энг асосий ютуқларидан бири эди.

– «Муҳаммаджон қайси асарни чалмасин, у муסיқани чуқур англаб, унинг ич-ичига кириб, бутун қалбини бериб ижро этади. Бу унинг энг муҳим хусусиятларидан бири» – дея таъкидлайди Рустам Абдулаев суҳбатларимизнинг бирида.

Дарҳақиқат, дастлабки интилишлар ёш созандага илк муваффақиятни тақдим этди. Унинг ижроси жюри аъзолари томонидан жуда юқори баҳоланиб, билим юрти бўйлаб фақат икки ўқувчи қолиб деб топилади. Улардан бири М.Отажонов эди. Уни II-ўринга лойиқ деб топишади. Билим юрти учун бу юксак натижа эди.

Ўз юртига қайтган лауреат ижрочи Муҳаммаджонни катта олқиш ва тантана билан кутиб оладилар. Телевидение, радио ва газета журналистлари ёш пианиночини қуршаб олиб, тур-

ли саволларга кўмиб ташлаган эдилар. Содда ва самимий Муҳаммаджон бошидан кечирган барча воқеаларни рўй-рост ҳикоя қилиб берган.

Йил якунида одатдагидай синов имтиҳонлари бўлиши керак эди. Бу сафар имтиҳон раиси сифатида Улуғбек Мусаев таклиф қилиниб, имтиҳонда ижро этган пианиночилар орасида Муҳаммаджон ижросини алоҳида мақтов сўзлари билан гапириб ўтди ва уни аъло баҳо билан тақдирлашди.

1976-йил М.Отажонов акаси Олимбой Отажоновни ёнига Тошкентга боради ва акаси уни ўз ўқитувчиси Н.Б.Гиенкога кўрсатади. Меҳрибон устоз Муҳаммаджоннинг ижросини тинглаб кўради. Унинг ижроси шунчалик ёқиб қолгандики, Наталия Борисовна Муҳаммаджонга консерваториянинг тайёрлов курсига киришни маслаҳат беради.

Бу таклифдан «ёниб» кетган Муҳаммаджон тезда Хоразмга келиб отасининг ижозатини сўрайди. Бу йилларда Абдушариф Отажонов билим юртининг директори эди.

Ота-ўғил узоқ суҳбат қилиб, ўғлининг Тошкентга бормаслигига, ўзининг устозларига содиқ қолиб билим юртини тугатишга кўндиради.

Аммо кўп ўтмай битим асосида ишга келган муаллимларнинг иш муддати тугаб, улар орасидаги Владимир Давыдович ва унинг рафиқаси август ойида ишдан бўшаш ҳақидаги аризани ёзиб топширадилар.

Бу вазиятда Абдушариф Отажонов Муҳаммаджоннинг Тошкентга кетишдан бошқа чораси йўқлигини англаб, ўз қарорини ўғлига айтади. Муҳаммаджон кўлида ҳеч қандай диплом ҳужжатсиз Тошкентга келади. Ёш созанданинг орзулари катта эди. Аммо ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган муаммолар унинг кўнглини ғаш қилар эди.

Ортга қайтиш йўлларини қатъиян чеклаган Муҳаммаджон олий ўқув юртга кириш учун мавжуд бўлган барча йўлларга хаёлан кириб чиққанди. Ўша кезлар консерваториянинг ректори Мамажон Раҳмонов дипломсиз бўлсада, истеъдодли бўлганлиги учун Унга дарсларга қатнаш учун рухсат берганди.

Бу ерда ўта шижоатли ва мақсадига эришмагунча тинчимайди Муҳаммаджоннинг қадрдон суянчиғи ва заминдоши Отаназар Рахимович унга ёрдам беришга астойдил ҳаракат қилганди.

Ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар ҳам етиб келди. Ноябрь ойида Муҳаммаджоннинг ўқишга кирганлиги ҳақида қарор чиқди. Энди у тайёрлов курсининг талабаси эди. Қалби қувончга тўлган талаба янги юқори марраларни забт этиш орзусида яшай бошлади. Ижрочиликдаги дастлабки мустақил қадамларни қўйишга ўргатган Наталия Борисовна нафақат ижрочилик борасида, балки шу билан бирга умумий тафаккури ва дунёқарашининг кенгайишида ҳам муҳим роль ўйнади.

Шу йилнинг ўзида И.С.Бахнинг *h-moll* прелюдия ва фугаси, Скрябин этюди ва Л.Бетховеннинг иккинчи сонатаси билан Республика пианиночилар конкурсида қатнашади. Танловда иштирок этган кўплаб талаба ва аспирантлар қаторида баробар беллашган Муҳаммаджон консерватория тайёрлов курсида эндигина 2 ой ўқишга улгурган эди. Шунга қарамай ёш ижрочи асарларга бўлган мустақил ёндошуви, ҳар бир асар мазмунини тушуниб, шаклан мукамал талқин этиши билан барчанинг эътиборни тортди. Айниқса, Бетховен сонатасидаги ўрта қисм Муҳаммаджон ижросида шунчалик секин темп танлаган эдики, бу темпда ижро этиш ўта мураккаб ҳисобланар ва кўп ҳолларда уни тезроқ ижро этиш одат тусига кирганди. Яна қатор ижронинг афзал тарафлари ҳақида ҳайъат раиси Офелия Юсуповна алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

«Курсдош пианиночилардан фарқли ўлароқ, ижрочиликда дастлабки мустақил қадамларини қўйган палладаноқ Отажоновда асарларга нисбатан ноанъанавийроқ ижодий ёндашув яққол сезила бошлади» дейди суҳбатларимизнинг бирида Наталия Борисовна. У асарларни ички мусиқий тилини таҳлил этар, ўрганар ва ўзининг фантазиясидан келиб чиқиб янгича Моцарт сонатаси ёки янгича Чайковский пьесаси каби шахсий вариантларини устозига ижро этиб берар эди. Аммо бунинг учун Наталия Борисовнанинг танбехларини ҳам эшитиб олган эди. Бу албатта Муҳаммаджон Отажоновнинг композиторлик қобилиятини юзага қалқиб чиқаётганидан далолат берарди. Бироқ кўп ҳолларда ишлаб чиқилган ижро талқини қонун-қоидаларини ўзгача янгилаб турли экспериментлар қилиш салбий тарафларга ҳам олиб бора бошлади.

Бу хусусиятларни сезган Наталия Борисовна Муҳаммад Отажоновни конкурсларга эмас, кўпроқ концертларга жалб

қила бошлади. Н.Гиенко фикрича конкурс – бу спортга ўхшаш беллашув. Унда ҳеч қандай ижодий оғишмаларга ўрин йўқ. Аксинча унда анъанага кўра қонун-қоида ва қатъиятлилиқ ҳукм суриши керак. Қолаверса, Отажонов табиати, характерида кимдандир ўзиб кетиш эмас, балки ўзининг бошқаларга ўхшамаган оригинал ижросини намойиш қилиш муҳимроқ эди.

Саҳнада ўзининг барча имкониятларини эркин намойиш қила олувчи қобилият кўпгина концертларда ёш ижрочига муваффақиятлар келтирган эди. Унинг ижросида айниқса Дж.Гершвиннинг «Блюз тонларидаги Рапсодия»си, П.Чайковскийнинг фортепиано ва оркестр учун биринчи концерти, Р.Абдуллаевнинг фортепиано ва оркестр учун биринчи концерти, Шопеннинг миниатюра асарлари катта маҳорат ва муҳаббат билан ижро этилган.

Муҳаммаджоннинг ўз акаси Олимбой билан бир устозда таълим олишлари, уларда бир хил кўникмаларнинг шаклланишига, устознинг талабларига бир хил риоя қилишларига сабаб бўлди. Шу боис ҳам ака-укаларнинг ижросида баъзи ўхшашликлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Шу аснода уларда янги ғоя, яъни дуэт ансамбли ташкил этиш истаги уйғонди. Бу эса муваффақиятли уйғунликни ташкил этиб, қатор ютуқларни забт этишда жуда қўл келди. 1979 йилдан созанда ака-ука Отажоновлар ўзларининг дид ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда концерт дастурларини тузиб, кўплаб концертларда иштирок эта бошладилар.

Дастлабки концертларни консерваторияда, «Баҳор» концерт залида ҳамда композиторлар уйида намойиш этиб, саҳна маданияти, ижро кўникма малакаларини ўстириб, ўз ижро услубларини шакллантиришга муваффақ бўлдилар.

Бу ўзига хослик авваламбор репертуар танлашда яққол намоён бўлди, яъни бунда дуэт иштирокчилари ўзларининг жўшқин темпераментларидан келиб чиқиб, асосан шўх, тез темпдаги, оптимистик кайфият уйғотувчи асарларга кўпроқ мурожаат қилдилар.

Машҳур поляк композитори Лютославскийнинг «Н.Паганини мавзуларига вариациялар» асари ака-ука Отажоновларнинг ижродаги афзал тарафларини, техник имкониятларини очиб бериб, уларга илк ютуқларни олиб келди. Ушбу асар Паганинининг 24 та каприси асосида ёзилган бўлиб,



Лютославский талқинида дадил фантазияси, фактураларининг сержило ва тиниқлиги билан кўплаб тингловчи ва ижрочиларни жалб этган.

Шунингдек, ёш ижрочилар ўзбек миллатига мансуб бўлган лиқлари боис кўпроқ ўзбек композиторларининг асарларини маромига етказиб ижро этишни ўзларига мақсад қилиб олдилар. Отажоновларнинг юқори савияли, эпчил техник имкониятларини кўзда тутиб, қатор ўзбек композиторлари улар учун махсус асарлар ёзиб репертуарни янада бойитдилар.

Композитор Нурилло Зокиров 3 қисмдан иборат бўлган «Токката» асарини айнан ака-укалар учун махсус ёзган. Шунингдек оталари Абдушариф Отажонов «Импровизация» деб номланган дуэт асарини «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» мусиқали драмаси мавзуларига импровизацион ривожловлар асосида оригинал дуэт яратиб, уни ўғилларига бағишлайди. Булардан ташқари, Сулаймон Юдаковнинг махсус улар учун ёзиб берган «Фарғонача рақслар» деб номланувчи дуэт асари, ва айниқса уни ижро этишда муаллифнинг ўзи ижрочиларга турли фойдали кўрсатмалар бериши ака-ука ижрочиларнинг келажакдаги фаолиятлари учун асқотди.

Бу асарлар ёш пианиночиларига ижодий парвоз бағишлаб, кўплаб тингловчилар эътиборини қозонди ва ниҳоят янада завқ билан ижод этишга ундади.

Ҳозирда забардаст композитор даражасига етган М.Отажоновнинг ижод услубларининг бир йирик тармоғи сифатида мусиқада таассуротга берилувчанлик, ҳамда маълум манзара ёки ҳолатни ёрқин мусиқий бўёқларда тасвирлашга хос бўлган импрессионистик қизиқишлар унинг қатор асарларида яққол ўз ифодасини топган. Аслида бу қизиқиш унинг ёшлик даврларида уйғонгани унинг ижро этган асарларидан ҳам маълумдир. Шуларга мисол сифатида дуэт бўлиб ижро этилган К.Дебюссининг «Линдараха» асарини келтириш мумкин. Унда импрессионистик оқимга хос бўлган ранг-баранг гармоник-динамик оҳангларнинг фавқулотда ўзгариб туриши ижрочиларни ўзига мафтун этади.

Дебюссининг «Линдараха» асари жаҳон мусиқа маданиятида ёрқин ва нафис концерт асари сифатида машҳур бўлгани каби Отажоновлар ижросида у ўзгача бетакрор талқинда намоён бўлди.

Йиллар мобайнида ака-ука Отажоновларнинг фортепиано дуэти ўзига хос шахсий талқинини сақлаган ҳолда жанр ривожига алоҳида ижодий таъсир қилиб, нафақат Ўзбекистон бўйлаб, балки кейинчалик Москва, Киев, Абхазия каби ўлкаларда жаҳон классик асарлари билан бир қаторда миллий руҳдаги асарларни муносиб тақдим этиб келдилар.

Фортепиано синфида таҳсил олиш жараёнида Муҳаммад Отажонов кўплаб концертларда иштирок этди ва созанда сифатида профессионал таълимни пухта эгаллашга муяссар бўлди. Якуний имтиҳонда Ф.Листнинг 1-концерти, И.С.Бахнинг соль диез минор Прелюдия ва Фугаси, Л.Бетховеннинг 23-сонатаси ва Ф.Шопеннинг 24-Этюдларини ижро этиб, консерваторияни имтиёзли якунлади.

«Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз» деган нақлга амал қилиб, Отажонов моҳир созандалик касбини пухта эгаллагач, иккинчи мутахассислик сифатида композиция факультетига киришга қарор қилганди. Ўз отаси изидан бориб, ёш Муҳаммаджон ижодкорлик соҳасида ҳам кўп ютуқларга эришиши мумкинлигига қаттиқ ишониб 1982 йил ўзининг илк яратган асарларини профессионал композиторлар кўригига тақдим этди.

Дастлабки ижодий ишлари унинг сеvimли чолғуси фортепиано учун «Ҳожикент тоғлари», «Прелюдия», «Юмореска» деб номланган пьесалари бўлди. Мазкур ва бошқа фортепиано учун миниатюра шаклидаги асарлари Отажоновнинг талабалик давридаги илк композиторлик қадамлари эди.

Композиция бўлимига кириш учун тақдим этилган асарлар хусусида имтиҳон раислари Г.Мушель, Б.Гиенко, Т.Қурбонов ҳамда кафедра мудири Ф.М.Янов-Яновскийлар ўзларининг ижобий фикрларини билдирдилар. Усталик билан миллийлик бўёқларини асарга табиий сингдирилганлиги, турфа хиллардаги мавзулар материалларининг бойлиги, импровизацион фикр юрита олиши ва ниҳоят муаллифнинг ўз асарларини профессионал даражада ижро этиши каби қатор ноёб фазилатларни ҳисобга олиб, бўлажак композиторни мамнуният билан консерваторияга, энди композитор сифатида қабул қилдилар. М.Отажонов учун яна олтин талабалик даврининг янги масъулиятли ва қизиқарли зарварақлари очила бошлади.

Айни шу йили барча тенгқурлари қатори М.Отажоновнинг ҳам армияда хизмат қилиш мажбурияти етиб келган эди. Шу боис у вақтинча ўқишни тўхтатиб, 2 йилдан сўнг, таълимни яна давом эттирди.

Ёши каттароқ ва тенгдош композиторлар яратаётган янги-янги асарларини ўрганиб, синчковлик билан кузатиб борар экан, М.Отажонов ҳам бу борадаги қобилиятини, бор салоҳиятини амалда синаб кўрмоқчи бўлади.

Консерваторияда таълим бераётган устозларнинг сабоқлари билан чегараланиб қолмасдан, замондош композиторлар М.Бурхонов, И.Акбаров, М.Тожиев, М.Махмудов ва айниқса У.Мусаевларнинг фойдали ва қимматли маслаҳатларини олишга, улар билан мулоқотда бўлишга улгурди. Айни шу йилларда Улуғбек Мусаев «Тўмарис» балети устида қизгин иш олиб борганлиги ва унинг қўйилиши жараёнларининг жонли гувоҳи бўлган Муҳаммад Отажонов ўзи учун катта тажриба орттирди. У.Мусаевга нисбатан ҳавас ва чуқур ҳурмат ила қарар экан Отажонов уни маънавий устози деб билади. Ҳатто унинг ижодидан илҳомланиб ёзган фортепиано учун иккинчи концертининг 2-қисмидаги кўп гармониялар «Тўмарис»даги лавҳаларга ўхшаб кетади. Ижобий маънодаги бу тақлид композиторнинг кейинги ижоди учун катта мактаб вазифасини бажарди.

«Улуғбек Мусаев мусиқасидаги кучли энергия майдони ҳозиргача юракларни ларзага солади, руҳиятимизни тозалайди»<sup>3</sup> деб жўшиб ёзган Отажоновнинг фикрларидан ҳам буюк санъаткор ижодига бўлган чексиз меҳрни сезиш мумкин.

Фортепиано чолғуси, чолғу ансамбли ва овоз учун янги мусиқий асарларни яратишга қаратилган ижодий меҳнат тез орада тотли ҳосилини бера бошлайди. Мазкур асарлари орасида энг муваффақиятлиси ҳисобланган скрипка ва фортепиано учун «Токката»си 1985 йил Москвада ўтказилган талаба ва аспирант композиторларнинг (Бутуниттифоқ) Халқаро ёпиқ турдаги кўрик танловида ижро этилади. Кўплаб тақдим этилган асарлар ичида ушбу «Токката» учун муаллифга 2-ўрин берилиб, уни голиб деб топадилар.

---

<sup>3</sup> Муҳаммад Отажонов. «Негасимый свет» Хорезмская правда 2003 й. 27-декабрь.

Талаба ижодкор кейинги йилларда меросдаги муваффақиятли чиққан хор асарларини қунт билан ўргана бошлайди. Ўзлаштирилган тажриба ва малакаларини қадимги фольклор мусиқа ижодиёти билан самарали уйғунлаштиришга интилади. Ёшлиқдан тинглаган кўплаб Хоразм ҳалфачилик санъатини аёллар хорига мослаштириб, қатор шу йўсиндаги акапелла асарларини яратади.

Аёллар хори учун яратилган «Муборак тўй», «Сиз шу гулни қайси боғдан олдингиз» асарларини муаллиф 1987 йилда Москвада бўлиб ўтган кейинги ёпиқ кўрик танловига юборди. Ҳам миллий, ҳам умуминсоний ҳислатларга бой бўлган ушбу асарларнинг ютуқли тарафлари юқори баҳоланиб, М.Отажонов ушбу танловда махсус соврин билан тақдирланади.

80-йилларнинг иккинчи ярмида композитор Отажонов қатор жаҳон мусиқаси ва ўзбек композиторлари дурдона асарлари билан бирга ўз қаламига мансуб бўлган асарлари билан Москва, Киев, Львов, Санк-Петербург ва Россиянинг турли шаҳарларида фестивалъ ва концертларда созанда сифатида иштирок этди. Навқирон ёшдаги созанда-композитор ўзбек элидаги мавжуд бўлган замонасининг баркамол асарлари ҳамда ўзининг фортепиано учун яратган миниатюра асарларининг жаҳон саҳналардаги тарғиботига муносиб ҳиссасини кўшишга муяссар бўлди.

Бу саёҳатлар композиторнинг ижодий тафаккури ва умуман санъатга бўлган муносабати, дунёқарашини кенгайтиши учун катта омил бўлди. Турли давлатларнинг маданияти, ҳаёт тарзи, композиторлари ижодини диққат билан ўрганиб, ўз ижоди учун кўплаб фойдали жиҳатларни белгилаб олди. Айниқса, унинг Сухуми композиторлар уйига ташрифи жараёнида машҳур композиторлар Радион Щедрин, Микаэл Таривердиевлар билан ижодий учрашуви композитор хотирасида узоқ сақланиб қолди.

Ижодий сафардан қайтгач, орттирган тажрибалари ҳосили сифатида композитор ўзининг сеvimли чолғуси учун 2 та йирик асарини яратади. Фортепиано ва симфоник оркестри учун биринчи (1987 йил) ва иккинчи (1989 йил) концертларини ёзади.

Иккинчи концерт отаси Абдушариф Отажонов вафоти муносабати билан ёзилган бўлиб, унга бағишланади. Ушбу кон-

церт композиторнинг битирув давлат имтиҳонида муаллиф ижросида тақдим этилади.

Фортепиано ижрочилиги соҳасидаги кўплаб изланишлар натижаси сифатида, етуклик даражасига даъвогарлик қилувчи ушбу фортепиано концерти 80-йилларда яратилган энг ютуқли асарлари сирасига киради деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, композиторнинг асосий муваффақиятларидан бири сифатида умумжаҳон муסיқий ютуқлари билан баробар ўзбек муסיқасининг жону-танидаги таркибий унсурларига бирдек ёндошуви натижаси ўлароқ, бетакрор ижод меваларининг бунёдга келишидир.

Ҳассос композитор қаламига мансуб чанг ва халқ чолғулари оркестри учун концерт-симфония ҳам ана шу даврда, яъни 1988 йил ёзилди. Чин маънода чанг учун яратилган асарларни бир ерга жамланса, улар ичида бенуқсон, ижровий қулай бўлган сара асарлар кам топилади. Асосан мукаммал ижро малакаларига эга бўлган ижрочи-ижодкорлар ушбу чолғуга концерт асарларини яратишган. Иқтидорли композитор Муҳаммад Отажонов чангда ижро малакаларига эга бўлмасида, чангчилар учун ижровий техник имкониятларни, мураккаб, бироқ чиройли пассажларни кўрсатиб берувчи, халқчил оҳанглар негизидан узоқлашмаган ва энг асосийси моҳир чангчилар томонидан тан олинган концерт-симфония асарини яратди.

Чангчи Тоҳир Собиров ва Форуқ Содиқов оркестри ижросида 1991 йил «Баҳор» концерт залида ушбу асарнинг премьераси тақдим этилди. Асарнинг муваффақиятли тақдиротида асосан М.Отажонов шу йили композиторлар уюшмасига ишга таклиф этилади.

Композитор яратган ушбу асарларининг муваффақиятида унинг устози Б.Ф.Гиенконинг йўл-йўриқлари, сабоқлари айниқса алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, бошқа муסיқий илмлар ичида ижодга, яратувчанликка, яъни композициядан сабоқ бериш педагогиканинг энг мураккаб шаклларида ҳисобланади. Ушбу кесимда улкан композитор, забардаст устоз Борис Федорович Гиенконинг ҳаёти, ижодий мероси ва муаллимлик фаолияти катта илмий, маънавий қизиқиш уйғотади. Беназир устоз етиштирган шогирдларининг ҳар

бирлари мурғак ниҳоллардан забардаст композиторлар даражасига етдилар.

Тан олиш керакки, ўз замонида ҳеч бир композитор Б.Гиенко сингари сермахсул шогирдларга эга бўлмаган. Улар ҳозирги кунда ўзларининг мустақил ижодий йўлларини топиб, Ўзбекистон композиторлари деган шарафли номга эришиб, миллий мусиқанинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. У. Мусаев, М.Бафоев, Р.Абдуллаев, Ҳ.Рахимов, Ф.Алимов, А.Журбин, Қ.Ҳикматов каби композиторлар ана шу устознинг шогирдларидир.

М.Отажонов ҳам Б.Гиенко синфидаги ёрқин юлдузлардан бири ҳисобланар эди. Устоз шогирднинг баъзи гоъвий унсурларнинг айниқса, фортепиано дуэтлари жанридаги ўхшаш тарафларини учратишимиз мумкин.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Отажонов ижодкор ва созанда сифатида сезиларли ютуқларга эришган бўлсада, у устозлик фаолиятини ҳам четлаб ўтмади. Гарчанд бу даврда мутахассислик фанларидан сабоқ бермасада, асосий хизмати – созандалик ва изланувчан композиторлик билан узвий боғлиқликда 1985 йилдан эътиборан устозлик фаолиятини ҳам олиб борди. Муҳаммад Отажоновнинг орзу ва мақсадларига эришувида унинг заҳматкаш устозларининг меҳнати беқиёс бўлгани сабабли унинг ўзи ҳам муаллимлик билан шуғулланишни ўз бурчи деб билди ва бунга алоҳида масъулият билан ёндошди.

90-йиллардан бошлаб М.Отажонов мусиқаси, яъни эстрада йўналишидаги илк қўшиқлари радио орқали кенг оммага танила бошлади. Шу аснода, Ўзбекистон радиосининг эстрада-симфоник оркестри ва унинг дирижёрлари Анор Назаров, Евгений Живаевлар билан бўлган мулоқотлар ижодкорнинг эстрадага нисбатан меҳрини уйғотди. Композитор бошқа ижодкорлар қаламига мансуб турфа хил ижро этилган қўшиқларни тинглаб, ўз ижоди учун андозалар тўплади. Яратилган тайёр қўшиқларни эса аранжировка қилиш, оркестрлаштириш масаласи бироз мураккаб кечган бўлсада, истеъдодли композитор буни ҳам уддалашга уринди. Кетма-кет бир-бирдан жозибали қўшиқларнинг илхом билан яратилиши жараёнида эса ҳар қандай мураккабликлар Отажоновнинг иродаси ва чидамлиги ила ўз ечимини топа бошлади. Шу тариқа

бу йўналишда ҳам у кўплаб муваффақиятларга эришиб, унинг кўшиқлари радионинг «Олтин фонди»дан жой олди.

Даврнинг кўзга кўринган машҳур хонанадлари Илёс Маллаев, Муҳаббат Шамаева, Козим Қажумов, Раъно Шарипова, Муҳаббат Ғофурова, Майсара Имомова, Гулбахор Эрқулова, Анвар Санаевларнинг ижро услублари, овоз имкониятларидан келиб чиқиб, навобахш илҳомлантирувчи, бетакрор кўшиқлари билан эстрада кўшиқчилик санъатига ҳам сезиларли улуш қўшишга муяссар бўлди.

Радиода ёзиб олинган «Олтин фонди»да мунтазам қўйилувчи кўшиқлари «Яшнаган ўлкамга боқ», «Қалам қош», «Қарашларинг», «Қизгина», «Шундай кўшиқ куйласам», «Мени тушун», «Ўзинг ягона онажон Ўзбекистон», «Тутармидинг қўлинг ёр», «Тошкентим» каби эстрада йўналишидаги кўшиқлари шулар жумласидандир.

1996-2000 йилларга қадар Муҳаммад Отажонов Ўзбекистон радиосига мусиқа муҳаррири лавозимига таклиф этилиб, унинг ташаббуси ва чуқур масъулияти ила эшиттиришларнинг савияси сезиларли даражада орта бошлади.

Жонли эфирда дастурнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мусиқа муҳаррирининг топқирлиги, билими, ўқуви ва тезкорлигига боғлиқ. Мусиқа муҳаррири сифатида Муҳаммаджон Отажоновдан ўрганадиган жиҳатлар анчагина. У энг аввало эшиттиришнинг руҳияти билан ҳисоблашар эдилар. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавзулардаги эшиттиришларга мавзусидан келиб чиқиб, жуда мос кўшиқларни топиб, эфирга берар ва бу билан эшиттиришнинг бадиий қиймати ортар эди» – дейди Ўзбекистон радиоси «Яхши кайфият» радиоэшиттиришининг бош муҳаррири Раъно Алиева.

2000 йилда Муҳаммад Отажонов консерваторияга ишга таклиф этилиб, радиодаги фаолиятини тўхтатди. Шу пайтдан у ўқитувчилик хизмати ва асосий фаолияти изланувчан композитор сифатида ижод этди. Шу тариқа М.Отажонов консерваторияда ёш композитор талабаларга композиция, партитура ўқиш, ноталаштириш ва бошқа назарий фанлардан сабоқ бера бошлади.

Устоз Муҳаммаджон ака ўн йил давомида ёшларни бадиий диди ва салоҳиятини ўстиришга, самимий ва навобахш оҳангларни яратишга, шунингдек, ўзида бўлган ноёб мусиқий

хислатларни талабаларга юқтиришга ва энг асосийси яхши инсоний фазилатларга эга бўлишга чорлади.

Сўнги ўнйилликда композитор Отажонов турли жанрларда сермахсул ижод қилди. Ўзининг сеvimли чолғуси фортепианога атаб дуэт ансамблларида таркиб топган тўпламини нашр эттирди, фортепиано учун этюдлар, сонаталар, прелюдиялар тўплами, «Туташиш» деб номланган 12 та мустақил пьесалардан иборат дастурли туркум асарларини нашрга тайёрлади. «Туташиш» туркум асари узоқ йиллик ижод маҳсули бўлиб, ўзига хос қизиқарли баён этилган. Ўзбекистоннинг 12 та вилояти ва 12 та бурж юлдузларини бир-бирига боғловчи элементларни топиб, ҳар бири учун шеърий таърифлар бериб турли воҳа характерини, ҳар хил бурж остида туғилган инсонларнинг турфа характерларига қиёслаб мазмунли асарлар тўпламини яратди. Отажоновнинг кўп йиллардан бери Мусоргскийнинг «Кўргазмадаги суратлар» дастурий туркум асарига ўхшаш туркум шаклдаги асар яратиш орзуси амалга ошди.

Шунингдек фортепиано учун болажонлар ижросига мўлжалланган мазмунли, концертбоб пьесалар ҳам яратди. Улардан бир нечасини ўз ичига олган тўплам «Гулдаста» номи билан нашрдан чиқди.

Устозлик фаолияти билан боғлиқ ижодий йўналишни олиб борганлиги композиторнинг шогирдлари учун ҳам жонли амалиёт вазифасини ўтади. Отажонов 2000 йилларда камер вокал жанрида ҳам самарали ижод этди. Катталар учун ёзган қўшиқлари қатори болалар репертуарини бойитувчи қўшиқлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовор бўлди. Уларнинг кўплари ҳар йили ўтказилувчи «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқ фестивалида кўпинча «Булбулча» болалар хори ижросида тақдим этилади. Мазкур тадбирнинг ҳар йили турли вилоятларда ўтказилиши муносабати билан ҳар бир воҳага бағишлаб болажонларга манзур бўладиган, уларнинг ижро имкониятларидан келиб чиқувчи ранг-баранг шўх қўшиқлар яратилди.

Катталар учун эса миллий йўналишдаги Машраб ғазалига «Айлаганинг хўб», Навоий ғазалига «Келдим», Муқимий ғазалига «Улфатлашайлик», Камрон шеърига «Ишқ аро» деб номланувчи мазмундор романслари, шунингдек қатор эстрада йўналишидаги қўшиқларни ёзишда давом этди. Эндилик-



да унинг эстрада мусиқасига бўлган муносабати 90-йиллар эстрада қўшиқларидан фарқ қилиб туради.

«Баҳор», «Гўзал диёр», «Жаннатим ўзинг», «Бир кун келиб мени эслайсиз», «Йиглолмадим», «Севмасам керак», «Менинг айбимми» каби эстрада қўшиқлари бугунги кунда долзарб бўлган ижрочи-қўшиқчиларни савияли қўшиқлар билан таъминлаш масаласининг ечимида маълум даражада ўз улушини қўшган дейиш мумкин.

Шу хусусда йирик мусиқашунос олим Равшан Юнусовнинг фикр-мулоҳазалари ўринлидир: «Ўзбекистон эстрада мусиқаси хориждан келтирилган намуналар куршовида қолиб, ниҳоятда кучли таъсир остида бўлди. Аста-секин ўз қиёфасига эга бўлиш каби тақдирнамо муаммонинг ечимини топиш ҳаракатига тушди. Бундай мураккаб вазиятда, назаримизда мувоzanатни сақлай олиш, ҳар бир жанр ва йўналишда миллийликни сақлаш, «ўзлик»ни йўқотишга йўл қўймаслик – кун тартибининг энг долзарб масалаларидан бирига айланди».<sup>4</sup>

Устознинг ҳақ сўзларига кўра, бугунги кунда яратилаётган мазмунан саёз, енгил-елпи, бир йиллик мавсумга ҳам бардош бера олмайдиган қўшиқларнинг жуда кўпайиб кетгани, баъзида бу жанрга нисбатан паст назар билан қаралишларга олиб келди. Ваҳоланки, эстрада қўшиқчилигида ҳам маъно-мазмунга эга бўлган, чинакам дидли, савияли мусиқий маҳсулотлар яратилган ва улар қаторини яна давом эттириш мумкин.

Қувонарли томони шундаки, бу соҳада баракали ижод қилиб келаётган, профессионал мактабга эга бўлган ардоқли композиторларимиз ҳам кам эмас. Мазкур йўналиш мавқеъини кўтариб турган истеъдодли ижодкор шахслар сафига мамнуният билан Муҳаммад Отажонов номини ҳам қўшиш мумкин.

М.Отажоновнинг ўн йил давомида муқим бир жойда фаолият юритиши унинг ижодига ҳам ижобий таъсир кўрсатди, консерватория жамоаси ижрочиларининг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи асарлар яратди.

Хусусан, камер-чолғу ижрочилари учун ҳам яратилган турфа баркамол мусиқий асарлар шулар жумласидандир. Бунда айниқса торли чолғулар гуруҳига мўлжалланган асарларни кўпроқ учратишимиз мумкин.

---

<sup>4</sup> Равшан Юнусов «Фахриддин Содиқов» Т – 2005.203 – б.

Доимий ижодкор сифатида изчил фаолият юритгани каби, концерт-ижрочилик фаолияти ҳам М.Отажоновга кўпдан-кўп руҳий озуқа бериб турди. Унинг тинмай ўз устида ишлаши, ижро сайқалини сақлаб туришини таъминлади. Радио эшиттиришлари ёки телекўрсатувларда оммавий сахна чиқишларидан ташқари, жойлардаги турли-туман ижодий учрашувлар, ҳар хил мавзуларда ташкил этилган концерт дастурларида Муҳаммад Отажонов номини кўплаб учратиш мумкин бўлди.

2008 йилда у бастакорлик, муסיқашунослик, фортепиано, факултетининг декани лавозимига тайинланди. 2010 йилда эса композиторнинг шу даврга қадар яратган асарлари сарҳисоб этилиб унга Ўзбекистон давлат консерваториясининг доцент унвони берилди. Бу эса унинг келгуси фаолияти учун улкан масъулият бағишлади.

## **ФОРТЕПИАНО ИЖОДИ**

Фортепиано муסיқаси Муҳаммад Отажоновнинг энг муҳим, ёрқин ва кенг кўламли ижод йўналиши ҳисобланади. Айнан шу соҳада пианизм ва композиторликнинг бадиийлиги, ўзига хослиги бир-бири билан мутаносиб уйғунлашади.

Бу икки сифатлар доим бир-бирига ёрдам бериб, композиторга муסיқа санъатининг янги йўлларини очишга туртки бўлган. Ижро сирлари, маданияти ва чолғуни техник тарафлама ўзлаштириш каби муаммолар композиторликда жуда муҳим аҳамият касб этади. Сир эмаски, бирдек ижрочи композиторлар жуда озчиликни ташкил қилади.

Отажонов севимли чолғусига турли шаклдаги асарлар яратиш фаолиятини чолғу ижрочилиги, концертлар бериш билан узвий боғлиқликда олиб бормоқда.

«Чолғуларнинг шоҳи» сифатида тан олинган фортепиано учун меросдаги кўплаб Европа ва рус композиторларининг дурдона асарларини мукамал ўзлаштириш ва ижро этиш М.Отажоновнинг фортепиано асарларини яратишдаги энг дастлабки қадам ҳисобланарди. Асар яратиш каби ўта масъулиятли жараёнга жиддий ёндошган М.Отажонов ижод қилишга унчалик шошилмади. Унга ўзини тайёр деб билган пайдидан бу улғу санъатга қадам қўйишни бошлади.

Жуда ёш пайтидан оиласи муҳотида мурғак қалблари миллий мусиқа оҳанглари билан тўлган ноёб қобилият эгаси, бошланғич таълимда ўз замонасига монанд Европа классик мусиқаси асосида шаклланди. Бу эса ўз навбатида бугунги кунгача яратилган ва яратилаётган каттаю-кичик миллий руҳдаги асарларнинг фортепиано «тилида» изҳор этишда жуда қўл келмоқда.

Муҳаммад Отажоновнинг бугунгача фортепиано ва симфоник оркестр учун 2 та концерт, 4 та этюд, «Туташиш» дастурли туркум асари, болалар учун «Прелюдиялар» тўплами «Гулдаста» деб номланган дастурли туркум пьесалари ва кўплаб дуэт ва миниатюра шаклидаги қатор асарлари мавжуддир.

### **Фортепиано ва симфоник оркестри учун иккинчи концерт**

Эътироф этиш мумкинки, Муҳаммад Отажонов рамзий маънода машҳур рус композитори Римский-Корсаков сингари ҳамиша қуёш нурлари каби ёрқин, беғубор, оптимистик кечинмаларни моҳирона ифодалаб бериши билан ажралиб туради. Шу билан бирга лирик кайфият ва нафис романтик ҳаёлпарастлик ҳам унинг мусиқасига хосдир. Композиторнинг ягона драматик мавзудаги маъюс оҳангларга тўла бўлган асари – бу фортепиано ва оркестр учун иккинчи концерти ҳисобланади.

1987 йил композиторнинг отаси Абдушариф Отажонов вафот этади. Чуқур қайғуга ботган, М.Отажоновни ўзининг энг яқин кишисидан айрилгани чуқур изтиробга солади ва мазкур концертни отаси хотирасига бағишлаб ёзади.

М.Отажоновнинг ҳеч бир асари бу концерт сингари қайғули, фожеавий оҳангларда ёзилмаган. Шунчаки тасаввурида эмас, ҳақиқий кўз олдида рўй берган мотам манзараси композиторнинг юрак тубигача ларзага солган ва бу концерт мусиқасида яққол жаранглайди.

Композиторнинг барча асарлари сингари ушбу концертда ҳам тасвирий тарафлама аниқ қиёфани, мазмунни очиб берувчи воситалардан кенг фойдаланилган. Барча яқинларнинг дод-фарёди, марҳум учун ўқиладиган Қуръон тиловати, аёллар йиғиси, қайғудан чарчаган ҳолатдаги чиройли туш обра-

зи ва яна уйғонганда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати каби ҳолатлар ўткир драматик мусиқий образлар орқали очиб берилади.

Концерт дастурига асосан ундаги асосий қаҳрамон композиторнинг ўзи бўлиб, унинг отаси билан кечган дамлари, вафоти билан боғлиқ фожеавий ҳолатлар мусиқага кескин контрастликни олиб киради.

Муҳаммад Отажонов концерти ўзининг яхлитлиги, ривожлов тарафлама мантиқан пухта ўйланганлиги билан ажралиб туради. Унинг асосида бирлик, мақсад сари интилувчанлик вазифалари бўлиб, асар икки қисмга бўлинади.

Анъанавий концерт шакли бу ерда намоён бўлмасада, асосий мазмунни очиб беришда композитор икки қисмли шаклнинг ўзи билан кифояланган. 1-қисм вариация, 2-қисм соната шаклида ёзилган. Унда кириш қисмида камонли чолғулар бошланиб, сўнг мисли, дамли ва барча оркестр чолғулари қўшилиб, ҳар бир партия кўп овозли диссонанс аккордни ҳосил қилади. Нота матнида композитор пуантилизм техникасидан фойдаланиб, ушбу аккорд орқали ҳайқириқ, фарёд каби эмоционал ҳолатни ифодалайди. Бу узун чўзимдаги аккорд форте динамикасида жаранглаб тингач, ферматада узоқ пауза солист партиясига киришни тайёрлайди. Бу жимлик инсонда ҳаётдан кўз юмиб, абадиятга юз тутганидек таассурот қолдиради.



Piccolo

Flute I

Flute II

Oboe I

Oboe II

Clarinet in Bb I

Clarinet in Bb II

Bass Clarinet in Bb

Fg I-II

Fg III-IV

Horn I-II

Horn III-IV

Tr-be I-II

Tr-be III

Trombone I-II

III

Tubu

Timpani

T-no  
T-ro

Platt  
Cassa

Piano

Violin I

Violin II

Viola

Violoncello

Contrabass

Вариациянинг илк мавзуси якканавоз фортепианода ижро этилади. Икки бўғинли «да-да»ёки «о-та»сўзи билан изоҳланувчи кичкина субмотивларнинг бир нечтаси қўшилиши натижасида асосий мавзу ҳосил бўлади.

Poco con moto

Piano Solo

Бу мавзу концертнинг деярли барча қисмларида турли тоналликларда, фактурада, вариациялар қилинган ҳолда ижро этилади.

Кириш қисми қайғули ҳайқириқ сифатида бошланиб, сўнг ёғоч дамиларнинг маъносиз лирик куйи билан давом эттирилади. Шу мавзу фортепиано партиясида бойитилиб такрорланади. Мавзудаги мотив ажратиб олиниб ривожлантирилади. Ушбу мавзунини яратишда композитор Қуръон сурасининг қироатига ўхшаш оҳангни тасвирлашга уринган. Шу мавзу мулланинг лейтмотиви сифатида намоён бўлади.

Fagotte I

3 9

Воқеанинг давоми сифатида марҳум хотирасига ўқилган тиловот яъни яна бир мавзу сифатида «Ихлос сураси»нинг мусиқада жаранглаши ҳам турли хил вариациялар билан кўрсатилади.

Музыкальный фрагмент с нотами и текстом на узбекском языке. Текст: Кул-ху Ал-ло - ху 3 А - хад Ал-ло - ху 3 Са - мад лам я-лид ва-лам ю - лад ва лам я - кул - ла - ху ку - фу - ван А - хад. Музыкальная запись включает фортепиано (mf) и трио (3).

Мулла мавзуси виолончель ва волторналарда фактура тарафлама бойитилиб, бошқача вариацияда ижро этилади. Унинг фонида эса фортепиано арпеджиоли пассажлари орқали аёллар йигисини тасвирлаб берилади.

Музыкальный фрагмент, иллюстрирующий арпеджиоли пассажи фортепиано. Музыкальная запись включает трио (3).

Ҳаёт ташвишларидан чарчаган асосий қаҳрамон келажак ҳаётини ўйлаб чуқур ўйга толади. Унинг фалсафий фикрлари мусиқада мулла лейтмотивини турли мотив ривожланиши билан кўрсатилади.

Музыкальный фрагмент, отмеченный «Poco improvisato». Музыкальная запись включает фортепиано (mf) и трио (3).



Кейинги вариацияда илк бор мажор тоналлиги яъни Н-dur да бутунлай бошқа, кўтаринки кайфиятда тантанавор марш торликамонлилар ижросида янграйди. Бу марш орқали асосий қаҳрамон бироз тарихга, отасининг ҳаёт даврига қайтади, яъни орзу қила бошлайди. Мусиқа 20-йиллар революция давридаги маршларни ёдга солади. Композитор яна ўзининг миллий оҳангларига, машҳур Хоразм халқ куйига мурожаат қилади.

**Tempo do marcia**

The image shows a musical score for a march. It is titled "Tempo do marcia". The score is written for four instruments: Violin I, Violin II, Viola, and Violoncello. The key signature is D major (two sharps) and the time signature is 2/4. The score is divided into two systems, each containing four staves. The first system shows the beginning of the piece with a steady march rhythm. The second system continues the piece with some rests in the strings.

Марш ижроси давомида «да-да» мавзуси октавали жуфтланиш билан ижро этилади. Аста-секин тантанавор, мажор тоналлигидаги марш вариациялашиб бошқа кайфиятга кўча бошлайди. Бу марш кейинчалик 2-жаҳон урушидаги фашистлар образи билан боғланиб кетади. Фашистлар образи композитор томонидан бежизга эслатилмайди. Аслида бу уруш бошқа қатнашчилар сингари Абдушариф Отажонов ҳаётида ҳам чуқур из қолдирган.

Биринчи қисм сўнгида «да-да» мавзуси ўзининг кульминацион нуқтасига етади. Тўлиқ оркестр таркиби ушбу мавзунини *ff* динамикасида ижро этади. Улардан фарқли равишда якканавоз фортепиано партияси оркестр билан тенг тарзда ўзининг ижро томонлама мураккаб пассажлари орқали куч-

ли драматик кайфиятни олиб киради. Бу вариацияда фортепианонинг кенг имкониятлари композитор тарафидан моҳирона очиб берилади. Ундаги кенг фактура, октавали тез темпдаги пассажлар ижрочидан алоҳида техник тайёргарликни талаб қилади.

Мазкур вариация фақат якканавоз фортепиано ижросида лирик оҳангларда ижро этилади. Фортепианодаги куйчан оҳанглар композитор тасавуридаги орзуларини ифода этади. Вариацияда ғамгин оҳанг ҳукм сурсада, у жуда гўзал, лирик, романтик кайфиятни, яъни ёрқин бир маъюсликни ифодалайди.

Сўнги там-там чолғусининг зарби яна абадият билан боғлиқ бўлган мазмунда яқунланади.

II-қисмнинг кириш қисми шарқона оҳангда дадил синкопалашган усул билан бошланади. Экспозиция қисми худди шу шахдам аккордлар билан оркестр ва фортепиано ижросида бошланади.

Мусиқада олдинга интилувчи кайфият орқали композитор, қандай бўлмасин ҳаёт давом этаётганини, яшаш учун курашиш керак деган маъноларда ифодалайди. Жўшқин давом этаётган ҳаёт образи мусиқада мажор тонлигида ижро этилади.

Бу оҳангларга бутунлай контраст сифатида Des-dur тоналлигида нафис лирик куй, яккахон фортепиано ижросида оркестрнинг сийрак фонида жаранглайди. Композиторнинг бой фантазияси, кучли мелодист эканлиги яна бир бор намоён бўлади. Бу куй оғушида тингловчи беихтиёр орзулар оламига кириб кетади.

Кичик боғловчи қисм ривожловга олиб келади. Абдушариф Отажоновнинг ёзган асарларидан бири, яъни яккахон, хор ва оркестр учун ёзган «Хоразм поэмаси»дан парча қайта ишлаш қисмининг асоси сифатида хизмат қилади.

Концерт мусиқасида Абдушариф Отажонов басталаган мусиқасининг киритилиши авваламбор, у ҳаётдан кўз юмган бўлсада, мусиқаси абадий хотирада сақланиб қолади деган маъно билан изоҳланади.





Оркестр кодада бирин-кетин турли чолгуларнинг савол-жавобига ўхшаш куйларни ижро этади. Оркестрдаги сўнги аккорд кириш қисмидаги пуантилизм услубида олинган аккорд билан якунланади. Бошдаги ҳайқириқ, фарёд тингловчининг хотирасидан яна бир бор ўтади ва қисқагина фортепианонинг соло партияси ижросида сўнги бор «да-да» мавзуси ижро этилади.

Ушбу концерт композитор ижодидаги энг ёрқин асарлардан бири бўлиб, унинг ёзилиши жараёни бошқа фортепиано учун ва турли жанрдаги асарларнинг яратилишида алоҳида мактаб вазифасини бажарди.

Ўзбек фортепиано ижоди тарихида М.Отажонов мусиқаси ҳам алоҳида ўз ўрнига эгадир. Кўплаб миниатюра шаклида ёзилган асарлари қаторида йирик шаклдаги концерт асарлари намойиши ҳам катта олқишларга сазовор бўлган.

Тинмай ўз устида изланиши ва кўплаб европа, рус композиторларининг хусусан Ф.Шопен, Ф.Лист, П.И.Чайковский, С.Рахманинов ва бошқа композиторларнинг асарларини ўзлаштириш натижасида Отажонов ўзининг индивидуал ижодий услубини шакллантириб, миллий оҳангларни йирик шаклларда ҳам моҳирона акс эттирди. Ўзининг мустақил композиторлик техникаси ва шахсий мусиқий тилини намойиш қилишида концерт жанри ҳам алоҳида роль ўйнади.

Концертда турли хилдаги мураккаб пассаж техникаларининг мавжудлиги ижрочи учун катта қийинчиликлар туғдиради. Рояльнинг мунтазам равишдаги, деярли тинимсиз жаранги яккаҳондан катта жисмоний куч, сабр-матонат ва чархланган, маромига етказилган ижро усулларини билиш-ни талаб этади.

Яккаҳон бу асарда фортепиано тилида баён этилган ранг-баранг гармония, ёрқин пассажлар, турли-туман сакрашлар, қўш нотали ва кўп қатламли аккордлар, остинатоли фигура-

циялар, йирик аккордли ва майда пассажли техник воситаларга дуч келади.

Концертда оркестрнинг роли ҳам ниҳоятда муҳим вазифани бажариб, яккахон ижросига жўр бўлиш билан бирга деярли доимий равишда у билан мусобақада беллашади. Моҳир пианиночи ва композитор М.Отажонов бу соҳада ўзининг ёрқин истеъдодини намоёниш қилиш билан бирга, концерт жанри меросига ўзининг сезиларли улушини қўшди.

М.Отажонов ўзининг табиати, характериға монанд асарларидаги ёрқин оптимизм, мусиқада нурли, шонли ва бахтли онларни ифодалаши билан тингловчилар тасавурида намоён бўлади. Аммо 2-фортепиано ва оркестр учун концерти мусиқасида илк бор драматизмға бой бўлган кластерли диссонанс гармониялар, изтиробға тўла маънос оҳанглари учратамиз. Айнан ушбу асар орқали М.Отажоновни янгидан кашф этишимиз мумкин.

Концертнинг илк намоёниши муаллиф ижросида Олма-отада дирижёр Тўлебберген Абдрашев раҳбарлигида Қозоғистон давлат филармонияси симфоник оркестри ижросида катта муваффақият билан ижро этилди.

### **Муҳаммад Отажоновнинг фортепиано учун миниатюра асарлари**

Муҳаммад Отажонов исмини эшитганда кўпчилик ҳаёлиға «**Изҳор**» деб номланган шаклан ихчам, аммо мазмунан тўлиқ, майин лирик оҳангларға бой бўлган куй ёдға тушади. Романтизм даври композиторларига хос бўлган ички ҳиссиётларни мусиқа орқали жуда нозик ва теран намоёниш этиш хусусиятлари М.Отажоновнинг «Изҳор»и учун ҳам хосдир. Композиторнинг кўплаб қўшиқ ва романслари учун шеър ёзган истеъдодли шоира рафиқасига мазкур асари орқали ўзининг самимий туйғуларини жонли тасвирловчи мусиқа билан изҳор этган.

Асосий куй тузилмаси оддий бўлиши билан бирга гамфон-гармоник матнидаги куйда барча жозибали оҳанглар мужассамланган. Куй худди нутқий оҳангдан келиб чиққани каби гўё бир муҳаббат мавзусидаги воқеани ҳикоя қилаётгандек таассурот уйғотади. Жўрнавоз партиясида эса юқори


куй гармониясидан келиб чиққан ҳолда аккордлар арпеджиато услубида ижро этилади.

**Moderato con anima**

«Изҳор» учун композитор ижровий қулай бўлган до диез-минор тоналлигини танлайди. Асарда бошқа тоналликларга модуляциялар учрамасада, унинг асосий ривожлов тамойили фактура тарафлама бойитилиб, матн кульминацияга томон зичлашиб боради.

Даставвал асосий куй октава билан дублировка қилиниб, сўнгра иккинчи қисмда, ўнг қўлда кенг ҳажмдаги аккордлар билан зичлашув кузатилади.

Учинчи қисм биринчи қисм мавзусидан келиб чиқиб, нота матнида унинг айнан тескарисини ижро этилади. Мусиқий матн биринчи қисмдаги сақланиб қолади.



Кўринишдан оддий, содда бўлган нота матнида, аслида мантикий шакл, табиатан миллий оҳанг матоси сингдирилганлиги ва бир қатор бадий баркамолликка даъвогар бўлган унсурлар муаллифнинг композиторликка хос бўлган «дастхати»ни ёрқин намоён этади. Пьеса куйчанлиги жиҳатдан ўта нафислиги билан кенг оммалашган асарлари сирасига киради.

«Изҳор» дастлаб фортепиано чолғуси учун яратилган бўлсада, кейинчалик у камер оркестри ижросида ҳам кўплаб концертлар, композитор билан учрашув кечаларида, радио ва телевидение орқали ижро этилган.

Замондош пианиночи, ноёб истеъдод соҳибаси Адиба Шарипова композиторнинг миниатюра шаклидаги асарларининг муваффақиятли ижрочиларидан ҳисобланади. – Миниатюра шаклидаги асарни ижро этиш йирик асар ижросидан анча мураккаб, аслида, – дейди у суҳбатларимизнинг бирида, – чунки ижрочи шу қисқа вақт ичида керакли тусга кириб, асосий характери, мазмунни кўрсатиб беришга улгуриши керак – дейди ўз фикрини давом эттириб.

Фортепиано ва камер оркестри учун «Изҳор» А.Шарипова ижросида «Давр садолари» фестивалининг энг ёрқин асари сифатида эътироф этилиб, эстрада кўрик танловларида 3-турнинг мажбурий асари этиб қабул қилинди.

Муҳаммад Отажоновнинг фортепиано учун дил оҳангларидан яна бири **«Қалб»** дея мусиқага монанд номланган. Бу асарни сўзсиз кўшиқ, қалб кўшиғи дейиш мумкин. Чунки бармоқлар ҳаракати ила куйланувчи оҳанглар жуда нафис, лирик кўшиқсифат ифодаланган.

Миниатюра шаклининг моҳир устаси Отажонов кичик ҳажмдаги 3 қисмли шаклга бутун қалб тугёнини тўкиб солди. Унинг ўзига хос бўлган нолалари-ю, глиссандо ҳаракатлари, кульминациядаги зич аккорд тузилмалари ва қатор ун-

сурлари билан асар муаллифнинг қаламини аниқ кўрса-тиб туради.

Асар паст динамикада қуйи регистрдан хотиржам кайфи-ятда бошланиб аста ривожланади. Бошланғич мусиқий ма-териалда бир неча бор янги-янги бўёқлар билан такрорла-ниб, форшлаг ва мордентлар билан безатилиб, миллий куй-оҳанглари яққол тасвирлайди.

Andante con anima

Асосий ривожлов тамойили бу секвенциялар орқали амалга оширилади. Мусиқий материал кульминацияга томон 3,4та звенолардан ташкил топган секвенциялар орқали, ҳамда юқо-ри регистр томон сакрама ҳаракатлар ва ниҳоят компози-торнинг сеvimли ифода воситаларидан бўлган куйни аккор-длашган ҳолда бўрттириб ривожлантирилади.





Мазкур асарда товушларни жуда эҳтиёткорона, ифодали, куйчан, меҳр билан ижро этиш зарурдир. Асарнинг асл моҳияти ҳам унинг қалбдан ижро этилишидадир.

Кичик ҳажмдаги асарлар М.Отажонов ижодида муваффақият билан намоиш этилгани сабаб, кафедра ўқитувчиларидан тез-тез таклиф ва илтимосларга кўра бир қанча миллий руҳдаги репертуарга етишмайдиган асарлар яратиб келмоқда.

## Этюдлар

Юқорида таҳлил этилган М.Отажоновнинг миниатюра шаклидаги асарлари ичида этюд жанридаги пьесалари композитор ижодий услубининг асосий қирраларини очиб беради.

Маълумки этюд жанри авваллари фақат чолғу ижрочилигидаги техник имкониятларни кенгайтириш, бармоқлар ҳаракатини энгиллашувига эришишга қаратилган турли-туман машқлардан иборат бўлган. Унинг бадиий-муסיқий тарафлари эса бироз четда қолган.

Романтизм даврига келиб эса этюд жанрига нисбатан муносабат ўзгарди. Этюдни бадиий қийматга эга бўлган асар даражасига кўтариш, ижодкорнинг ғоявий эстетик қарашларини ифодалашга интилиш кучайди. Чолғу ижрочилигининг муайян техник усулини қўллашга, созанданинг малакасини оширишга мўлжалланган этюдлар XIX асрга келиб муסיқа чолғуларининг такомиллашуви ҳамда виртуоз ижрочилигининг юксалиши натижасида бадиий, муסיқий тарафлама ривож топди.

Ф.Лист, Ф.Шопен, С.Рахманиновлар ижодида этюд юксак бадиий концерт асари даражасига кўтарилди. Авваллари сахна ортида ижро этилган бу жанр 19-асрда сахнага олиб чиқилди.

Турли давр шароити таъсирида баъзи жанрларга эътибор кучайиб, баъзилари эътибордан четда қолади. Вақт келиб,

эътибордан четда қолган жанрлар яна қайтиб истеъмомлга киради. Созандачилик санъатида этюд жанрига доимо муурожаат қилинган ва ижро этиб келинади.

Ҳар бир миллат вакиллари композиторлари ўзларининг мутоз куйларига асосланган бирор техник машқлар ишлаб чиқилган этюд пьесаларини яратиб келганлар.

Нисбатан қисқа тарихий йўлни босиб ўтган ўзбек фортепиано мусиқасида эса этюд жанри XX асрнинг 2-ярмидан такомиллашиб келмоқда. Унинг илк намоёндалари Г.Мушель, Б.Гиенко, С.Жалил, Т.Қурбоновлар бу жанр тараққиётига ўз хиссаларини қўшдилар.

Замондош ўзбек композиторларидан М.Отажонов ўзбекиона этюдларнинг янги техник ифода воситаларини ривожлантириш устида иш олиб бормоқда.

Отажоновнинг ҳар бир этюди шахсий мусиқий тили ва услубини тўғри талқин этишга, қайсидир мураккаб техникни ўзлаштиришга қаратилган. Рахманиновга хос бўлган этюдларидаги ёрқин тасвирийлик, дастурлилик, Шопен этюдларидаги педаль фонидаги кантилена услубларини ишлаб чиқиш, мелодик орнамент, яъни безакларга катта эътибор бериш ҳамда тилга олинган буюк композиторларга хос бўлган узун арпеджиоли кенг регистрларни ўз ичига олган виртуоз пассажли техникалар яққол сезилади.

Будан ташқари, Отажоновнинг кенг куйчан оҳангларнинг ҳар бирида миллийлик нафаси уфуриб туради. Унда ҳеч бир халқ куйи ёки мақомлардан парчалар келтирилмайди. Композиторнинг шахсий куй оҳангларида халқ куйларидан фарқ қилмайдиган миллийлик яққол сезилади.

Масалан биринчи «**Вояж**» деб номланган этюди икки қўлда бир-бирига қарама-қарши ижро этилувчи қисқа арпеджио ҳаракатлар ва арпеджио фактураси фонида куйчан оҳанглар контрастини ижро этишдаги мураккабликлар устидаги машқларга асосланади. Ўнг қўлдаги бир овозли миллий бўёқлар билан безатилган куй ҳаракати асар ривожланиши жараёнида аввал октавали дублировка билан кейин эса тўрт овозли зич фактура билан мураккаблашади. Буларнинг барчаси тез «Vivo» темпида уддаланиши кўзда тутилган.

«Вояж» сўзи француз тилидан «саёҳат» имаъносини билдиради. Композитор бу этюдини 2005 йили Франция бўйлаб саё-

ҳати таассуротлари асосида яратган. Ҳозирда этюд кўп пианиночилар репертуаридан севимли асар сифатида жой олди.

Унинг моҳир ижрочиларидан бири Халқаро танловлар ғолиби Элеонора Котлыбулатова Францияда бўлиб ўтган «Ўзбекистон кунлари» тадбирида ижро этиб, француз тингловчиларининг эътиборини қозонди.

Этюднинг «Вояж» деб французча номланиши, мураккаб виртуоз техник пассажлари, қолаверса бу пассажлар миллий ўзбекона эканлиги французларни ҳайратга солди.

*Vivo*

«Иллюзия» деб номланган этюди майда техника, яъни секунда бўйлаб жойлашган ёрдамчи аккордсиз товушлар фигурациясининг тез темпда ижро этилишига қаратилган.

*Allegro*

Барча этюдлари учун хос бўлган арпеджиоли фактура фонидаги кенг куйчан аккордли куй «Иллюзия»да ҳам кузатилади. Тўртовозли аккорд тузилмаларининг узун легато штрихида ижро этиш каби мураккабликларга ижрочи алоҳида эътибор билан қараши кўзда тутилади. Товушларни тўлиқ ва сифатли ижроси эса куй чизиги ривожловини раво амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

The image shows a musical score for a piano study, consisting of two systems of music. Each system has a treble clef staff and a bass clef staff. The treble clef staff contains a series of chords, some of which are arpeggiated. The bass clef staff contains a series of arpeggiated patterns, with the number '6' written below the notes, indicating a sixteenth note. The music is written in a key with one sharp (F#) and a 2/4 time signature. The first system has a key signature change to one flat (Bb) in the second measure. The second system continues with the same key signature and time signature.

Умуман, Отажоновнинг нафақат этюдларида, балки фортепиано учун пьесаларида ҳам юқори регистр партиясида кўп овозли аккорд кетма-кетлигидан кенг фойдаланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Этюдлардаги бу кетма-кетлик асосан тез темпда ижро этилиши талаб қилинган.

Отажоновнинг этюдларида бир вақтда бир нечта товушларга тўғри туша олиш каби мураккабликлар бартараф этилиши кўзда тутилади.

Этюдлар оддий уч қисмли репризали шаклда ёзилган. Барча техник мураккабликларни ижрочи-пианистлар тўлиқ ҳис қилсаларда, кенг аудитория эса унинг бой бадиий аҳамиятига эътибор қаратишлари табиий.

«Наврўз» этюди миллий байрамимиз кайфиятини тараннум этади. Мазкур этюдда композитор асосий эътиборни биринчи ва иккинчи бармоқларнинг фаол ва эркин ҳаракатини таъминланишига қаратади. Этюд оддий 3 қисмли бўлиб, чекка қисмларда ўнг қўл учун мураккаб бўлган виртуоз пассажлар мавжуд. Ўрта қисмда эса чап қўлда узлуксиз давом

этувчи арпеджио ҳаракатини, ўнг қўл партияси турли ёрқин аккорд тузилмали бўёқларнинг кўповозли гармониясини намойиш этади. Шу аснода композитор тез суръатда ушбу мураккаб пассажларни уддалашни кўзда тутган.

Асар композиторнинг сеvimли 6/8 ўлчовида бўлиб, бу ўлчов ва куй ҳаракатидаги кварта-квинталарнинг кўп ишлатилиши, шўх ижро этилувчи мусиқа Хоразм миллий рақсларини ҳам ёдга солади. Миллий чолғуларимиздан дутор чертимларини тасвирловчи нота матни эса этюдга янада ёрқинроқ шарқона колоритни беради.

Allegro

Мазкур этюд қўл қисмларининг эгилувчанлиги, ижро аппаратининг эркинлиги ва пластик ҳаракатнинг ривожланиши учун хизмат қилади.

М.Отажоновнинг фортепиано учун асарларини, ва айниқса этюдларини ҳамкасб дўсти, профессор Марат Гумаров муносиб тарзда тарғиб этиб, шогирдлари ижросида чет эл саҳналарида янграшига сезиларли улушини қўшиб келмоқда. Комил ишонч билан таъкидлаш жоизки, ушбу асарларнинг тарбиявий аҳамияти салмоқлидир. Шу боисдан ҳам композитор М.Отажонов ўз мухлисларини маънавий соф озуқа билан баҳоли қудрат таъминлаб келмоқда. Бу бевосита унинг этюд жанридаги асарлари учун ҳам таалуқлидир.

## Дуэтлар

Ижрочиликдаги мураккаб ансамбль тури бўлган дуэт қизиқарли ва завқли ижод йўналишидир. Маромида яратилган ва моҳирона ижро этилган дуэтни дилкаш суҳбатга қиёслашимиз мумкин. Аммо бу суҳбат оҳанглар воситасидадир. Шундай бир пайтда сўзсиз ҳам оҳанглар садоси ила ҳиссиётларни билдириш мумкинлигига яна бир бор амин бўламиз.

«Муסיқанинг сеҳри шундаки, у сўз тугаган жойдан ўзининг изҳори учун макон топади» – дейди буюк лирик рус композитори П.И.Чайковский.

Ўзбекистонда фортепиано ижрочилиги шаклланиши жараёнида ансамбль шаклидаги камер ижро санъати ҳам ривожланиб келган. Бу давр ичида кўплаб композиторларнинг дуэт борасидаги изланишлари натижаси бугунда ўз мевасини бермоқда, яъни замондош композиторларимиз учун улар маълум пойдевор ясаб, унинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

С.Юдаков, Г.Мушель, Б.Зейдман, Б.Гиенко каби қатор композиторларнинг таҳсинга лойиқ дуэт асарлари ўзбекона репертуар учун камёб ҳисобланган жанр сифатида кўзга ташлана бошлади.

Фортепиано ижрочиличининг тобора ривожланиб бориши, мунтазам концерт ижрочилиги эса композиторлар ижодининг янада равнақ топиши учун туртки бўлган дейишимиз мумкин.

Бугунги кунда эса замон талаб ва эҳтиёжларига асосан замондош композиторларнинг бу жанрга нисбатан ўзгача муносабат билан ёндошуви асосидаги ижодлари қатор муваффақиятли натижаларни бермоқда.

Мустақилликка эришгач миллий репертуарга айниқса эҳтиёж тобора кучайди. Фортепиано дуэтлари жанридаги асарларни ҳозирда Р.Абдуллаев, Ф.Алимов, В.Сапаров, М.Отажонов, О.Абдуллаева, П.Медюляноваларнинг ижодларида учратишимиз мумкин.

М.Отажонов улардан фарқли ўлароқ, ижоди бевосита амалий яъни дуэт ижрочиличидан келиб чиққанлиги сабабли ҳам уни ичдан ҳис этиб, жанрдаги барча имкониятларни ҳисобга олиб ёзган десак муболаға бўлмайди.

М.Отажоновнинг ўз акаси профессионал фортепиано ижрочиси Олимбой Отажонов билан дуэтлари ажойиб мутаносибликдаги ансамбльни ташкил этиб, улар 1979-1982 йиллар давомида жуда фаол концерт ижрочилиги билан бошқа ижрочилардан фарқ қилганлар. Ўз характер хусусиятларидан келиб чиқиб, асосан жонли, тез темпдаги ўтли, шаддод асарларни маромига етказиб ижро этганлар. Уларнинг аксарият репертуарлари ҳам шундай русумдаги асарлардан ташкил топган.

Саҳнада ҳаяжонсиз, ўзини дадил ҳис эта олгани учун М.Отажонов барча асарларда асосий партияни ижро этиб, ансамблнинг етакчиси бўлганлиги унинг ўша пайтданок фаол жўшқинлигидан дарак берган. Отажоновлар Тошкентдаги Халқлар дўстлиги, Баҳор концерт заллари, консерватория ва бошқа кўплаб жойларда ижро дуэтлар этиш билан бирга қисқа давр ичида кўплаб концерт дастурлари билан Москва, Киев, Сухуми каби шаҳарларда ҳам муваффақият қозониб келганлар.

Ижодий баркамолликка эришиб келаётган бу дуэт ансамблининг муваффақиятлари хусусида матбуот, телевидение ва радио эшиттиришларида ҳам таништириб борилиши ака-укаларга янада илҳом бағишлаб, янги-янги режаларни амалга оширишга ундади. Аммо М.Отажоновнинг шу паллада армия сафига хизматга чақирув хабари бу режаларни бироз четга сурилишига сабаб бўлди. Ўз тенгдошлари қатори хизматни адо этиб қайтгач бошқа қатор юмушлар туфайли дуэт ансамбли қайта тикланмади, аммо тўпланган ижро тажрибаси унинг ижодий фаолиятида асқотди. Кейинчалик фортепиано дуэти жанри композиторнинг севимли ижод олаmidан бирига айланди.

Алоҳида муваффақият қозонган дуэт асарларидан «От Эроний», «Акс», «Тошкент оқшоми», «Яхши кайфият», «Пик-Ник», «Сайр», «Янги йил оқшоми» каби икки фортепиано учун асарларини айтиб ўтиш жоиздир.

Айнан фортепиано тилини яхши тушунгани боис ҳам унинг асарлари доимий равишда ижро этилиб, уларга эҳтиёж катта эканлигини эътироф этиш лозим.

Муҳаммад Отажоновнинг ўзига жалб этаётган асарларининг хусусиятларини таҳлил этиш натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, оддий таърифлаганда самимий ва энг муҳими биридан жозибали куй оҳанглариининг мужассамлашувидир. Бу

жиҳатдан уни кучли мелодист композиторлар сафига қўшиш мумкин. Асосийси унинг мусиқаси ёрқин, оптимистик руҳдаги миллий бўёқлар билан бойитилганлиги ҳамда моҳирона гармонизациялаштирилгани композицияни профессионал даражага кўтарди. Уларда халқимизнинг жуда бой миллий мусиқий маданияти, жумладан Хоразмнинг қадимги куй-оҳанглари, гўзал анъаналари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Отажонов ижодининг ҳар бир жабҳасида отаси Абдушариф Отажоновнинг таъсири беқиёс, албатта. Бир неча йиллар муқаддам Абдушариф Отажоновнинг «Импровизация» деб номланган дуэт асари зўр қизиқиш билан ўғиллари томонидан ижро этилган эди. «Импровизация» машҳур композиторнинг шоҳ асари бўлмиш «Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам» саҳна асаридаги бир нечта мавзуларига импровизация қилинган. Бу асар мусиқали драмадаги бир нечта мавзуларнинг узлуксиз ривожланиб бориши асосига қурилган. Импровизицион ривожлантириш услуги Муҳаммад Отажоновнинг асосий ривожлов ифода воситаларидан бири десак муболаға бўлмайди. «Импровизация» асаридаги ёрқин оптимизм, тиниқ шарқона безаклар яна отамерос ижод билан бевосита кесишади.

Ана шундай импровизицион кириш қисми билан бошланувчи ёрқин, эмоционал характердаги дуэти «**От Эроний**» деб номлангандир. Композитор ушбу дуэтда халқ ўйинлари, масхарабозлар томошаларини тасвирлашга ҳаракат қилган. Ижрочининг асар мазмун-моҳиятига тушуниш ва тезроқ кириши учун композитор асарни мусиқага мос шеърӣй изоҳ билан бошлайди.

Асар бошланишидан тез темпдаги импровизицион кенг пассажлар билан бошланади. Унинг аниқ тасвирий жиҳатлари бўлиб, унда масхарабозлар ва уларнинг отлари, бозор шовқини тўс-тўполонни акс эттирувчи мусиқий ифода воситалари билан безатилган.

Асардаги бош мавзу Хоразм халқ куйи асосида бўлиб, хурсандчилик, байрам кайфиятини уйғотади. Халқ куйини композитор чиройли гармония ва бошқа мусиқа ифода воситалари билан бойитади. Бу мавзу иккита партиядо бирин-кетин савол-жавоб тарзида ижро этилади. Барча мусиқий ифода воситалари яхлит бир мақсадга хизмат қилишни кўзда тутлади.





пьеса 6/8 га ўтади ва унда якунланади. Асосий тоналлиги ре-мажор бўлиб, кириш қисми тугагандан сўнг миллий мусиқамизда кўп учрайдиган миксолидий ладини эшитишимиз мумкин. 3-қисмида эса си-бемоль мажорга модуляция қилиниб, бу қисмда лидий ладидан фойдаланилган.

Ладо-тонал хусусиятлар, гармоник тузилмалар Шарқ музикий нафасини кенг тасвирланишига омил бўлади. Асар ижроси техник моҳирликни талаб этади. Тез суръатдаги ноталар аниқ ифодаланса, асарни асл моҳиятини очиб бериш осон кечади.

«Пикник» деб инглизча номлаган М.Отажоновнинг фортепиано дуэти хотиржам шароитда, дўстлар даврасидаги ҳордиқ чиқариш пайтини ифодалайди. Муаллифнинг айнан шу ҳолат таассуротидан илҳом олиб яратган мусиқаси эркин импровизацион джаз гармониялари асосида вужудга келган.

«Пикник» аслида инглиз тилидан «зиёфат», «ўтириш» маъноларини билдиради. Ундаги куй оҳанглар шўх, ўйноқи характерга эга. Синкопаларга бой бўлган синиқ ритм, икки партиянинг алоҳида, бир-бирига мос тушмайдиган ритми асарни регтайм услубига мансуб дейиш мумкин. Асарнинг биринчи қисми кичик бир фразанинг турли баландликларда такрорланиши асосига қурилган.

The image shows a musical score for a piece titled "Picnic" (Пикник) by M. Otajonov. The score is written for piano and consists of two systems. The first system features a treble and bass clef staff with melodic lines, including a triplet of eighth notes in the bass line. The second system features a treble and bass clef staff with chordal accompaniment, primarily using triads and dyads. The key signature is one flat (B-flat major), and the time signature is 6/8. The score ends with a double bar line and a repeat sign.



Маълумки, регтайм бошқа джаз йўналишларидан фарқли ўлароқ профессионал жанр сифатида такомиллашиб фольклордан анча йироқлашган мусиқий турдир. «Пикник»да регтайм услубига хос бўлган мудом такрорланувчи остинатали куй ва ритмик формула, такт группировкасига мос келмайди.

Иккинчи қисмда мавзу бошқача ракурсда намоён бўлади. Фактура тарафлама зичлашув, синкопалашган ритм – асар ривожлови жараёнида тобора диссонанс аккордларга бойиб боради. Иккинчи фортепианодаги бас товуши джаз оркестридаги контрабаснинг пиццикато чертимларига ўхшайди.

«Сайр» деб номланган М.Отажоновнинг мўъжаз дуэт асари тингловчида оптимистик руҳ уйғотувчи жозибаси, ҳамда бир эшитганда ёдда сақланиб қолувчи ёрқин куй-оҳанглари билан ажралиб туради.

Асосий қаҳрамонимизнинг яна бир ажойиб хусусияти мавжудки, ҳозирда у етук, забардаст композитор даражасига эришган бўлсада, унда ҳамон болаларча беғуборлик, софлик, шўх ва ғайратли шижоат мужассамдир. Ана шу беғуборлик, ёруғликни айниқса «Сайр» мусиқасини тинглаганда ҳис этиш мумкин.

Асарда оддийлик ва мураккаблик тутшиб кетгандек гўё. Аслида асардаги мураккаб техника, куй ва гармонияларнинг ўзаро мўъжаз, оддий тилда изҳор этишининг ўзи мураккаб жараёндир.

Мазкур асар мазмуни, композитор ғоясига асосан Тошкентимизнинг гўзал боғларию, кўркам иморатлари, бетакрор табиатидан баҳра олиб унда сайр этаётган кишининг кайфияти ифодаланади.

Машхур импрессионист композитор К.Дебюссининг «Фавннинг тушдан кейинги дам олиши» асари каби инсоннинг бир лаҳзалик ҳолатини ифодалаш мазкур асарда ҳам аниқ намоён бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, композитор Отажоновнинг импрессионизмга кучли лаёқатини бир қанча мусиқачи композиторлар пайқаганлари бежиз эмас. Айни ушбу асарда бу мусиқий хислатларни учратишимиз мумкин.

Гўзал табиат бағрида киши сайр этганда дарҳақиқат барча муаммолари унутилиб, атрофнинг мўжизакор манзараларига маҳлиё бўлгани каби, асар кайфиятида ҳам композитор ҳаяжонли ва хавотирли зиддиятлардан йироқ бўлиб, ҳаётнинг бахтли дамларини ифодалайди

Дуэт яратилиш тарихига тўхталсак, бу асар даставвал хонанда Раёно Шарипованинг илтимосларига кўра «Набиралар ўртоқларим» деб номланган қўшиқ шаклида ёзилган. У ажойиб аранжировка билан сайқал топгач, чиройли бир қўшиқ бунёдга келди. Бу хонанданинг энг севимли қўшиқларидан бирига айланди ва катта саҳналарда муваффақият билан ижро этилди.

Қўшиқ муваффақияти билан чекланиб қолмаган муаллиф уни фортепиано дуэти шаклида ҳам яратиш ҳақида ўйлаб юради. Унинг бу ғояси амалга ошиб, қўшиқдан ҳам мафтункор ва энг асосийси композиторнинг кўнгли тўладиган асар ҳосил бўлди.

Албатта, асар дуэт шаклига мос кўп ўзгаришларга учрайди. Аммо бошқа фортепиано дуэтларидан фарқли ўлароқ, «Сайр»да қўшиқсимон куйчанлик сақланиб қолди. Бу куй оҳанглари ўзбекона миллийлик билан сайқал топган бўлиб, у аиниқса, асарнинг иккинчи қисмида яққол намоён бўлади.

Куйга чирой бахш этувчи гармония таркибида турфа хиллардаги альтерацияланган хроматик септаккордларни учратиш мумкин. Бу аккордлар ритмик жиҳатдан ўзига хос тарзда ифодаланади. Унга хос бўлган ритмик пульсация доимий равишда ритмик оғишмалар билан асосий ҳиссадан гоҳ ошиб, гоҳ кечикиб келади. Синкопаларга бой синиқ ритм асарга кучли ички энергия, ёрқин мазмун бахш этади.

Асарда джаз элеменлари яққол сезилиб туради. Энг асосийси муаллиф джаз мусиқасини миллийлик бўёқлари билан моҳирона уйғунлаштира олган.

Асардаги метроритмик зиддиятлар нафақат ҳиссалар аро, балки умумий ритмик манзарада ҳам сезилади. Бунга кўра «Сайр» айнан джаз турлари ичида «свинг» жанрига хослигини айтиш мумкин.

У шаклан 3 қисмда баён этилган бўлиб, *H-dur* тоналлигида бошланади. Кириш қисмидан сўнг, асосий куй мавзуси дастлаб иккинчи фортепианода ва кейин биринчи фортепианода савол-жавоб тарзида ўтади.

Бош мавзу асар давомида турли гармоник ва ритмик фигурациялар ёрдамида асарга янада жозиба бағишлайди. Биринчи қисм сўнггида эса бу мавзу ўзгача бир тусда янграйди, яъни у ёруф *C-Dur* тоналлигига ўтади ва асар шу тоналликда яқунланади. Мавзуларнинг тузилиши аниқ такрорлансада, унга жўр бўлувчи овозлар, фактура, куй йўналиши ва тонал тарафлама вариацион ривожлантирилади.

The image shows a musical score for a chamber ensemble. It consists of six staves: Piano, Violin I, Violin II, Viola, Violoncello, and Contrabass. The key signature is three sharps (F#, C#, G#), and the time signature is common time (C). The Piano part has a complex harmonic structure with chords and a melodic line. Violin I and II play a rhythmic pattern starting with a forte (f) dynamic. Viola and Violoncello play a triplet figure starting with a forte (f) dynamic. Contrabass plays a pizzicato (Pizz.) line.



Иккинчи қисмда композитор янги мусиқий материал билан куйни бойитади. Бу қисмда яна жўрнавоз партияси, яъни иккинчи фортепианога катта эътибор берилади. Шунинг айтиш жоизки, бу қисмда «до миксолидий» лади яққол эшитилади ва бу асарнинг миллийлик хусусиятини янада бўрттириб кўрсатади.

Мазкур ўрта қисмда чекка қисмлардаги асосий мавзунинг баъзи мотивлари ажратиб олиниб, турфа ўзгаришлар билан ривожлантирилади. Ушбу вариацион ривожловлар ҳисобига ўрта қисм асарда энг кенг ҳажмга эга бўлади.

3-қисмда бошланғич материал сақланади ва якунловчи қисмга уланиб кетади. Асарда биринчи фортепиано роли асосий планга чиқарилган. Аммо иккинчи партиянинг ҳам вазифасида қатор мураккабликлар мужассам. Дуэтнинг мақсади ансамбль орқали ёрқин образни, яхлит шаклни тўлиқ кўрсатиб беришдан иборатдир. «Сайр» мусиқаси чиройли джаз йўналишдаги мафтункор манзарани ҳосил қилади.

М.Отажоновнинг бир нечта асарлари сингари «Сайр» дастлаб қўшиқ, кейинчалик икки фортепиано учун дуэт ва камер симфоник оркестрлари раҳбарларининг талабларига асосан у фортепиано ва оркестр учун яна бошқа бир кўринишда бунёдга келди.

Шу аснода бу билан боғлиқ муҳим бир воқеани айтиш ўринлидир. Унинг сўнги шаклдаги талқини ҳақиқатдан

ҳам композитор учун ва қолаверса ўзбек композиторлик ижоди тарихида муҳим воқеа бўлиб қолди.

Ўтган йилнинг февраль ойида фортепиано ва камер оркестрига мослаштирилган «Сайр» асари Жанубий Корея сажнасида Корея халқ оркестри ва солисти ижросида муҳим бир анжуман концертида ижро этилди.

Кореянинг янги йил байрами 14 февралда нишонланиши муносабати билан Жанубий Корея мамлакатига кўплаб давлатларнинг президентлари, жумладан БМТ раҳбари ва хусусан Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовлар ҳам тақлиф этиладилар. Мазкур йирик тантана билан бўлиб ўтадиган концерт дастури таркибига турли миллат халқларининг миллий ифтихорига айланган куй-қўшиқлар ижро этилиши одат тусига кирган эди. Ўзбекона миллий руҳдаги ва шу билан бирга умумбашарий аҳамиятга молик вальс жанридаги бир неча энг чиройли жозибали асарларни мусиқашунос мутахассислар танлаб олиб, президент девонига жўнатадилар. Булар ичида М.Бурҳоновнинг «Мафтун бўлдим», М.Ливиевнинг «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидаги вальси, М.Мирзаевнинг «Баҳор вальси» ва М.Отажоновнинг «Наврўз ёғдулари» асарлари ўрин олган эди.

Бу асарларнинг барчаси дурдона вальслар сирасига кирди, аммо ижро учун замонавийлик масаласи ҳам муҳим бўлганлиги сабабли юқорида номлари зикр этилган композиторлар ичида Муҳаммаджон Отажоновнинг «Наврўз ёғдулари» ва бошқа асарлари, жумладан «Тошкент оқшоми» ва «Сайр»нинг оркестр учун ёзилган вариантлари тақдим этилди. Жанубий Корея ижрочиларини айниқса «Сайр» ўзига кўпроқ жалб этади.

Унинг ижроси катта муваффақият билан қабул қилинади. Мазкур асарнинг жозибали таровати ва миллий бўёқлари президент И.Каримовнинг ҳам эътиборини тортди.

Кўплаб сара асарлар қаторига «Сайр» асарининг ҳам кириши нафақат композитор учун, балки ўзбек халқининг композиторлик ижодиётидаги кўзга кўринарли ютуғи сифатида миллий ифтихорига айланди. Таъкидлаш жоизки композиторнинг асарларидан ҳеч бирининг ижроси енгил-елпи тезкорлик билан бажарилмаслиги, аксинча унга ситқидилдан ёндошуви ўзининг тотли ҳосилини бермоқда.

«Яхши кайфият». Яна композиторнинг оптимистик қарашлари дуэтнинг номланишиданоқ сезилиб туради. Номига монанд асарнинг кайфияти кўтаринки руҳни уйғотади. Мазкур асарда ҳам М.Отажонов джаз элементларига мурожаат қилади. Ушбу асарнинг қизиқарли томони шундаки, асосий куй йўлида жуда кўп миллий безатувчи оҳанглар, нолалар мавжуд бўлиб, у джаз элементлари билан мафтункор гармониялашган.

The image shows a musical score for two pianos, Piano I and Piano II. The tempo is marked 'Allegretto'. The key signature has one flat (B-flat) and the time signature is 4/4. The score is divided into two systems. In the first system, Piano I has a rest in the first measure followed by a melodic phrase in the right hand starting in the second measure. Piano II plays a rhythmic accompaniment with chords in the right hand and a bass line in the left hand. The second system continues the melodic line for Piano I and the accompaniment for Piano II.

Ижодкорнинг джаз мусиқасини мукамал ўзлаштиришга бўлган кучли қизиқиши кўп асарларда ва айниқса фортепиано учун дуэтларида ёрқин намоён бўлади. Бу билан ўзбек композиторлари ичида джаз йўналишини ривожига М.Отажонов ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Яхши кайфият»да асосий мавзу куйлари биринчи рояльга топширилади. Аммо иккинчи партиянинг асосий куй ҳосил қилишдаги масъулияти биринчи партиядан қолишмайди. Умуман олганда, ҳар бир дуэт асарида ансамбль ҳосил қилишга



катта эътибор қаратилади. Иккала ижрочи асар давомида бир-бирини тўлдириб, қўллаб-қувватлаб туриши, ансамбльдаги муҳим вазифалар мазкур асарда ҳам мустасно эмасдир. Асар оддий уч қисмли шаклда баён этилган бўлиб, ўрта қисм кенг ёритилган. Учинчи қисм эса биринчи қисмни бир октава юқорида такрорлаб, жозибакор оҳангни тингловчиларга чуқурроқ сингдиради.

Мазкур дуэт ижрочилардан қатор техник мураккабликларни бартараф этишни талаб этади. Бу мураккабликларни энгил ижро этишда юқори бадий дид ҳам етакчи вазифани бажаради. Ижрочилар музиқанинг маъно-моҳияти, композиторнинг асосий ғоясини тушунишлари муҳимдир. Унинг ўзгарувчан ритмикаси ва фактураси, динамик ва аппликатура томонлама мураккабликлари ҳамда асарда учрайдиган

бошқа қатор унсурлари чиройли рақсона характерни ифодалашга хизмат қилади.

Асарнинг иккинчи қисмида композитор янги-янги мавзулар, чиройли пассажлар ва кенг фактурадаги кўп овозли аккордлар билан бойитади. Бу ифода воситалари асарга блюзга хос бўлган куй бўёқларини беради.

Бошқа асарлари сингари мазкур дуэтнинг аниқ дастурий мазмуни бўлмасада, унинг ёрқин мусиқий бўёқлари тингловчиларда ва қолаверса ижрочиларда ҳам яхши кайфият уйғотиши аниқ.

### **«Гулдаста»**

Катталар учун фортепиано чолғусига яратилган асарлар билан бир қаторда композитор ижодида болалар ижросига мослашган кичик ҳажмдаги пьесалар ҳам бошланғич таълим ижрочилик санъатида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

М.Отажоновнинг фортепиано учун ёзилган катта ва кичик асарлари, хусусан «Гулдаста» тўплами ушбу чолғу репертуарининг бойишида ўзининг миллий жозибаси билан алоҳида аҳамиятга эга. Мактаб ўқувчиларини миллий мусиқа билан таъминлаш, уларни ўзбек мусиқасининг ўзига хос оҳанглари, жозибаси, миллий унсурлари билан эшитиш малакаларини ривожлантириш, яъни улар онгига сингдириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тўпلامга кирувчи М.Отажоновнинг миниатюра асарлари ўзининг ихчам шаклида кўзда тутилган масалаларни ечимида озми-кўпми хизмат қилиб келмоқда.

«Гулдаста» туркуми ўз ичига 21 та куйни қамраб олади. Уларнинг ҳар бири мустақил номга эга бўлиши билан бирга, номига монанд шеърлар билан билан ҳам изоҳланади. Муаллиф Қамбар Отанинг шеърлари болалар учун мусиқани янада аниқроқ тушунишларига ва шу образга кириб ижро этишларига кўмак беради.

Бу туркумни кўп жиҳатдан П.Чайковскийнинг «Йил фасллари»га қиёслаш мумкин. Унда ҳайвонот оламига оид: «Хўтикча», «Мард туя», «Бедана», «Тойчоқ», «Мусича», «Урушқоқ хўрозлар»; маълум жанр номлари билан боғлиқ: «Этюд», «Сўзсиз қўшиқ», «Хоразм марши», «Эртак»; шунингдек болалар портрети билан боғлиқ: «Ўғил болалар», «Ўқувчилар», «Қизча рақ-

си» ва иккита табиат образи билан боғлиқ бўлган: «Ёғдулар», «Кеча» номлари билан яратилган пьесалар болаларни, қолаверса катталарни ҳам ўзига жалб қилади.

Бу ёрқин дастурий номлар ва уларга ёзилган шеърлар болаларга пьеса характерини чуқурроқ тушунишга ва мусикий образларни яққол тасаввур этишга ёрдам беради.

Бу турли-туман образларни кўрсатишда композитор ўзига хос ифода воситаларидан фойдаланган. Энг асосийси контраст тамойилидир. Улар авваламбор пьесалараро контрастлар бўлса, уни ривожлантириш жараёнида эса ички контрастлардир. Бир нечта пьесаларни таҳлил этиш жараёнида туркум асарларидаги асосий композицияни тасаввур этиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган образлар ичида ҳайвонот ва қушлар образи туркумда кўпроқ қисмни эгаллайди. «Етиб олчи» пьесаси мушук образининг сичқонни қувлашини тасвирлайди. Мусиқа кўпроқ ҳайвонларни ҳаракатларини кўрсатишга қаратилган. Фаол ритм ва кенг диапазондаги тез ижро чаққон сичқоннинг ҳаракатларини ифодалайди. Мушукнинг тез ҳаракатини ифодалашда композитор 2 октава оралиғида жадал сакрама ҳаракатлар билан тасвирлайди.

The image shows two systems of musical notation for piano. The first system consists of a treble clef staff with a melody and a bass clef staff with accompaniment. The melody starts with a quarter note, followed by a half note, and then a series of eighth notes. The bass line has a quarter note, a half note, and then eighth notes. There are dynamic markings like 'mf' and 'Ped.' (pedal) and asterisks indicating specific musical features. The second system continues the piece with similar notation.

«Мард туя» асарида эса, саҳрода жазирама шароитда юрвчи туя образи шеърый тарзда моҳирона ифодаланади. Пьесада туя ва саҳро образлари узвий боғлиқ ҳолда ривожлантирилади. Куйни тинглаганимизда секин юраётган туя қадамларини тасаввур этишимиз мумкин.



«Тойчоқ» – бу туркумнинг охирги пьесаси бўлиб, ундаги барча ифода воситалари қувноқ, ўйинқароқ, сакраб юрган тойчоқни тасвирлайди. Бу ерда асосий ифода воситаси фактура бўлиб, унда параллель сексталар ва квартастар асосий аҳамиятга эга. Остинатали ритмик формулалар ёрдамида композитор ёш жониворнинг беғубор ҳаракатларини ифодалайди.



Асосан композитор болаларнинг ҳаёт тажрибасида кўп эшитган ва учратган жониворлар образини танлаган. Асосий қаҳрамон сифатида болалар образи ифодаланган пьесалар ёш ижрочиларнинг ички дунёсига монанд бўлиб, уларда алоҳида қизиқиш уйғотади. «Айвонда» деб номланган пьеса ҳам болалар мавзуси билан боғлиқ. Унинг номланишида бу акс этмасида шеъринг мазмун буни яққол изоҳлайди:

Айвонимиз озода,  
Кел тўрга ўт Гулзода.  
Ширин суҳбат қураимиз,  
Дўстлик гаштин сураимиз.

Муסיқаси эса сокин бир боғ манзарасини тасвирлайди. Ундаги табиат ҳодисалари, яъни баргларнинг шитирлаши, майин шабада эсиши в.ҳ.к. бу каби пейзажни муסיқада кўрсатиш учун композитор узлуксиз ҳаракатдаги этюд техникасидан фойдаланган.

Жанр характерини ифодаловчи пьесалар ичида «Хоразм марши» бутун туркумни очиб беради. Хоразм ҳақидаги шеър эса бу тарихий маконнинг дунёдаги алоҳида ўрни хусусида шарафловчи сўзлар билан ифодаланади.

«Гулдаста» туркумини таҳлили якунида шуни хулоса қилиш мумкинки, тўпламдаги барча пьесалар миллийликни ўз ичида мужассамлаштирган. Уларнинг ҳар бири қайсидир ёрқин образни жонлантиради. Пьесаларни ёзиш жараёнида композитор ёш болаларнинг ижро имкониятлари ва болаларча дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда басталаган.

О.Юсупованинг ҳақли сўзларига асосан: – Тўпламдаги асарлар халқчил, миллий оҳанг, руҳият билан суғорилган. Асарлар техник томонидан мураккаблиги билан нафақат ўқувчилар, балки катта ёшдаги ижрочилар диққатини ҳам жалб этади,<sup>5</sup> – деган сўзларига шуни қўшимча қилиш мумкинки, миниатюра шакли Отажонов ижодидаги энг қулай шакл ҳисобланади. Композитор М.Отажонов бир лаҳзалик муסיқий образни яратишнинг моҳир устаси.

## **ҚЎШИҚ ВА РОМАНСЛАРИ**

Муҳаммад Отажонов ижодида камер-вокал, камер-чолғу асарлари улкан бадий аҳамият касб этади. Композитор бутун ижодий йўли давомида овоз учун юздан ортиқ турли жанрлардаги асарларни яратди.

Аслида ҳар бир композитор ижоди давомида юзлаб куй-оҳанглар яратади. Зеро улар ичида қайсидир куй омма орасида машҳур бўлади, тез ёдда қолади ва уни ҳиргойи қилиб юрадилар. Бу куйнинг яратилишини ҳақиқий кашфиёт дейиш мумкин.

Баъзи композиторларда бундай куйлар сони кўпроқ. Одатда уларни «мелодист» композиторлар сафига киритадилар. Бу камёб қобилият яъни дилрабо оҳангдорлик нафақат овоз

---

<sup>5</sup> «Гулдаста» М.Отажонов. 3-бет.

учун яратилган асарларда, балки чолғу асарларда ҳам намоён бўлади.

Мазкур ноёб сифатларни М.Отажонов ижодида ҳам кўплаб учратишимиз мумкин. Танишиб чиқилган чолғу асарларининг изоҳларида «оҳангдор», «куйчан» каби сўзларни кўплаб учратиш мумкин. Чунки унинг сўзсиз ифодаланувчи куйларининг ўзида ҳам қўшиқсимон лирик оҳанглар кенг тараннум этилади.

Тенгсиз «мелодист» композитор П.И.Чайковский: «Куйнинг гўзаллиги – унинг оддий ва самимийлигидадир» – деб бежиз айтмаган. Самимий сўзлаш дилга тезроқ етиб боргани каби самимий оҳанглар унданда тезроқ таъсир этишига шубҳа йўқ, албатта.

Самимий оҳангдорлик М.Отажоновнинг айниқса қўшиқ ва романсларида кенг намоён бўлиб келмоқда. Ижодкорнинг бетакрор оҳанглари таровати шахсий муаллифлик ижодининг шаклланиши бир қанча атроф-муҳитидаги шароитлар билан боғлиқ ҳолда ривожланди.

Ёшлиқдан театр муҳитида ўзбекона куй-қўшиқларни тинглаб, Хоразмнинг машҳур ҳофиз ва созандаларининг ижодий суҳбатларининг гувоҳи бўлиб катта бўлган Муҳаммад Отажонов вужудига Хоразм миллий куй-қўшиқларию, фольклордан тортиб, то мураккаб мақомларгача ўзига жо қилди. Бу ўзига хос мусиқий тил, халқона оҳанг ладлари унинг қонқонига сингиб борди.

Кейинчалик эса Европа андозалари асосида таълим олиши, фортепиано созида профессионал даражада ижро этиши, яна бир бошқа олам санъатини ўзлаштиришига сабаб бўлди. Ҳар қайси бир-биридан тубдан фарқ қилувчи йўналишлар кейинчалик М.Отажонов ижодида ва айниқса қўшиқ ва романс жанрларида олтин ўрталиқда уйғунлаша бошлади.

Қўшиқларида самимий туйғуларини аваламбор ўзининг Ватани Хоразмга бағишлаб, кўплаб айнан шу мавзуда изҳор этиб келмоқда. Зарифий шеърларига «Хивага салом», «Хивамизнинг дарвозаси қўша- қўша», «Хивам» каби қўшиқлар шулар жумласидандир. Баъзи қўшиқларнинг номларида воҳанинг номи келтирилмасада, Хоразм йўлидаги ёрқин маиший халқ ҳаёти, шўх, хушчақчақ мусиқанинг ўзи бунга яққол изоҳлайди.

Қувноқ кайфиятни ифодаловчи қўшиқлар билан лирик характердаги вокал асарлари доим ўзаро солиштиришга мой-

ил. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, моҳир мелодист-ком-позитор М.Отажоновнинг лирик романс ва қўшиқлари ҳам ижрочилар қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. Юқори бадий дид соҳиби ўзининг ёрқин бўёқлари билан йўғрилган муси-қалари учун шеър танлашда алоҳида масъулият билан ёнда-шади. Нозик таъбига мос келувчи маъноли, ибратомуз сўзлар-ни ахтариб, унга навобахш мусиқий воситалар танлаб, кўркам қўшиқ шаклига киритади.

Унинг сеvimли шоирлари сифатида замондош, ҳамсуҳбат ижодкорлар Зарифий, Омон Матчон, Ошиқ Эркин, Қамбар ота, Муяссар Отажонова, Ихтиёр Ризо, Рустам Хўжаев, Нормурод Нар-зуллаев билан бир қаторда буюк мутафаккирлар Алишер Наво-ий, Машраб ва Огаҳий ғазалларига ҳам романслар яратди.

Катталар ва болалар учун бирдек сермахсул, дилрабо қўшиқлар яратган Муҳаммад Отажонов ижодий фаолиятини учта даврга бўлиш мумкин.

Илк ижодий даври (1986-1996) бевосита устозларнинг, ху-сусан Б.Гиенконинг таъсири остида шакллана борди. Бу дав-рда композитор кўпроқ чолғу асарлари учун ва нисбатан камроқ вокал жанрига мурожаат қилган. Аммо яратилган асарларнинг барчаси муваффақият билан ижро этилиб, баъ-зи асарлари ҳалқаро танловларда махсус совринларга ҳам сазовор бўлди.

Дастлабки интилишлар Хоразм халқ халфачилик санъати билан боғлиқ бўлди. Хоразмда саводхон, гапга чечан, айни пайтда хонандалик қобилиятига эга бўлган зукко аёлларни «халфа» деб юритишади. Хоразм воҳасида илгаридан бери давом этиб келаётган анъанага мувофиқ тўйларда, ташқари-даги эркаклар даврасида бахшилар хизмат қилса, ичкарида-ги хотин-қизлар даврасида халфалар хизмат қилади. Маъ-лумки, Хоразм аҳли орасида кўплаб тўй-ҳашамларда халфа-чилар кўшиқлари кенг оммалашган. Халқ уни севиб тинглаб, дилларига яқин мусиқа деб биладилар.

Муҳаммад Отажонов халфачилик йўлидаги қўшиқларни аёллар хори учун қайта ишлаб, мўъжаз бир асарлар шаклига келтирди. Илк шу йўсинда яратган халқ сўзига «Муборак тўй», «Сиз шу гулни қайси боғдан олдингиз» номли қўшиқлари 1986 йилда Москвада, Халқаро кўрик танловда энг гўзал қўшиқ-лар сирасига киритилди ва махсус совринига сазовар бўлган.

«**Муборак тўй**» аини тўй кайфиятига монанд жуда ёрқин, очиқ овозда, тантанавор оҳангларда ижро этилади.

Мубораклар бўлғай этган тўйингиз,  
 Мудом иззатда ўтгай умрингиз.  
 Бошлаган тўйингиз муборак ўлғай,  
 Муборак, муборак, тўйлар муборак!

Шеър мазмунига асосан тўй сабабчилари ва тўй эгалари шарафловчи сўзлар Хоразм шевасида шўх янграйди.

*Allegretto*

S I  
 S II  
 A  
 Дойра

*mf*  
 Му-бо-рак-лак бўл-гай эт-ган

*f* *mp*

тў - йин-гиз му-до-ма-и зза - - гада ўт-гай ум-рин - гиз

му-до-ма-и зза-гада ўт-гай ум-рин - гиз

*mf* *mp*

*mf* *mp*  
 Бош-ла-ган тў - йин-гиз му-бо - рак ўл - гай Му-бо - рак

*mf* *mp*  
 Бош-ла-ган тў - йин-гиз му-бо - рак ўл - гай Му-бо - рак

*mf* *mp*



му - бо - рак тўй-лар му - бо - рак му - бо - рак

му - бо - рак тўй-лар му - бо - рак му - бо - рак

Бу ерда матн асосий аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосига мусиқий оҳанг бўйсундирилган. Ҳар бир товушга бир бўғиннинг тўғри келиши, яъни куйчанликнинг камроқ намоён бўлиши ҳамда куй ҳаракати чизигининг бир хиллиги қўшиқда сўзнинг устунлигидан далолат бериб туради. 6/8 усулидаги доира зарблари мусиқага янада тантанавор, тўёна характерни бағишлайди. Жуда халқчил намоён бўлган бу қўшиқ нафақат Хоразм аҳли, балки бошқа воҳаларни ҳам ўзига ром этганлиги билан ажралиб туради.

Мухаммад Отажонов кенг омманинг руҳий талаб ва эҳтиёжларини зийраклик билан идроклаб, шунингдек, унинг дидини тўғри шаклланишига асос бўлувчи қўшиқларни таъминлашда ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда ҳофиз ижрочиларнинг савияли, дидли қўшиқларни ижро этиш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Композитор чолғу куйларида, яъни аккомпанимент аксарият ҳолларда гармоник асос, шакллантирувчи воситалар қаторида етакчи бўлиб хизмат қилади. Миллий услубиётимизнинг асл монодиялик табиати композитор ижодида устиворлик қилмасада, миллийлик халқона тусни ўзига хос гармония бахш этади.

Замондош композиторлар ва мусиқачиларнинг аксарияти қаҳрамонимиз М.Отажоновнинг мусиқий ижоди хусусида сўз борганда, бошқа овоз учун яратилган жанрлардан кўра ўзбек эстрада қўшиқчилиги йўлида борса катта муваффақиятларга эришиши мумкинлигини эътироф этмоқдалар.

М.Отажонов ўзининг илк эстрада йўналишидаги асарларини 1992-1993 йиллардан бошлаб, Ўзбекистон радиосининг эстрада симфоник оркестрида фаолият юритувчи санъаткор-

ларга бағишлади. Хусусан, тингловчиларнинг турли талаб ва истаklarини қондириш учун 90-йилларнинг радио ижодий гуруҳи ўта масъулият билан ёндашиб, профессионализм қонунқоидаларига жавоб берувчи қўшиқларни махсус кузатуви асосида бошқариб борилган. Бизга маълумки, ўша давр эстрада муסיқасига хизмат қилувчи техник чолғулар бугунги имконияти кенг бўлган компьютер техникаси билан умуман солиштириб бўлмайди. Бундан 20 йил муқаддам табиий, ширадор овоз эстрада қўшиқчилари учун энг муҳим омил бўлган. Афсуски, бугун овозга бўлган эътибор умуман аҳамиятсиз, чунки ҳар қандай овоз компьютер ёрдамида сайқалланади. Бу кенг кўламли, эстрада муסיқасидаги долзарб масалалар хусусида узоқ фикр юритиш мумкин. Аммо бу бизнинг асосий мақсадимиздан бироз четдаги мавзу.

Шунга қарамай ҳар бир ижодкор бу санъат денгизига ўзининг салбийми ижобийми ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Дирижёрлар Анор Назаров, Евгений Живаевлар раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестридаги хонандаларга Мухаммад Отажонов ҳар бир овоз имкониятидан келиб чиқиб, унинг жозибали томонларини очиб кўрсатувчи қўшиқлар ярата бошлади. Бу қўшиқларнинг қўплари радионинг олтин фондида сақланмоқда. Улардан санаб ўтилиши лозим бўлган Муҳаббат Ғофуровага «Ўйнасин» (Н.Нарзуллаев шеъри), Козим Қаюмовга «Юлдузим» (М.Отажонова шеъри), «Қарашларинг» (Ошиқ Эркин шеъри), «Қизгина» (Пўлат Мўмин шеъри), Гулбаҳор Эрқуловага «Оқ олма» (Пўлат Мўмин шеъри), Анвар Санаевга «Мени тушун», «Ўзинг ягона» (Шукур Қурбон шеъри) каби қўшиқлари билан аста элга танила бошлади.

1996 йилдан 2000 йилгача композитор беғубор ёшликнинг беғам дамларини қўмсаб, ўзининг хаётий муаммоларини болалар учун яратган асарлари орқали руҳий мадад олди.

1996 йилдан эътиборан бир неча йил ёш хор жамоалари учун синов майдони бўлиб келган Давлат миқёсида ўтказилувчи «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик танлови М.Отажоновнинг болалар учун асар яратишга ундади. Бу борада композиторга таниқли «Булбулча» болалар хорининг раҳбари Шермат Ёрматов ўз ёрдамларини аямади. ҳар йили ўтказилувчи бу катта тадбир мамлакатимизнинг турли вилоятларида бўлиб ўтди. ҳар бир воҳага атаб ижодкор ўзининг беғу-

бор ижод намуналарини бунёд этди: «Сайхун мавжлари», «Навойи», «Қашқадарё», «Ассалом Тошкентим» (Н.Нарзуллаев шеъри), «Хивам» (Зарифий шеъри) каби қўшиқлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари, турли мавзулардаги «Болаларнинг кўзлари», «Онажон Ўзбекистон», «Баҳор келди», «Полвонман», «Мусича», «Диёр мадҳи», «Соғломжон», «Бўш келмаймиз» каби қўшиқлари билан болалар хор жамоалари учун репертуарни чиройли, мафтункор асарлари билан бойитди.

**«Баҳор келди»** – концерт дастурларида тез-тез ижро этилиб келинаётган репертуардаги болаларнинг севимли қўшиқларидан бири. Қўшиқда эрта баҳор нафаси ширали куй-оҳанглар орқали кўтаринки кайфиятда ифодаланади. Яккахон ва хор ижросидаги бу қўшиқ болалар диапазони учун қулай бўлиб, кенг нафасда эркин ижро этилади.

Ба - хор кел - ди, кир а - дир - га

я - шил кўр - па тў - ша - - либ

Нақорат қисми айниқса қўшиққа ёрқинлик бағишлайди. Шуни айтиш жоизки, композитор қайси қўшиқни ёзишдан қатъий назар, авваламбор ишни нақоратдан бошлашини таъкидлаган эди. «Чунки нақорат – қўшиқ юраги - дейди композитор, – нақоратнинг қўшиқдаги ўрни алоҳида» – деб фикрини давом эттиради.

*mf* Хор:

Гул - ло-ла-га гул-ло-ла ло-ла-га гул-гул ло-ла-га бур ка - ниб

2000 йиллардан кейин композиторнинг бу жанрдаги ижоди энг юқори чўққиларни забт эта бошлади. Композитор Отажоновнинг ёрқин иқтидори авваламбор унинг бетакрор лирик оҳангларида намоён бўлади. Бу даврдан бошлаб асосан муҳаббат мавзусидаги кўшиқ ва романсларни яратди. Ҳистуйғуларнинг мусиқада жуда нозик, лирик ва самимий ифодаланиши, кенг нафасдаги куйларнинг эркин ривожланиши, шеърий образларнинг мусиқада аниқ тасвирлаш каби хусусиятлар композитор ижодида янада сайқал топди.

«Баҳор» композиторнинг сеvimли мавзуларидан бўлиб, бу мавзуга унинг бир нечта кўшиқ ва романслари мавжуд. Ихтиёр Ризо шеърига басталанган «Баҳор» сокин темпдаги лирик романсларидан бири. Унинг мазмуни асосида эса қалб тубидаги армонли муҳаббат бўлиб, «баҳор» сўзи мажозий маънода «ёшлик» сўзига ўхшатилади. Ажойиб шеърий сатрлар кўнгил баҳорини ифодалайди:

Тушимдаги дунёлардан,  
 Ўнгимдаги рўёлардан,  
 Қушлар, гуллар, саболардан  
 Энди сени ахтардим зор –  
 Дилимдаги баҳор эдинг!..

Ортада қолган баҳор фасли армони мусиқада ўзининг бетакрор ифодасини топган. Си-минор тоналлигида маъюс оҳанглар куйчан легатода пастки регистрдан ҳотиржам бошланиб, аста ривожлантирилади.

Кар-вон кар - вон тур - на - лар - дан ка - па - лак куш га - ла - лар - дан кўнг-ли га - риб о - на - лар - дан се - ни сў - раб мен зор э - дим

Ҳис-туйғуларни теран ифодаловчи мусиқа нафақат овоз партиясида, балки кенг фактурадаги аккордлардан тузилган аккомпонементда чиройли гармония ҳосил қилади. Куплет сўнггидаги маънос тугалланган оҳангдан сўнг куй навбати бирданига нона интервалига сакраб, баланд пардаларда тараладиган авжга уланади.

The musical score is written in D major (one sharp) and 4/4 time. It consists of three systems, each with a vocal line and a piano accompaniment.

**System 1:** The vocal line begins with the lyrics "ги ба - хор э - динг" followed by a rest and then "тонг - да эс -". The piano accompaniment features a bass line with triplets and a treble line with block chords.

**System 2:** The vocal line continues with "ган хур эл - лар - дан йўл - лар - да". The piano accompaniment includes a prominent melisma in the treble clef consisting of 13 sixteenth notes, marked with a "13" below it. The bass line continues with triplets.

**System 3:** The vocal line concludes with "сар - сон дил - лар -". The piano accompaniment features a melisma in the treble clef consisting of 9 sixteenth notes, marked with a "9" below it. The bass line continues with triplets.

дан бог - лар че - чак - лар гул - лар

«Баҳор» романсида, айниқса композиторнинг индивидуал ижодий «дастхати» яққол эшитилади. Бу авваламбор композиторнинг ўзига хос бўлган салобатли, кенг нафасдаги жозибадор куй-оҳангларида, миллий тус берувчи ноталарида сезилиб туради.

Мазкур романс Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳалил Абдуқодировга бағишланган бўлиб, романсни маромига етказиб ижро этган унинг шогирди Дилбар Қодир қизи 2005 йил Хитойда бўлиб ўтган кўрик танловнинг ғолиби деб топилди.

«**Тошкентим**» (Рустам хўжаев шеъри) – Ватанни шарафловчи тантанавор кўшиқларидан бири. Кўшиқ уч хил мусиқий материаллардан иборат бўлиб, турли ҳис-туйғуларни кўрсатиш учун контраст мусиқий оҳанглардан фойдаланган. Кўшиқдаги сўзларнинг аниқ ва раvon бўлишига хизмат қилувчи нутқий оҳанглардан келиб чиқиб мусиқа яратилган.

Жа-мо - линг гул - гул о - чил-миш Ис - тик - лол - дан то - пиб  
шон Жа-хон ах - лин кол - ди - риб лол

Кичик диапазонда ижро этилувчи пастки регистрдаги оҳанглар нақорат қисмини тайёрлайди. Нақоратда эса кварта ҳаракати билан авж пардаларда Тошкент сўзига асосий урғу берилади.



Тез темпдаги шаддод мусиқа беихтиёр кўтаринки кайфи-ят уйғотади. Таъкидлаш жоизки, кўплаб Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ичида айнан «Тошкентим» – «Ягонасан муқаддас Ватан» кўрик танловида Козим Қаюмов ижросида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Болалар ва катталар учун қўшиқ ва романсларни Муҳаммад Отажонов нафақат ўзбек тилида, балки рус тилида ҳам бирдек жозибали этиб яратди.

Мазкур даврда болалар учун «Диёр мадҳи», «Ўзбекистон» (М.Мирсаидова шеърига); «Бўш келмаймиз» (Қ.Қаршибоев шеърига); шунингдек болалар учун рус тилида «Сказочный рай», «Моя школа», «Росинка», «Соловей», «Радуга» (Роман Усмонов – ўғлининг шеърларига); катталар учун эстрада йўналишида К.Қаюмовга «Тошкентим» (Рустам хўжаев шеъри), «Палов кади» (М.Отажонova шеъри); «Баҳор» (Ихтиёр Ризо шеъри) ва бошқаларни яратди. Шунингдек рус тилидаги ёрқин лирик, муҳаббат мавзусидаги романс ва қўшиқлари «Я и ты», «Лунный сад», «Блики», «Свеча», «Белые ночи», «Водопад» ва бошқаларни яратди.

Рус тилидаги қўшиқларининг сўзлари муаллифи Муҳаммад Отажоновнинг рафиқаси, қобилиятли шоира Нурия Усмонова қаламига мансуб. Н.Усмонованинг асл соҳаси санъатдан анча йироқ бўлсада, табиатан шеъриятга меҳр қўйган истеъдодли шоира сифатида қатор мазмунли, қофияли шеърлари билан Отажоновнинг ижодига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Турфа кайфиятдаги русча қўшиқларининг яратилишида Отажонов Россия эстрадаси қўшиқларининг тузилиши, услубиётдан келиб чиққанига эътибор қаратиш мумкин. Сўхбатларимизнинг бирида композитор рус эстрадасига бўлган иштиёқи баландлиги ҳақида илҳомланиб гапириб ўтган эди.

**«Я и Ты»** – гўзал табиат кучоғида муҳаббат мавзусини мадҳ этувчи қўшиқларидан бири. Икки инсоннинг севгиси табиат образлари, яъни денгиз тўлқинлари ва шамол тимсолида тасвирланади. Бу манзарани композитор нафақат овоз партиясида, балки аккомпонементда ҳам ажойиб импресси-

онистик пассажлар билан ифодалашга урунган. Денгиз тўлқинлари рояль ижросида ёрдамчи товушлардан иборат бўлган триоллар харакатида гўё майда сув заррачаларининг хар томонга сочилиши жараёнини моҳирона тасвирлайди.

ВОЛНА *mf*

Ве-тер вол-ны вкру-жил и вол-ну о-жи-

ВИЛ

и вобъ-я-тьях сво-

ИХ

ВМИГ вол-ну о-за-



Нақорат қисмида эса авж тонларида бошланғич оҳанг ракоход тарзида ижро этилади. Отажонов ижодига хос бўлган сўнги нақорат қисмининг ярим тон юқорида бойитилган фактура фонида берилиши одат тусига кирган.

«**Лунный сад**» – лирик мазмундаги яна бир муҳаббат мавзусини тараннум этилувчи қўшиқлар сирасига киради. Асар мазмуни марказида инсон бўлиб, унинг ички ҳиссиётларга берилиб куйлаши теран ифодаланган. Қўшиқ хотиржам темпда, кенг нафасда, сўзлар маъносини асосий ўринга қўйиб куйланиши билан ажралиб туради.

*mf*

1. По - да - ри мне  
2. Мо - жет там на да -

лун - ну - ю ночь и рас - сей ты ил -  
ле - кой лу - не теп - лый лас - ко - вый

лю - зи - и прочь лун - ный  
дож - дик во мнгле пе - ле -

Композиторнинг қўшиқларини кўздан кечириш жараёнида ҳар бир романс ва қўшиқларининг бир-бирига ўхшамайдиган фактураларини кузатиш мумкин. Ушбу асарда рояль партияси ушлаб турилган бас фонидида кўп овозли зич аккорд тузилмаларидан иборатлигига гувоҳ бўламиз. Бу ўз навбатида асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳис-ҳаяжонли кайфиятни ифодалашда қўл келган.

## **КАМЕР ЧОЛҒУ АНСАМБЛЛАРИ**

Муҳаммад Отажонови́нинг камер мусиқаси устидаги изла-нишлари Европа классик мусиқий жанр ва шаклларини тўлақонли пухта ўзлаштириши учун замин яратди. Камер вокал ҳамда камер чолғу асарлари композиторнинг илк ижодий дав-ридан мунтазам равишда бугунги етуклик босқичларигача се-вимли ижод тури бўлиб келди. Айни шу йўналиш орқали унинг ижодий эволюциясини кузатиш мумкин.

«Комил ишонч билан айтишим мумкинки, - дейди компо-зитор ўзининг илк камер ансамбли скрипка ва фортепиано учун Токкатанинг ёзилиш жараёнида, камер мусиқа – муси-қий дид ва теран тафаккурнинг ривожланишида энг кучли воситадир». Ушбу фикр маълум жиҳатдан кўп йиллар мобай-нида камер мусиқаси жанрини ўрганиб келган мусиқашунос Т.А.Головянцнинг «Камер мусиқа – маҳорат мактаби, янги го-яларни ифода этувчи воситадир»<sup>6</sup> – деб айтган фикрлари билан уйғунлик касб этади.

«Отажонов – кўпчилик этироф этганича қўшиқчи (қўшиқ яратувчи) композитор эмас, у – камер симфонист!», дейди композиторлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев.<sup>7</sup> Эъти-роф этиш жоизки, Отажонов камер чолғу асарларидан кейин симфония жанрига мурожаат этмади. У камер симфонистли-гича қолди. Ҳатто ўзининг етуклик жараёнини бошдан кечира-ётган бўлсада, у катта ҳажмдаги асарларни ҳавас қилмади ва унинг учун камер шакллар ўз қийматини йўқотмади.

Ижодий фаолияти давомида М.Отажонов 20дан зиёд тур-ли камер-чолғу асарларининг муаллифига айланди. Шунинг

---

<sup>6</sup> Камерно-инструментальная ансамблевая музыка Узбекистана». Т., 1990. 3-б.

<sup>7</sup> Монография муаллифининг Р.Абдуллаев билан оғзаки суҳбатдан.

гдек, муваффақият билан ижро этилиб келинаётган кўплаб якка чолғу учун яратилган асарлари камер оркестрларига мослаштирилди.

Республикамызда фаолият юритиб келаётган йирик таркибдаги ўзтелерадио қошида ташкил этилган камер оркестри, шунингдек «Ўзбекистон солистлари», «Туркистон», ҳамда «Суғдиёна» халқ чолғулари камер оркестрлари учун Муҳаммад Отажоновнинг қатор камер-чолғу асарларининг аҳамияти ҳам нуфузlidir. Эътироф этиш жоиз, сўнги йилларда кичик таркибдаги камер ансамблларининг кўпроқ истеъмолга кириши ва уларга бўлган замондош композиторларнинг ижоди кўлами тобора ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Боиси, кичик камер ансамблларининг ихчамлиги, камҳаражатлилиги ва шу билан бирга моҳир созандаларни саралаш имконияти мавжудлиги – замонавий жараёнда уларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Композиторнинг мазкур соҳада илк бор қалам тебратган даври 1984-85 йиллардан бошланади. Бу скрипка ва фортепиано учун «Токката», скрипка ва альт учун «Элегия», скрипка ва фортепиано учун «Соғинч», кларнет ва фортепиано учун Хоразм куйлари асосидаги туркум асарларидир. Композиторнинг бошданоқ турли ғояларга мурожаат қилганлигини, шунингдек турли ансамбль гуруҳларини ўзлаштиришга интилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Шунингдек халқ чолғулари ансамблига атаб най ва фортепиано учун «Хоразм поэмаси», най ва фортепиано учун «Аралаш», уд, қонун ва зарбли чолғулар учун «Йўл» каби ансамбль асарлари ҳам алоҳида меҳр билан бунёд этилгани сезилиб туради.

Санаб ўтилган асарлар ичида «Йўл» Муҳаммад Отажоновнинг ўзига хос тарзда миллий мусиқамизни намоён этувчи асар сифатида ажралиб туради. Композитор мазкур асарни «Регистон» гуруҳи учун махсус яратган. Қадимий ҳисобланувчи ушбу таркибдаги чолғулар ўзаро ажойиб ва мутаносиб ансамблни ташкил этган.

Ижодкор мазкур асар орқали тингловчини яна ўзининг фалсафий оламига олиб киради. «Йўл» деб номланишининг заминида инсон умрининг рамзий маънодаги йўли назарда тутилади. Мусиқа салобатли, ўйчан характерда бўлиб, изчил давом этувчи доира зарблари билан унга жўр бўлади. Доира

зарбларининг бир хилдаги ритмик фигурада ижро этиб туриши, умр йўлида давом этувчи бир маромдаги вақтни ифодалайди. Шу билан бирга ушбу зарблар асарни яхлит шаклини ҳосил қилишда ҳам жуда муҳим вазифани бажарган.

Уд чолғусининг «Каденция» билан бошланувчи ижроси узоқ ўтмиш садоларини Эслатувчи оҳанглар билан йўғрилган. Композитор чолғуларнинг техник ижровий имкониятларини намойиш этишни ушбу асарда мақсад қилмаган, аксинча унда ғоявий мазмун асосий планга чиқарилади. Вазмин темпда ижро этилувчи миллий оҳанглар узоқ тарихга эга бўлган Ватанимизни, буюк аждодларимиз жасоратларини, маънавий меросимизни улуғлайди.

Композитор кўҳна чолғулар уд ва қонунларда замонавий ижро техникаси санъатини синтезлаштиради. Шунингдек «каденция»лар орқали ижрочиларнинг индивидуал импровизацион маҳоратини намойиш этиши учун кенг имконият яратади.

Кейинги йилларда яратилган мазкур жанрдаги янада самаралироқ, техник тарафлама мураккаброқ асарлари ичида виолончель ва камер оркестри учун «Баллада», виолончель ва фортепиано учун «Чоргоҳ», скрипка, виолончель ва фортепиано учун «Олтин дарвоза» триоси, виолончель ва фортепиано учун «Соната», саксофон тенор ва фортепиано учун «Учрашув» асарларини айтиб ўтиш мумкин. Сўнги йиллардаги камер-чолғу асарларида виолончель чолғусига алоҳида катта аҳамият берганлигини яққол кўриш мумкин. У асар мазмунидан келиб чиқиб турли ижровий бой имкониятларини намойиш қилади.

Тингловчиларда алоҳида ёрқин таассурот қолдирган асарларидан бири виолончель, скрипка ва фортепиано учун «**Олтин дарвоза**» (2010 йил) триоси бўлди. Маҳоратли пианиночи Заҳро Муҳаммадҷонова ижро услубига мослаб яратилган бу янги асар унга бағишланган.

Трио кучли тасвирий аҳамиятга эга бўлиб, эртак қаҳрамонларини характерини очиб берувчи манзаравий мусиқага бойдир. Композиторнинг изоҳига кўра асар аниқ бир эртак воқеаси асосида бўлмасда, мусиқий мазмуни афсона эртак характерида яратилган. Масалан номланишининг ўзиданоқ «Олтин дарвоза» ва уни тасвирловчи восита сифатида

қуйи регистрдаги кластерлар оғир дарвозанинг очилишини ифодалайди.

Бир нечта эртақ афсонавий мазмунда яратилган асарлари учун Отажонов ўзининг маънавий устози деб билган машҳур рус композитори Римский-Корсаковнинг қолдирган ижодий мероси алоҳида аҳамиятга эгадир. Римский-Корсаков сингари Отажонов бутун вужуди билан эртақлар оламига берилиб кетмаган бўлсада, у буюк рус композитори каби товушлар рассоми эканлигини эътироф этиш мумкин. Тоналликларни ранглар орқали идрок эта олиш каби камёб қобилияти, асосан оптимистик руҳдаги, қуёш нурлари каби ёруғ гармоник воситалардан фойдаланиши билан Римский-Корсаков ижодига қиёсловчи жиҳатларни келтириш мумкин.

Римский-Корсаковнинг «Садко» операсини қайта-қайта тинглаб унинг муסיқасидан илҳом олган Муҳаммад Отажонов ўзининг «Олтин Дарвоза» триосини яратилишида мазкур асар унга бевосита туртки бўлган.<sup>8</sup> Аслида унинг операси билан ҳеч қандай триода солиштиришга асос бўлувчи жиҳатлар бўлмасада, камер асар яратиш ғоясининг пайдо бўлишига ана шу ажойиб опера муסיқаси сабаб бўлганлиги маълум.

«Олтин дарвоза» триоси ижодкорнинг ўзбек халқ ижодиётидаги мерос анъаналарни замонавий композиторлик техникасининг эришилган ютуқлари билан боғлаш йўлидаги изланишларининг самарали ечимларидан бири бўлди.

Асарда икки асосий образ намоён бўлган: бири фалсафий драматик, яна бири эмоционал рақсона характердаги образлардир. Ўзгарувчан контраст муסיқа асарни турфа динамика, темп, турли кайфият билан бойитади.

Муаллиф асарни 3 қисмли мураккаб шакл қонуниятлари асосида ёзган бўлиб, импровизацион ривожлов тамойилларидан кенг фойдаланган. Композиторнинг ғояси асосида ҳашаматли саройга кирувчи олтин дарвоза ва уни қўриқловчи илон асарнинг асосий қаҳрамонлари ҳисобланади. Бу образлар айниқса кириш қисмида яққол ифодаланади. Дарвозанинг очилиши кластер воситаси билан, илон образи эса тез ҳаракатланувчи илонизисифат фортепиано фактураси билан тасвирланган.

---

<sup>8</sup> Бу ҳақда композитор оғзаки суҳбатларида айтиб ўтган.

**Moderato rubato**

VIOLINO

CHELLO

PIANO

*p*

*f*

*p*

3

8<sup>va</sup>.....1

8<sup>va</sup>.....1

8<sup>va</sup>.....1

Асосий куй мавзуси виолончель партиясидан бошланиб, ярим тактдан сўнг скрипка каноник тарзда вазмин оҳангда ижро этади. биринчи қисмда фортепиано синкопали секундалари билан аккомпонемент вазифасини бажариб туради. Бу фонда эса икки торли чолғулар ўзаро мусобақаси кўплаб хроматик товушлар билан бойитилиб, виртуоз пассажлар билан ифодаланади.

ўрта қисм асарда энгкенг ёритилган бўлиб, унда фортепиано ҳаракати анча фаоллашади. Мазкур қисмда мусиқа коопозитор сўзларига кўра илон рақси ҳаракатларини тасвирлайди. фортепианонинг фигурациялари юқоридаги эркин ривожланувчи соло партиялари учун гармоник асос, авжларга тайёрловчи восита сифатида муҳим роль бажаради. Торлилар куйи энг авж нуқтага етгач, улар фортепиано билан ўз ўрнини алмашадилар, яъни асосий куй мавзуси фортепиано партиясига берилади. Фактура тарафлама зичлаштириб, асарнинг энг кульминацион нуқталарига етказилади.

Кенг диапазонда тез темпда ижро этилувчи уччала мустақил партия садолари 3-қисмда буткул янги кайфиятни ифодалайди. Мазкур қисмда товушларнинг динамик сифатлари, ритмик асос, диапазон кўлами, янги тоналликка ўтиш ва бошқа воситалар мусиқада кескин контраст бўлган характерни кўрсатади.

Чўзимли аккорлардан сўнг вазмин суръатда куй навбати виолончель садолари билан боғланади. Олти тактли кириш қисмидан сўнг скрипка яққал овоз сифатида Фарғона-Тошкент мақомларидаги Ушшоқ мақомидан ижро эта бошлайди. Бошқа қисмлардан фарқли ўлароқ, мазкур қисмда миллийлик хусусиятларини ёрқин тасвирлаш мақсадида композиторевропа чолғуларида мақом ашулаларимиздан бўлган машҳур оҳангларни киритишга масъулият билан жазм этди. Бунда скрипка инсон овозини, виолончель сато тембр бўёқларини ва фортепиано доира усулларини ижро этади.

The image displays two systems of musical notation for a string quartet. The first system consists of four staves: a violin staff (treble clef), a viola staff (alto clef), and two cello/bass staves (bass clef). The second system continues the same four parts. The music includes dynamics such as *p* (piano) and *arco* (arco). The notation shows a variety of rhythmic figures, including eighth and sixteenth notes, and chordal structures.

Ўзига хос ансамбль композицияси бир тарафдан қисмлар аро ёрқин контрастликни ҳосил қилса, муסיқий мазмун тарафлама ушбу контрастлар узвий драматургияни таъминлаб беради. Авж пардалари эса фактура тарафлама имконияти кенг бўлган фортепианога топширилади. Миллий куйларимиздаги энг жозибали нола ва қочиримларни аниқ тасвирлаш учун торли чолғуларда ижро этилувчи қатор безаклардан форшлаг, мордент, триоллар, глиссандолардан кенг фойдаланган. Бу безакларни айниқса, ушбу қисм сўнгидаги торлиларнинг соло ижросида кузатиш мумкин.



I

The image shows two systems of musical notation. The first system consists of a grand staff with a bass clef on the left and a treble clef on the right. The bass line contains a sequence of notes with the following markings: 'Ad libitum', a sixteenth-note triplet marked '6', and a glissando marked 'gliss.'. The treble line is mostly empty with some rests. The second system also consists of a grand staff. The bass line contains a triplet of eighth notes marked '3', followed by a pizzicato section marked 'pizz.', and then an arco section marked 'arco'. The treble line is again mostly empty with rests.

Асар мазмунига хотима ясовчи кода қисми жуда шўх, рақсона оҳангларда, метро-ритмик тарафлама бироз мураккаброқ тусда жаранглайди. Якуний қисм кўпроқ Хоразм халқининг шўх рақсларини эслатади.

Композитор асарнинг яхлит мазмунини сақлаган ҳолда, узвий ривожлов жараёнида биргина асар мазмунига турли хил жанр хусусиятларини сингдира олган. Бир-бирига контраст бўлган рақс оҳанглари, лирик куйлар ва мақом ашула жанрлари усталик билан боғланган.

Муҳаммад Отажонов Хоразмнинг муносиб фарзанди сифатида кўплаб асарларида бу юртнинг бой миллий оҳанглари тараннум этгани хусусида юқорида кўплаб таърифлар берилган эди. Бу аъъана ўз навбатида камер-чолғу асарларини ҳам четлаб ўтмади.

Виолончель ва фортепиано учун **Соната** жанрида яратилган асари ижодий тажриба жараёнида сайқал топган қалами билан яқинда битилган етук асарлари сирасига киради.

Мураккаб шеърӣ-мусиқӣ мажмуа муштараклигидан таралган Хоразмнинг бетакрор маънавий хазинаси бўлмиш суворий айтимларидан она сувора ёки тож сувора сонатанинг кириш қисмидаёқ фортепиано партиясида жаранглайди.

**Maestoso**

«Суворийларни басталаш мураккаб масала – дейди таниқли суворий ижрочиларидан бўлган Озод Иброҳимов – бунинг учун суворийлар анъанасини ўзлаштириб, узоқ йиллар кузатиш ва уларнинг ички имкониятларини тўлиқ билмагунча, бу мўътабар асарга қўл уриб бўлмайди»<sup>9</sup> – дейди ўз фикрини давом эттириб. Аммо бу фикрларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, суворийлар, мақомлар мусиқасидан парчаларни Европа мусиқӣ шакллариغا киритиш миллий тафаккурни чуқурроқ шакллантириш йўлидаги ижобий интилишдир.

Европа ва Шарқнинг мерос манбаларидан унумли фойдаланиб, табиий уйғунликка эришишни мақсад қилган композитор ушбу асарида ҳам соната жанри имкониятлари орқали кескин контраст характерли образларни кўрсатишга ҳаракат қилган. Ушбу асарда композитор соната шаклидаги барча ички тузилиш хусусиятларини бузмаган ҳолда талқин этган.

Асар аввало самимий ва дилкаш интонациялари билан тингловчини ўзига тортади. Унда улғворлик, тантанаворлик, баъзида нафис лирик ва ниҳоят тез суръатдаги шўх кайфият бутун асарнинг бой ички хусусиятларини намоён этади:

<sup>9</sup> Иброҳимов И. Саҳиҳ суворийлар. Т-2004 5-б.

1-қисм – *Maestoso* , 2-қисм – *Moderato con anima* ва 3-қисм – *Allegro*. Соната ўз жанр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қисмлар ва мавзулараро кескин контраст образларга бойдир. Аммо яхлит асар сифатида, бир қисмдан бошқа қисмга силлиқ ўтишда қўшиқсимон куйчан мавзулар боғловчи вазифасини бажаради. Асарнинг умумий драматургиясини таъминлашда мазкур шакл жуда қулай бўлган.

Экспозиция асосий мавзуларининг интонацион таркиби бир-бирига ўхшамайдиган ўзбекона миллий хусусиятларга эга. Бош партия (до миксолидий)мавзуси турли миллий безаклари билан бойитилган.

The image displays a musical score for Violoncello and Piano. It is divided into two systems. The first system shows the initial measures, with the Violoncello part in the upper staff and the Piano part in the lower staff. The Piano part includes triplets and chords. The second system continues the piece, with a fermata over a note in the Violoncello part and further development in the Piano part.

Ёндош партия мавзуси бироз шахдамроқ, сакрама интонацион харакатлари билан виолончель ижрочисидан жиддий тайёргарликни талаб этади.

The image displays two systems of musical notation for a string quartet. Each system contains four staves: two for the violins and two for the violas/cellos. The notation includes notes, rests, and dynamic markings such as *f* and *z*. The first system shows the initial measures, while the second system continues the piece with similar musical structures.

Икки бош партия ҳам бир-бирини тўлдирувчи мазмундаги табиий воситаларга эга. Уларда бошқа-бошқа метро-ритм, яъни 3/4 ва 5/8 дан фойдаланган. Лирик оҳангда куйлаган виолончель қайта ишлаш қисмида динамик, мавзувий, фактура жиҳатдан янгиланган ҳолда бошқа кайфиятга кўчади.

Бош мавзуларнинг кенг намоиш этилгани, ҳамда ундан олдин келувчи каденция қисми ҳисобига реприза бироз қисқартирилган. Репризадан аввал каденция виолончель чолғуси учун чиройли импровизация қилиш имкониятини яратади.

Сонатанинг биринчи қисми ансамбль ижрочиларидан контраст характерларни ижро этишда тезда ўша кайфиятга кўчишни, ҳамда ўзгарувчан метро-ритм хусусиятларига (3/4, 5/8, 6/8) бир зумда мослашиб табиий ва ифодали талқин этишни талаб этади.

Иккинчи қисм *D-dur* тоналлигида ўзига хос чуқур лирик, ўзгача жозибали музикавий хислатлари билан асардан алоҳида ўрин олган. Бу ерда ижодкор виолончель чолғусини сабога ўшдатма сифатида миллий тембр воситаларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Мазкур қисм *Moderato con anima* суръатида эркин импровизацион шаклда берилган.

Виолончель созининг лирик қўшиғини мазмунан тўлдиришда фортепиано партиясининг вертикал тузимли бой гармониялари муҳим вазифани бажаради.



Сонатанинг учинчи қисми Allegro суръатида бутун асарга хотима ясовчи жўшқин, завқли ва тантанавор руҳдаги, ҳар иккала чолғунинг тенг аҳамиятини ҳақиқий ансамблини тартаннум этувчи қисмдир. Асарнинг аввалги қисмларида мусиқа мазмуни миллий маданиятимизнинг тарихий босқичларини эслатувчи оҳанглар билан безатилган бўлса, учинчи қисм Ватанимизнинг бугунги кундаги шиддат билан ривожланаётган янги ҳаёт манзараларини мусиқада замонавий композиторлик техникасининг бой унсурларидан фойдаланиб композитор байрамона кайфиятда баралла мадҳ этади.

Мазкур қисмда ҳар иккала ансамбль иштирокчилари учун ҳам кўплаб машқлар ила ўзлаштирилувчи мураккаб техник пассажлар, сакрама ҳаракатлар виолончель учун бирмунча ноанъанавийроқ бўлган узун арпеджио ҳаракатлари, фортепианода эса ундецимагача бўлган жуда кенг диапазондаги септаккорд ва нонакордларни ижро этиш талаб этилади. Булардан ташқари кескин динамик ўзгаришлар ҳам ижрочилардан алоҳида зийракликни талаб этади.





Эътиборли тарафларидан яна бири фортепианода мудом такрорланувчи пунктир ритм, ҳамда виолончелнинг пиццикато ижро услублари ва бошқа мусикий ифода воситалари билан джазга хос бўлган элементларни пайқаш мумкин.



Барча Европача тафаккур ила юзага келган воситалар, яъни терциялар бўйича тузилган аккордлар, джаз элементлари мусиқага ёрқин эффект бахш этиб, булар жўрлигида виолончель асосий мавзуси негизида «ми дорий» ладида миллий ўзбекона оҳангларимиз яққол эшитилиб туради. Бу икки хил хусусиятлар муаллиф томонидан усталик билан уйғун ҳолатга келтирилган.

Камер чолғу ансамбли жанрида яратилган асарлари ичида энг кўп ижро этилувчиларидан бири «**Тошкент оқшоми**» деб номланади. Асар мусиқаси замонавий эстрада йўналишидаги ёдда қоларли чиройли куй-оҳангларга бойлиги билан кўплаб ижрочиларни ўзига жалб этган.

«Тошкент оқшоми» мусиқаси гўзал образли ифода воситаларига эгаллиги, уни кўпроқ кинофильм учун яратилган мусиқаларга яқинлаштиради. Унинг нафақат тингловчи мухлислари, балки ижрочи-мухлисларининг кўплиги боис асар тур-

ли таркибдаги ансамбль ва оркестрларга мослаштирилган. Аввало у икки фортепиано учун дуэт, кейинчалик фортепиано ва камер оркестр учун ва айниқса, саксофон ва джаз оркестри учун мослаштирилган варианты муваффақиятли бўлди. Асарнинг ўзига хос ижровий хусусиятларини баён этишда Баҳодир Муртазаев композиторнинг қўллаган шарқона ритмик усулларига алоҳида эътибор қаратади.<sup>10</sup>

Дарҳақиқат асарга миллий руҳ бахш этишда мелодик ўзига хослик билан бирга метро-ритм ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Айни шу хусусиятлар мазкур асарни жаз элементлари билан боғлашга асосий восита бўлди.

M. Otojonov

**Moderato - espressivo**

Trumbet in B

Piano

5

### «ДИАГЛЕССА»

Муסיқа – сўз ва сахна ҳаракати билан уйғунлашса, унинг таъсирчан кучи инсонлар қалбига тезроқ етиб бориши табиийдир. Опера, муסיқали драма, оперетта жанрлари каби муסיқий жанрларда ижод қилувчи композиторлар ана шу санъат турларини қай даражада мутаносиб уйғунлаштира олишига кўра, асарнинг муваффақияти белгиланади.

<sup>10</sup> Муртазаев Б.М. Консерватория талабалари учун педагогик амалиёт ва ижрочилик маҳоратидан ўқув қўлланма. Т – 2005. 28-б

Аслида мақсад фақат инсонларни чиройли мусиқа ва бошқа санъатлар билан тўйдиришдан ташқари, ана шу кучли воқитлар орқали инсон тафаккурини ўстириш, уни эзгуликлар сари етаклашдан ҳам иборатдир.

Ўзбек композиторлари бугунги тезкор тараққиёт даврида тингловчиларни доимий, зерикарли бўлиб қолган анъанавий шакл ва жанрлардан четлашиб, янги ижодий изланишлар олиб бормоқдалар. Улар ҳозирда мураккаб бўлиб қолган инсонлар эътиборини жалб этиш муаммоси билан жиддий шуғулланиш баробарида кўп ҳолларда ажойиб натижаларга эришиб келмоқдалар.

XX-асрга келиб композиторлар турфа янги жанрлар, янги шаклларда ижод қилмоқдалар. Бу катта ютуқ албатта. Қуйида батафсил ёритиш мақсадимиз бўлган М.Отажоновнинг «Диалесса» деб номланган янги асари композиторлик ижодида яна бир янги жанрни, яъни катталар учун фалсафий эртак жанрини илк бор тақдим этди. У болалар учун ёзилган саҳнавий эртак асарлари ичида бетакрор, чуқур фалсафий мазмундаги, замон талабига мос асар сифатида вужудга келди.

Композитор, ижрочи ва тингловчи учлиги ягона организм бўлиши, уларнинг барчаси бир ғоя учун хизмат қилиши одатда асарга чинакам муваффақият келтиради деб айтишларини кўп эшитамиз. Бу асарда ажойиб сюжетнинг илк намоёндаси Тўлқин Нурмуҳаммад бўлиб, профессор Феруза Абдураҳимова уни мусиқий асарга айлантириш ғоясини олдинга ташлайди. Эртак қаҳрамонларига аниқ мусиқий қиёфа бахш этиб, тасаввурдаги мусиқани жонлантирган композитор М.Отажонов ва асарни қойилмақом ижрочилари «Сугдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестрининг умумий интилишлари асосида ажойиб эртак асар бунёдга келди.

Шу ўринда «Сугдиёна» оркестри ва М.Отажоновларнинг ўзаро ижодий ҳамкорликлари ва унинг натижалари ҳақида айтиб ўтиш ўринлидир.

Оркестр ва М.Отажонов ҳамкорлиги икки хил йўналишда олиб борилади. Биринчиси композитор ўзи муаллиф сифатида «Сугдиёна» учун ёзган асарларининг ижроси ва иккинчиси турли халқларнинг асарларини эшитиб, «Сугдиёна» оркестрига мослаштириб, ўзи нотага солиб ва уни чолғулашти-



ришдир. Бу вазифаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир-биридан мураккаб ва масъулиятли ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш ҳақида сўз борса, композиторнинг оркестр ижросидаги «Унутилмас оҳанглар» деб номланган йирик лойиҳасини мисол қилиб айтиш мумкин. 2009 йилдаги оркестр фаолиятида «Унутилмас оҳанглар» концерти катта дабдабали тадбир бўлди десак муболаға бўлмайди. Концерт дастуридаги барча асарлар халқ орасида кенг машҳурликни қозонган олтин фонддаги кинофильмлар мусиқаларидан таркиб топган эди. Бу машҳур куйларнинг кўпларини ноталари ҳам йўқолиб кетган бўлсада, уларни қайта тиклаш мақсад қилинган эди. Бу жуда масъулиятли вазифани бажариш сир эмаски, ҳамма композиторларнинг ҳам кўлидан келавермайди.

Лойиҳанинг ташаббускори Ф.Абдурахимова М.Отажоновнинг ўта нозик ички сезгиси, мутлоқ эшитиш қобилиятига эга бўлганлигини назарда тутиб унга мурожаат қилади. ҳақиқатдан ҳам ноталаштирилган асарлар халқ чолғуларида ижро этилган бўлсада, асл кўринишларидан деярли фарқ қилмаганлигига гувоҳ бўламыз.

М.Отажоновнинг композиторлик ижодидаги «Сугдиёна» оркестри билан илк ҳамкорлиги «Чанг ва халқ чолғулари учун концерти»нинг ижросидан бошланди. Асарнинг муваффақиятли намойиши эса уларнинг ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

ҳамкорликнинг яна бир муваффақиятли ижроси «Диалог» асарининг намойиши бўлди. Ушбу асарнинг илк намойиши консерваториянинг катта залида 2009йил 5 октябрда оқишлар билан қабул қилинди. Муаллифнинг сўзларига асосан эртақ кенг оммага машҳур бўлиб, у 15 та тилга таржима қилинган.

Т.Нурмуҳаммаднинг фалсафий эртагини ўқиганимизда бизни қуршаб турган табиатга, атрофдаги инсонларга нисбатан фақат яхшиликлар тилаш ҳиссиётлари беихтиёр вужудимизни қуршаб олади. Инсон ҳаёти ва табиатнинг ягона олам эканини, унинг қонуниятларини бузмасликни, шу қисқа умримиз мобайнида эзгу ишларни бажариб қолишга улгуришимиз зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтади.

Эртақ мусиқасининг ёрқин бўёқдор ифода воситалари, тембр бўёқлари ҳикояни янада жонлантирди. Мусиқанинг

тасвирий композицион тили асар қаҳрамонлари ва табиат образларининг ички ҳиссий ҳолатларини ёрқин ифодалаб берган.

Ибратормуз ҳаётий масалалар эртақда ўсимликлар тили билан сўзланади. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Эман дарахти, Диаглесса, шахзода ва воқеани ҳикоя қилувчи йўловчи образларидир.

Эман дарахти – бу донолик, улуғворлик тимсоли бўлиб, унинг монологи афғон рубоби, дутор баслар ижросида йўғон тембрларда ифодаланади. Эман дарахтининг лейтмавзуси сифатида Хоразм мақомидан «Сегоҳ» ижро этилади.

Диаглесса асардаги марказий образ бўлиб, у орқали соф муҳаббат, гўзаллик, садоқат ва асар якунида қурбонлик тимсоллари ифода этилади. Унинг лейтмавзуси найда майин, лирик ва бироз маъюс оҳангларда ижро этилади. Эртақ одатдагидек яхшилик билан эмас, ачинарли бир мазмунда яқунланади. Диаглесса шахзода билан бир лаҳзалик учрашуви учун ўз ҳаётини қурбон қилади.

1. Муқаддима. Чанг ва прима рубобларнинг пастроқ динамикадаги пиццикатодаги арпеджиоли ҳаракати гижжакларнинг асосий куйига кириш қисм ясаб беради. Мажор тоналлигидаги хроматизмга бой тўлқинсимон триоллар ҳаракати гўё эртақларнинг сирли оламини ифодалагандек таассурот қолдиради (муסיқий мисол кейинги бетда).

Камонли чолғуларда бошланган оҳангларга прима ҳамда қашқар рубоблари қўшиладилар, кейинчалик авж нуқтада дамли чолғулар, най, қўшналар давом эттирадилар. Куй аста-секин ривожланиб, умумий эртақ кайфиятини очиб берувчи муқаддима қисми орқали тингловчилар эртақ оламига олиб кирилади. Муқаддима қисмида ёшликнинг орзу умидларга бой, пок муҳаббат каби инсониятнинг юксак ҳиссиётлари ифодаланади.

2. Эртақ. Вазмин темпдаги эртақ пьесаси якканавоз қўшна ҳониши билан бошланади. Қуйидаги камайтирилган квинтали интерваллар эртақ образига шарқона бўёқ таратиб туради. Най, прима рубоб, гижжаклар ва контрабас партияларида куй ривожлантирилади. Ўрта қисм пастки регистрларда ижро этувчи чолғулар, яъни афғон рубоби, қашқар рубоб, дутор бас, гижжак бас ва контрабас чолғуларида ёрқин Н-dur





3. Ирмоқ. Allegro темпидаги найнинг куй ҳаракати ирмоқлардан жилдираб оқаётган сувни тасвирлайди. Кейинчалик чанг, қонун, прима рубоблар унга жўр бўлади. Эртақдаги табиат, сувларнинг тасвирий оҳанглари оғушида тингловчи беихтиёр воқеа тубига кириб кетади. Композиторнинг импрессионистик маҳорати эртақ пьесанинг ёзилишида ўзининг кенг имкониятларини намоён этган. Ушбу қисмда композитор зарбли чолғулардан унумли фойдаланади. Бу эса ўзига хос тантанавор характери ифодалашга қўл келган.

### № 3. Ирмоқ / Ручей

**Allegro**

Най пик.  
Нау пикс.

Най  
Нау

*p* *p*

4. Булоқ ва одам ўйини. Мизробли чолғуларнинг пиццикато садолари қувноқ рақс характерида бўлиб, рақс ўзбек миллий бўёқлар билан безатилган. Чертиб чалинаётган оҳангларга бироздан сўнг гижжаклар жўр бўла бошлайди. Жонли темпдаги шўх куйни гоҳ торлилар, гоҳ чертма чолғулар бирин-кетин савол-жавоб тарзида гўё булоқ ва йўловчининг ўзаро сўзлашувини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Уч ҳиссали ўлчов вальс характери ифодалайди.



5. Эман дарахти монологи. (Adajjo) Эртақнинг асосий қаҳрамонларидан бири бу салобатли, кўркем эман дарахти бўлиб, унинг образи мусиқада пастки регистрларда ижро этиладиган кашқар рубоб, афгон рубоб, дутор бас, гижжак бас, гижжак контрабас чолғуларида характерга монанд ижро этилади. Ушбу пьесанинг асосий мавзуси «Сегоҳ» куйи бўлиб, туркумдаги энг гўзал оҳангларни ифода этувчи алоҳида қисмни ташкил этади. Эртақ-туркум мусиқадаги оптимистик руҳ, ёшлик, гўзаллик, муҳаббат мавзуларидан фарқли ўлароқ, эман образи унга контраст равишда кексалик, ёлғизлик тушкунлик каби кайфиятда ифодаланади. Мусиқа унинг ғамгин ҳикоясига жўр бўлган ҳолда давом этади. Қадимий «Сегоҳ» мавзуси кульминацион нуқталарда бир нечта чолғуларнинг форте динамикасида унисон бўлиб жаранглаши, табиат ва ундаги барча жонзотларнинг бир-бирига уйғун ҳолда яшашини тасвирлайди. Эман дарахти монологи мусиқа жўрлигида ҳикоя қилинар экан, жозибали оҳанглар тингловчилар қалбида беихтиёр эзгулик ва саҳоват нурларини сочади.

The musical score is arranged in six staves. The top three staves are for Rubob: Prima (treble clef), Kashkar (treble clef), and Afyon (treble clef). The bottom three staves are for Dutor: Prima (treble clef), Tenor (treble clef), and Bass (bass clef). The score is in a key with two flats (B-flat and E-flat) and a common time signature. The first two measures show the instruments playing a melodic line with a long note in the final measure of the second measure. The third measure begins with a vocal entry marked *p* (piano) and continues with instrumental accompaniment marked *mp* (mezzo-piano). The vocal line consists of a series of notes, while the instruments provide a rhythmic and harmonic accompaniment.



6. Баҳор (Allegro) –бу туркумдаги энг ёрқин, ҳаяжонли, шиддатли пьеса бўлиб, айнан шу номер мусиқий нуқтаи назардан асар кульминациясини ташкил қилади. Нафис баҳор фаслининг гўзал қушлари сайраши, сувларнинг жилдираб оқиши, майин шаббода эсиши, баъзида эса момақалдироқларнинг гумбурлаши, шаррос ёмғир ёғиши каби табиатнинг ўзгарувчан кайфияти айнан ана шу шовқинларни мусиқий тасвирлаб беради.

Қушларнинг сайраши доимгидек най партиясида треллар билан, шамол эсиши қонундаги глиссандо, табиатнинг уйғониши гижжакларнинг майин, ингичка товушлари чанг ва қонундаги пиццикато, момақалдироқ гумбурлаши литавралар орқали моҳирона акс эттирилади. Шиддат билан ёлган ёмғир секин-аста тиниб қуёш нурлари туша бошлайди.

Асарда бутун оркестр фаол иштирок этиши, динамик ўсиши, фактура тарафлама зичлашиш воситаси орқали мавзу кенг ривожлантирилади ва кульминацияга олиб келади.



## № 6. Баҳор / Весна

34 Allegro

Най  
Nay

Кӯшнай  
Qo'shnay

Чанг  
Chang

Қонун  
Qonun

Прима руб  
Prima rub

### 7. Диаглесса.

Шиддатли ёмғир, шамоллар тингач ўсимликлар бош кўта-ра бошлайдилар. Улар орасида узоқ-узоқлардан учиб келган Диаглесса исмли гул уруғи аста униб чиқади.

Ўта нафис, гўзал муסיқа садоси, яъни най асарнинг қаҳрамони Диаглесса гулининг лейтмотивини ижро этади.

Умуман асар давомида композитор най чолғусининг бой имкониятларидан кенг фойдаланган. Жумладан, Диаглесса образи учун ҳам у жуда мос келган. Асар мазмунини очиб беришдаги найнинг алоҳида ўрни, унинг мураккаб партиясиданамоён бўлади. У ижрочидан пухта техник тайёргарлик, ҳамда алоҳида маҳорат талаб этади. Соф муҳаббат тимсоли бўлган Диаглесса образи орқали муаллиф бир лаҳзалик висол учун ўз ҳаётини қурбон қилган инсонлар қиёфасини акс эттиришга урунган.

Диаглесса нафақат муҳаббат рамзи, балки тенгсиз гўзаллик тимсолини ҳам ифодалайди.

Минор тоналлигидаги бироз маъюс лейтмотив Диаглессанинг аянчли тақдиридан дарак бериб туради. Юқорига интилувчи чанг ва қонун интонацион оҳанглари ўсиб-унаётган ёш ниҳолни эслатади.

## № 7. Диаглесса

**Moderato con anima**

The musical score is for two instruments: Nay and Qo'shnay. The Nay part is written in a treble clef with a key signature of one sharp (F#) and a common time signature (C). It begins with a *mp* dynamic marking and features several triplet patterns. The Qo'shnay part is written in a bass clef with the same key signature and time signature, starting with a *p* dynamic marking and playing a simple accompaniment.

8. Тонг. Оппоқ тонг шуласи майин шаббода билан аста куёш нурларини сочиб янги кун қаршиланиши мусиқада жуда паст динамикада чанг, прима рубоб, гижжакларнинг тремоло садоси остида, аффон рубоб, дутор бас ва гижжак басларнинг асосий мавзуси билан ифодаланган.

Бу сокинлик бирданига отлар шовқини билан бузилади.

The musical score is for two instruments: Tri and W. Bl. The Tri part is written in a treble clef and consists of a series of rests. The W. Bl. part is written in a bass clef and features a continuous tremolo pattern of eighth notes. The dynamic marking starts at *pp* and includes the instruction *poco a poco cresc.*

9. Отлар шовқини. Бу узоқ кутилган шахзода отларининг товушлари эди. Куй бошланишдан аввал икки такт отлар туёқларининг овозига ўхшатма қилиб қутича урма чолғуси бир маромдаги ритмда ижро эта бошлайди. Сўнгра шу ритмик фигурада чанг, қонун ва бошқа чертма чалинадиган чолғулар шахзода ва отларнинг шиддат билан югуриб келаётган шовқинини ифодалайди. Пьесанинг иккинчи қисми бироз ҳаяжонли, лирик оҳангларда ижро этилади. Бу оҳанг барча оркестр чолғуларида янграб ўтади.

Диаглессанинг шахзодани тезроқ кўришга интилгани, уни сабрсизлик билан кутиши, ҳамда эман дарахтининг ҳавотирли нолиши диалоги ана шундай бироз маънос оҳангларда оркестрда ўз ифодасини топади.

48 Allegro

10. Учрашув. (Moderato)

Секин темпда чанг ва прима рубоб пиццикатоси альтерацияга бой товушлар билан арпеджио оҳанглирида бошланади. Диаглесса гўзаллигига маҳлиё бўлган шахзоданинг образи мусиқада гавдалантирилади. Мусиқа жўрлигида шахзода, Диаглесса ва эман дарахти сўзлашувлари давом этади. Шахзода Диаглессанинг гулларини гулчамбар яшаш учун бирма-бир юлаётган пайтда эман дарахти қалбидаги хайқирик мусиқада динамик тарафлама ривожлантириш орқали кўрсатилади.

До-мажордан бирданига соль-мажор тоналлигига модуляция мусиқага янада ёрқин колорит бериб, Диаглессанинг оптимистик кайфиятини тасвирлайди. Композиторнинг севимли триоллари ёрдамида асосий мавзу ривожлантирилади. Диаглессанинг ҳаёти қурбон бўлганди, аммо шахзода висолига етгани, гулчамбар ясаб уни боши қадар кўтаргани Диаглессани чексиз бахтли қилади. Бу табиат ўсимликлари

тили билан айтилган воқеа тубида инсонларнинг тақдирига ўхшатма фалсафий бир маънода изоҳланиб, мусиқа кўп ҳолларда мунгли воқеаларга ҳам лирик, оптимистик кайфиятда жўр бўлади.

Диаглессанинг ҳаёти сўнгида келтирган охирги монолог сўзларига композитор Диаглессанинг лейтмотивини жўр қилган. Ана шу лейтмотив орқали номер яқунланади.

11. Вақт. Диаглессанинг нобуд бўлиши билан бутун ўрмон, қушлар, ҳашоратлар жим қоладилар. Хатто шамол эсишдан тўхтади. Фақатгина вақт тўхтамайди..., дея эман дарахти монологи яқунлангач, вақт ўтаётганини тасвирловчи урма чолғу бир маромда уриб туради. Бу жимлик, яъни маъноли пауза тингловчиларни ўйга толдиради.

#### 12. Шахзоданинг уйғониши. (Allegro ma non troppo)

Бу қисм бир-бирига контраст бўлган характердаги алоҳида қисмлардан ташкил топади. Шиддатли тусда бошланган мелодик кўринишлар тантанали аккордлар билан яқунланиб 2\2 ўлчовида секин темпда давом этувчи лирик куйга улашиб кетади. Бу куй жуда маъносиз ғамгин нолаларда триоллар ёрдамида ривожлантирилади. Сўнг бутун оркестр унисонда яна қадимги «Сегоҳ» оҳанглари ижро этиладилар. чолғулар билан бирга овозда «ҳанг» ижроси, куйни мақом оҳанглирига янада яқинлаштиради. Бу оҳанглар гўё табиат гўзаллиги қадрининг пой-мол этилгани туфайли унга ҳамдард бўлаётгандек таассурот қолдиради.

3-қисмда эса яна Диаглесса лейтмотиви найда ижро этилади. Диаглессанинг сўлиган гул япроқлари ерга улоқтирилиши ўзининг лейтмотиви жўрлигида ижро этилади.

13. Шабада. Шабаданинг эсиши оркестрда яна тасвирий тарафлама чанг ва қонун чолғуларининг глиссандо ва арпеджиато услубида кўрсатилади. Шу оҳанглар жўрлигида узоқ-узоқлардан келаётган майин товушлар яккаҳон гижжакнингингичка товушларида ижро этилади, кейинчалик унга най жўр бўлади. Секин-аста оркестр фактураси сийраклашиб, асосий эътибор эман дарахтининг қайғули изтиробларига қаратилади. Эман дарахти шоҳлари қаттиқ силкинади ва бир уюм барглар ҳалок бўлган Диаглесса устига тўкилади ва қабрга айланади.

# № 13. Шабда / Ветерок

68 Adagio

Музыкальный фрагмент № 68, Adagio, для ансамбля. Музыка написана в тональности ми-бемоль мажор (B-flat major) и 3/4 такта. Динамика *p* (piano).

Инструменты и партии:

- Най (Nay): Две партии, каждая с нотами *ВШ* (Vish) и динамикой *p*.
- Кушнай (Qo'shnay): Две партии, каждая с нотами *ВШ* (Vish) и динамикой *p*.
- Чанг (Chang): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Котун (Qotun): Партия с нотами, включающими *gliss.* и *stacc.*, и динамикой *p*.
- Прима руб (Prima rub): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Кашкар руб (Qahqar rub): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Афрон руб (Afg'on rub): Партия с нотами и динамикой *p*.
- Дут. прима (Dut. prima): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Дут. альт (Dut. Alt): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Дут. бас (Dut. Bass): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Триangolo: Партия с нотами и динамикой *p*.
- Гижжак I (G'ijjak I): Партия с нотами, включающими триоли (3), и динамикой *p*.
- Гижжак II (G'ijjak II): Партия без нот.
- Гиж. бас (G'ij. Bass): Партия с аккордами и динамикой *p*.
- Г.К. бас (G'.K. Bass): Партия с нотами, включающими *pizz.*, *gliss.* и *stacc.*, и динамикой *p*.

#### 14. Эртақ.(Эпилог)

Бу қисм эртақнинг сўнгги қисми бўлиб, унинг мусиқаси ҳикояга хулоса ясайди. Эпилог қисм 2-қисмнинг такрорий кўриниши бўлиб, унинг босиқ мусиқий оҳанги остида ҳаётий хулоса чиқарилади. Эртақ қуйидаги ибратли жумлалар билан ўз яқинини топади.

«Яхшилик, бахт, эзгулик учун инсонга тафаккур берилган. Яратганнинг ҳузурига пок иймон, виждон билан боришдан Юксакроқ бахт йўқ!...»

### **ЧАНГ ВА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ОРКЕСТРИ УЧУН КОНЦЕРТ-СИМФОНИЯ**

Ёшлиқдан кўз олдида отасининг ижодий фаолиятининг жонли гувоҳи бўлган Муҳаммад Отажонов яратилган асарларни синчковлик билан кузатиб, унинг миллий оҳанглари қулоғига қуйиб борган. Бундан бир неча йил муқаддам чанг чолғуси ва симфоник оркестр учун 3 қисмли концерт Абдушариф Отажонов томонидан яратилиб, бир қатор моҳир ижрочиларнинг репертуарларини безатиб келган.

1988 йилда эса отамерос ижоднинг давоми мазмунида Муҳаммад Отажоновнинг чанг ва халқ чолғулари учун концерт-симфонияси бағоят нафис ва мафтункор асар сифатида юзага келди. У нафақат чангчи ижрочилар ичида оммалашган, балки бошқа халқ чолғулари ижрочилари ҳам ўзлари учун мослаб олиб шахсий репертуарларига киритиб олганлар.

Ёқимли садоланувчи бу кенг имкониятли чанг чолғуси репертуарида кўплаб композиторларнинг асарлари мавжуд, албатта. М.Тожиевнинг 8 та рапсодиялари, С.Бобоевнинг «Концертино скерцо»си, А.Отажонов, Н.ғиёсов, А.Мансуров ва бошқа композиторларнинг концертлари ҳам ҳар бирлари такрорланмас жозибакор асарларни ҳосил қиладилар.

М.Отажоновнинг мазкур асари ўзбек миллий чолғучилик санъатининг олтин хазинасидан ўрин олган десак ҳеч муболаға бўлмас. Шу билан бирга унинг мусиқий тили ва услуби жиҳатдан композиторнинг ўзига хос ижодий қиёфасини очиб берувчи ёрқин намуна сифатида гавдаланади. Ҳозирда ушбу асар конкурсларда шартли йирик асар сифатида ижро этилмоқда.

Мазкур асарнинг илк ижроси<sup>11</sup> муваффақияти ила 1991 йил Муҳаммад Отажоновни композиторлар уюшмасига қабул қиладилар. Яқиндагина ушбу асар ўзининг янги қиёфаси билан нашрдан чиқди.<sup>12</sup> Янги қиёфаси дейишимизга сабаб, концерт нуфузли чанг ижрочиларининг талаб ва таклифларига асосланган ҳолда композитор М.Отажонов томонидан асар майда техник мураккабликлар билан ривожлантирилиб, янада ифодалироқ, мукамалроқ этиб янгидан талқин этилди.

Асар 3 қисмдан иборат бўлиб, анъанавий концерт қоидаларига амал қилади. ҳар бир қисм алоҳида бетакрор оҳанглар ва мазмун-моҳиятга эгадир. Муаллифнинг ҳар бир асарларига хос бўлган дастурийлик ушбу концерт учун ҳам хосдир.

1-қисмда гўзал ўзбек диёри, баланд тоғларию, боғу-бўстонлари тасвирланади. 2- қисмда эса ўтмиш тарихимизнинг бошдан кечирган қийинчиликлари ва уларни мардонавор енгиб, бугунги кунга етиштиргани, 3- қисмда мустақиллик давридаги фаровон ҳаётни, ўзбек миллатининг феъл-атвори, жасорати ифода этилади.

Концертнинг 1-қисми Sonata allegro шаклида бўлиб, ундаги ҳар бир мавзу ёрқин кўтаринки кайфиятда ижро этилади. Асар Tuttiда бутун оркестр ижросида кириш қисми билан очилиб, майин қўшнайд садосига уланиб кетади. Литавраларнинг садоси бош мавзуни тайёрлаб беради, сўнгра якканавоз чанг партияси бош мавзуни дадил темпда оркестр билан гўё савол-жавоб тарзида ижро этади.



<sup>11</sup> Форуқ Содиқов оркестри, якканавоз Т.Собиров ижросида «Баҳор» концерт залида премьераси ижро этилган.

<sup>12</sup> А.Лутфуллаев. Чанг учун концертлар. Т., 2010 йил.

Концертнинг асосий тоналлиги ре-мажор бўлиб, бош мавзу аввал ре мажор кейин соль-мажор ва фа#-мажорларда ўтади ва яна асосий тоналликка қайтади. Шиддат билан ривожлантирилган бош мавзу аста хотиржам кайфиятга ўтиб, кичик боғловчи қисм орқали ёндош партиянинг мусиқий тарафлама бутунлай бошқа кайфиятдаги мусиқа янграй бошлайди. Бу ерда ўзбек мусиқаси учун хос бўлган аралаш метрни учратишимиз мумкин, яъни 3/8 ва 3/4 ўлчови алмашиб туриши остида си-минор тоналлигида вазмин темпда мавзу ижро этилади.

Дардли, мунгли оҳанглар билан йўғрилган бу куй халқ куйларини эслатади. Аммо таъкидлаш лозимки, композиторнинг шахсий куй оҳанглари баъзида халқ куйларидан ажратолмай қолиш ҳам мумкин.

Ёрдамчи партия ижросидан сўнг унга контраст мавзулар билан «қайта ишлаш» қисми бошланади. Унда асосан композитор бош партия мавзусини қайта ишлаб, турли мотив ривожловлари билан оркестр ва солист ўзаро мусобақалашадилар.

Узвий бир нафасда, жонли темпда ижро этилувчи шўхчан мусиқа, ижрочидан жиддий техник тайёргарликни, оркестрни диққат билан эшитиб боришни талаб этади.

Ижрочи ўз маҳоратини эркин намойиш этиши учун соло Cadenza қисми ижрочига ҳоҳлаганича талқин этишга имкон беради. 1-қисмдаги Cadenзадан сўнг одатдагидек реприза қисми бошланади. Унда бош мавзу ўзгариб, янги хотима кайфиятини уйғотувчи мусиқа билан яна ре-мажор тоналлигига қайтиб якунланади.

2-қисм офир вазмин темпдаги мақом оҳанглари эслатувчи куй билан бошланади. Унда доиранинг «бак-бум»га ўхшаш зарблар орқали пастроқ регистрдаги до дорий ладида куйнинг майин садолари якканавоз ижросида янграй бошлайди. Ушбу қисмда композитор мумтоз куй-оҳанглари мизни энг гўзал ифода воситалари билан кенг намоён этади. Мазкур оҳанглар турли штрихларда ижро этилиб, чанг чолғусининг бой имкониятларини намоён этади.





Бир мавзудан бошқасига ўтишда, куйларнинг изчил бир-бирига боғланиб, оркестр ва яқканавознинг бирлашиб ижро этишида композиторнинг профессионал маҳоратини пайқаш мумкин. Концертдаги мавзулар бир-бирига контраст бўлиши билан бирга, улар шунчалик уйғун эшитиладики, композитор айна олтин ўрталиқни топа олиб, асарини юқори поғоналарга олиб чиқишга эришган.

Ҳар бир қисм ўртасида композитор Cadenza қисмини киритган. Бунда профессионал чанг ижрочиси Анвар Лутфуллаев сўзларига эътибор қаратамиз «Чанг сози табиатан нолали эмаслигини инобатга олган ҳолда муаллиф қандай бўлса ҳам, шу созда нола чиқаришга ҳаракат қилган. ўйлайманки бу ҳаракат бежиз бўлмаган»<sup>13</sup> – дея ижрочиликдаги композиторнинг ютуқларини таъкидлайди. Cadenзадан сўнг яна бошдаги таъсирчан оҳанг таралиб, мусиқа қадимий мумтоз наволарни беихтиёр хаёлларга солади.

3-қисм Allegro con grazio. Тез темпдаги ўтли, рақсбоб мусиқа Хоразмдаги шўх рақсларни ёдга солади. Айнан мана шундай кайфият яқканавоз партиясини ёрқин шу билан бирга мураккаб этиб кўрсатади. Асарнинг якуний қисмини яқканавоз ва оркестр ўртасидаги айтишувга қиёслашимиз мумкин. Оркестр ўзининг кенг имкониятларини намоиш қилиш билан яқканавознинг ижросини ҳам қўллаб-қувватлаб туради. Охири қисм репризали мураккаб 3 қисмли шаклда бўлиб, ундаги асосий тоналлик ля-минорда ёзилган. Композитор

<sup>13</sup> А.Лутфуллаев. Чанг учун концертлар. Т.,2010 й. 7-бет

минор тоналлигида моҳирона кўтаринки кайфиятни тасвирлайди. ўрта қисм номдош ля-мажорда бўлиб чекка қисмлар орасида кескин чиройли ранглари билан музиқани янада жонлантиради. Асар кўтаринки руҳда яқунланади.

The image shows a musical score for a piece titled 'Chang' and 'Piano'. The score is written in 2/4 time and consists of three systems. The top system is labeled 'Chang' and the bottom two systems are labeled 'Piano'. The Chang part features a continuous eighth-note melody. The Piano accompaniment consists of chords and rests in the right hand, and chords and eighth notes in the left hand.

Фортепиано учун концертларнинг таҳлили жараёнида композиторнинг юсак даражада профессионал фортепиано ижрочиси эканлиги ва шу боис чолғу имкониятларини ичидан ҳис этиб, ижод қилгани хусусида сўз юритган эдик.

Муҳаммад Отажоновнинг профессионализм нуқтаи назаридан барча талабларга мос келувчи чанг учун концертини ҳам

Абдушариф Отажоновнинг ижод мактаби пойдевори асосига қурилган бетакрор дурдона асар деб изоҳлашимиз мумкин.

Устозидан ўзмаган шогирд ҳақиқий шогирд эмас деган нақлни ҳақиқатга айлантирган М.Отажоновнинг концерти бир нечта моҳир чангчилар ва бошқа тингловчилар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Бунинг исботи тариқасида концертнинг ички хусусиятлари, яъни мусиқий тили, гармонияси, шаклу-шамойили ва бир қатор юқорида келтирилган унсурлари бўлса, бошқа тарафлама унга берилган моҳир ижрочи ва мусиқачиларнинг фикрларини келтириб ўтиш кифоя.

Анвар Лутфуллаев: - «Профессионализм нуқтаи назаридан ёндошиб, чангнинг бой ижро имкониятларини ёрқин намойиш этувчи, мураккаб техник ифода воситаларига бой бўлган гўзал асар яратилди».

Феруза Абдураҳимова: - «Оркестр ва чанг ўртасида бир-бирини қўллаб-қувватловчи гармония вужудга келган. ҳақиқий концерт-симфония! Мен шахсан бу асарни жуда яхши кўраман».

Эргаш Тошматов: - «Муҳаммад Отажоновнинг «Концерт-симфония»си ижрочилик нуқтаи назаридан бугунги кун замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган асар бўлиб яратилибди. Бунга асос сифатида шуни келтиришим мумкинки, чанг мактабининг ижро услубларига хос бўлган ижрочилик санъати мужассамланган. Умуман концерт-симфония ҳозирги даврга мос равишда юқори, халқаро миқёсда ёзилган йирик шаклдаги ижод маҳсулидир».

---

---

## ХУЛОСА

Муҳаммад Отажонов катта ижодий йўлни босиб ўтди. Бу йўл ўзининг бадиий ва ғоявий йўналиши бўйича кўплаб замондош композиторлар ижодий йўли билан кесишади дейиш мумкин. Шу билан бирга, профессионал муסיқа санъатининг сайқаллашуви жараёнида юзага келган шарт-шароитлар композиторнинг ўзига хос индивидуал ижодий қирралари ҳам пайдо бўлди.

Миллий муסיқамизнинг бой ҳазинаси – халқ муסיқаси, мақомот мероси композитор жўшқин ижодий фаолиятининг бош тамойили бўлиб қолди. Жаҳон муסיқа саҳнасида содир бўлаётган янгиликлар ҳам ижодкорни бефарқ қолдирмади.

Ўтган асрнинг буюк устозлари сабоқларига таяниб, бугунда у забардаст композитор даражасига етди. Кўплаб композицион услублар Муҳаммад Отажоновнинг муסיқасидаги бадиий ғояларни ифода этиш учун фақат техник восита бўлди. Ушбу композитор учун ҳар қандай услуб аввало диллардан-дилларга самимий ўтувчи муסיқа учун хизмат қилди. Шу боис ҳам у турли замонавий услуб ва кўплаб композиторлик техникаларни ўзлаштирди.

Композиторнинг кўплаб сара асарлари Олий ва ўрта махсус санъат ўқув юртларида, консерваторияда ижрочилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб ҳамда Халқаро миқёсда ўтказиладиган катта байрам, фестиваллар ҳамда кўрик танловларда баралла ижро этилиб келинмоқда. У яратган куй-қўшиқлар эса нафақат катта саҳналарда, балки телевидение ва радио орқали мунтазам янграмоқда.

Муҳаммад Отажонов муסיқаси моҳир ижрочилар томонидан кўплаб чет эл саҳналарида ҳам ижро этилиб, ўзбек муסיқаси тарғиботига улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда. Турли

жанрларда яратилган асарлари Республикамиздаги қатор ансамбллар, камер оркестр ва катта оркестрлар репертуарининг кўрки бўлиб келмоқда.

Муҳаммад Отажонов бутун ижодий интилишларини Ўзбекистон мусиқа санъати равнақи учун бахшида этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда уни мазкур соҳанинг асосчиларидан бири деган шарафли ном билан аташ мумкин.

Композиторнинг яна бир алоҳида тақсинга сазовор хизматларидан бири – у мохир аранжировкачи сифатида майдонга чиқди. Мавжуд бўлган мусиқий асарларни ўз талқини асосида ижодий ёндашиб, аранжировка қилишга жуда қизиқди. Аксарият ҳолларда бу ютуқли натижаларни тақдим этди.

Муҳаммад Отажоновнинг «Олтин фонд»даги йўқолиб кетишга мойил бўлган кўплаб ноёб куй-қўшиқларни паст сифатли магнит тасмаларидан нотага тушириб олганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Уларни турли таркибдаги оркестр, ансамбллар учун мослаштириб, партитура ҳолига келтирган.

Қатор замондош композиторлардан фарқли ўлароқ Муҳаммад Отажонов ижрочилик ва ижодкорликни тенг олиб борган композиторлар сафига киради. Катта саҳналарда ўз асарларининг илк ижрочиси бўлиш билан биргаликда жаҳон мусиқаси ҳазиналаридан жой олган турли йўналишдаги асарларни ўзининг индивидуал талқини асосида ижро этган мохир пианиночи сифатида ҳам намоён бўлди.

Ҳозирда эса у Франциянинг Париж шаҳрида кўплаб санъат анжуманларида, катта концерт саҳналарида ўз асарлари ҳамда бошқа кўплаб композиторлар асарлари билан ижрочи-пианиночи сифатида ўз истеъдодини намоёиш этмоқда.

Эртанги кун учун улкан орзу-умидлар билан катта режаларни ўз олдига мақсад қилган заминдошимизнинг қандай ёруғ келажак кутиб олиши эса олий ҳакам – вақтга ҳавола...

## АСОСИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ

«Ошиқнома» опера.

«Симфоник мақом». Симфоник оркестр учун 3 қисмли сюита.

### Фортепиано учун:

**Фортепиано ва симфоник оркестр учун концерт №1**  
Фортепиано ва симфоник оркестр учун концерт №2

### Дуэтлар:

«От Эроний»  
«Яхши кайфият»  
«Тошкент оқшоми»  
«Акс»  
«Пикник»  
«Сайр»  
«Янги йил оқшоми»

### Этюдлар:

«Вояж»  
«Иллюзии»  
«Орол»  
«Наврўз»

### Туркум асарлар:

Фортепиано учун Прелюдиялар тўплами  
«Туташиш» фортепиано учун дастурий туркум асар  
«Гулдаста» болалар учун миниатюралар туркуми

### Фортепиано учун пьесалар:

«Изҳор»  
«Қалб»  
«ҳожикент тоғлари»  
«Айланма»

### Халқ чолғулари оркестри учун:

1. Чанг ва ХЧО учун концерт
2. Қашқар рубоб ва ХЧО учун концерт
3. Афғон рубоб ва ХЧО учун концерт
4. «Хоразмча каприччио» ХЧО учун
5. «Гулдаста» «Суғдиёна» камер оркестри учун
6. «Қорақум афсонаси» «Суғдиёна» камер оркестри учун
7. «Фарғона рубойиси» «Суғдиёна» камер оркестри учун

8. «Мавригий» рубоб ва «Сугдиёна» камер оркестри учун
9. «Диалгесса» «Сугдиёна» камер оркестри учун катталар учун саҳнавий мусиқали эртак

Турли халқлар куй-қўшиқлари ва машҳур кинофильмлар мусиқаларини «Сугдиёна» ХЧО учун партитура шаклида қайта ишлаган<sup>14</sup>

### **Камер-чолғу ансамблари**

1. «Токката» скрипка ва фортепиано учун
2. «Элегия» скрипка ва альт учун
3. Кларнет ва фортепиано учун 4 та Хоразмча куй:  
«Норим-норим», «Муҳаббат», «Зумлоқ», «Елпазали»
4. «Хоразм» най ва фортепиано учун
5. «Соғинч» скрипка ва фортепиано учун
6. «Чоргоҳ ва Самарқанд ушшоғидан парча» виолончель ва фортепиано учун
7. «Йўл» «Регистон» камер ансамбли учун
8. «Учрашув» саксофон тенор ва фортепиано учун
9. «Аралаш» най ва фортепиано учун
10. «Манзара» тромбон ва фортепиано учун
11. «Шарқ бозори» фортепиано ва контрабас учун
12. «Баллада» виолончель ва камер оркестри учун
13. «Соната» виолончель ва фортепиано учун
14. «Олтин дарвоза» виолончель, скрипка ва фортепиано учун.

### **Қўшиқ ва романслари**

1. «Ширин хотира» С.Рустам шеъри
2. «Муборак тўй» халқ сўзи
3. «Сиз шу гулни қайси боғдан олдингиз» халқ сўзи
4. «Соғиндим» С.Рустам шеъри
5. «Яшнаган ўлкамга боқ» О.Одилхонов шеъри
6. «Ўйнасин» Н.Нарзуллаев шеъри
7. «Тўй бўлсин» Халқ сўзи
8. «Қарашларинг» О.Эркин шеъри
9. «Мазали», «Юлдузим», «Шундай қўшиқ куйласам»

---

<sup>14</sup> Олтин фонддаги дурдона куй-қўшиқларнинг кўплаб намуналари фақат магнит тасмаларида сақланиб қолган. Уларни М.Отажонов турли таркибдаги оркестрлар учун мослаштириб, партитура ҳолига келтирган.

### «Асролмадим» М.Отажонова шеърлари

10. «Мени тушун» А.Кўчимов шеъри
11. «Қизгина» П.Мўмин шеъри
12. «Оқ олма» П.Мўмин шеъри
13. «Ўзинг ягона» Шукур Қурбон шеъри
14. «Баҳорим келди» Шамсия шеъри
15. «Интилиб яшайман» Т.Ниёзов шеъри
16. «Сетор» Машраб ғазал
17. «Айлаганинг хўб» Машраб ғазали
18. «Келдиму» А.Навоий ғазали
19. «Улфатлашайлик» Муқимий ғазали
20. «Ишқ аро» Камрон шеъри
21. «Баҳор» Ихтиёр Ризо шеъри
22. «Жамолиддин», «Урганчим» О.Матчон шеъри
23. «Айлаганинг хўб» А.Навоий ғазали
24. «Тошкентим» Р.Хўжаев шеъри

### Болалар қўшиқлари

1. «Диёр мадҳи» М.Мирсаидова шеъри
2. «Ўзбекистон» М.Мирсаидова шеъри
3. «Бўш келмаймиз» Қ.Қаршибоев шеъри
4. «Болаларнинг кўзлари» П.Мўмин шеъри
5. «Беозор мусича» М.Отажонова шеъри
6. «Шўх чумчуқ» Қамбар Ота шеъри
7. «Кулишларинг» П.Мўмин шеъри
8. «Полвонман» Қамбар Ота шеъри
9. «Баҳор келди» И.Ризо шеъри
10. «Олтин Водий Фарғона» И.Ризо шеъри

### Русча қўшиқлар

1. «Я и ты» Нурия Усмонова шеъри
2. «Лунный сад» Нурия Усмонова шеъри
3. «Водопад» Нурия Усмонова шеъри
4. «Блики» Нурия Усмонова шеъри
5. «Свеча» Нурия Усмонова шеъри
6. «Белые ночи» Нурия Усмонова шеъри

### Кинофильмлар учун мусиқа

1. «Гуноҳ» бадийи фильми
2. «Дев билан пакана» бадийи фильми



## **МУНДАРИЖА**

Муқаддима .....	3
Отажоновлар сулоласи .....	5
Муҳаммад Отажоновнинг ҳаётий ва ижодий саҳифалари.....	10
Фортепиано ижоди .....	25
Қўшиқ ва романслари .....	60
Камер чолғу ансамбллари .....	73
«Диалгесса» .....	86
Чанг ва халқ чолғулари оркестри учун концерт-симфония...	101
Хулоса .....	107
Асосий асарлар рўйхати .....	109

**Саодат ДЖУРАБЕКОВА**

## **МУҲАММАД ОТАЖОНОВ**

*(Монография)*

Техник муҳаррир *М.Тошпўлатов*  
Рассом *Ш.Каримов*  
Компьютерда тайёрловчи *Б.Ашуров*

Босишга рухсат этилди 16.06.2021. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Pragmatica Uzbek гарнитураси. Шартли б.т. 8,0.  
Адади 100 нусха.

«Complex Print» босмахонасида чоп этилди.  
Лицензия № 10-3606, 10.12.2016 у.  
Тошкент, А.Навоий кўч., 24.  
Тел.: +998 71 244 40 89




Мухаммад Отажонов, Бахтиёр Ашуров ва Отаназар Матёқубов



Саодат Джурабекова ва Мухаммад Отажонов





З.Мадрахимов, М.Отажонов, С.Бегматов, Х.Худойназаров



Озодгул Тошматова, Мустафо Бафоев, Мухаммад Отажонов,  
Рустам Болтаев ва Отаназар Матëкубов



Мухаммад Отажонов ва ўғиллари



Мен, Фирудин Сафаров ва рафикам Нурия Усмонова





Отаси Абдушариф  
Отажонов



Онаси Бикажон Раҳимова



Иш орасида



1-қаторда Б.Ахмеджанова, М.Аминова, Г.Гулямова,  
О.Юсупова, Г.Калмыкова, Э.Миркасымова;  
2-қаторда Н.Гиенко, Н.Лебедева, Н.Полатханова, С.Гафурова,  
В.Должинкова, М.Файзиева, М.Гумаров, М.Отажонов  
ва А.Шарипова



Мухаммад Отажонов юбилей кечасида



Андрей Слоним, Мухаммад Отажонов, Хасан Ражабий ва Адиба Шарипова



М.Отажонов, О.Юсупов, О.Хожиев, Б.Матёкубов, Р.Абдуллаев, П.Ниёзметов



Абдували Хошимов, Седа Бабаева, Комилжон Отаниёзов,  
Рашид Хамроев, Султон Хайитбоев, Абдушариф Отажонов ва  
ўртада Аркадий Яковлевич Коральский



Р.Абдуллаев, К.Искандаров, О.Отажонов, С.Беньяминов,  
А.Отажонов, У.Мусаев, Б.Раҳимова





М.Отажонов курсдошлар даврасида





Бахшилло, Рахматжон Қурбонов,  
Шухрат Раззоқов ва Муҳаммад Отажонов



Б.Ф.Гиенко ва М.Отажонов





### **САОДАТ ДЖУРАБЕКОВА**

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Ўзбек мусиқаси тарихи” кафедраси ўқитувчиси, мусиқашунос. Илмий ишлари ўзбек опера санъати, ўзбек композиторлари ижоди, Ўзбекистонда орган мусиқаси тарихи ва ижрочилиги масалаларига бағишланган.

Мусиқий назарий ва мусиқа тарихига оид фанларни олиб боради.

ISBN 978-9943-6246-7-2



9 789943 624672